

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА Н.С.

ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКА

ЎҚУВ ҚУЛЛАНМА



ТОШКЕНТ – 2011

Ушбу ўқув кўлланма олий таълим давлат стандартларига мувофиқ “Ижтимоий педагогика” курсининг ўқув дастури асосида тайёрланган. Унда ижтимоий педагогика асосларининг долзарб масалалари акс эттирилади, тарбия муаммосига ижтимоийлашув контекстида ёндашилади: ривожланиш жараёнига турли омилларнинг таъсири кўрсатилади; ижтимоий педагогиканинг асосий категориялари муҳокама қилинади; оилавий ва коррекцион тарбиянинг мазмуни ва хусусиятлари ҳамда шахснинг уйғун камол топиши концепциялари ва асосий қоидалари ёритилади.

Ўқув кўлланма ТДИУ “Педагогика ва психология” кафедрасининг мажлисида муҳокама қилинган ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари, талабалари ва аспирантларга фойдаланиш учун тавсия этилган.

Такризчилар: Ш.С.Шодмонова, п.ф.д., ТДПУ проф.в.б.
М.Ф.Ҳакимова, п.ф.д., ТДИУ доценти

ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ФАНИ СИФАТИДА

Асосий масалалар:


1. Ижтимоий педагогика, унинг предмети ва вазифалари.
2. Ижтимоий педагогиканинг назария ва амалиёт сифатидаги моҳияти ва мазмуни.
3. Ижтимоий педагогиканинг асосий категориялари, функциялари ва вазифалари.

Таянч иборалар: жамият, ижтимоий тарбия, ижтимоий шаклланиш, ривожланиш.

Машғулотнинг мақсади: ижтимоий ҳодиса сифатидаги тарбия ҳақида, шахснинг барча қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида тасаввурларни шакллантириш.


Ижтимоий педагогика, унинг предмети ва вазифалари. Жамиятда юзага келган ҳозирги вазият ёш авлодни ижтимоий тарбиялашнинг янги моделини топишни талаб этади. Ҳаёт шахсни очик ижтимоий муҳитда, жамиятнинг барча тарбиявий тузилмалари – мактаб, оила, меҳнат жамоалари, жамоатчилик бир-бири билан яқин алоқа қилаётган шароитларда тарбиялаш вазифасини кўйди. Мазкур коллектив ҳамкорлик жараёнида педагогика фанининг истиқболи порлоқ янги йўналиши – ижтимоий педагогика вужудга келди.

“Педагогика” атамаси икки юнонча сўз: *país*, *paídos* — бола, гўдак ва *ago* — етакляпман сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган ва “бола етакловчи” ёки “болага йўл кўрсатувчи” деган маънони англатади. Ривоятларга қараганда, Қадимги Юнонистонда кулдорлар уларнинг болаларини мактабга олиб борувчи ва мактабдан олиб келувчи махсус қулни тайинлаганлар. Уни *paídagog* деб атаганлар. Кейинчалик болаларга таълим ва тарбия бериш билан шуғулланувчи кишиларни педагоглар деб аташ одат тусини олган. Педагогика фанининг номи ҳам айни шу сўздан келиб чиққан.



“Ижтимоий” сўзи жамоатга доир, кишиларнинг жамиятдаги ҳаёти ва муносабатлари билан боғлиқ деган маънони англатади. Бу ерда гап инсонни ижтимоий тарбиялаш ва камол топтириш ҳақидагина эмас, балки уни ижтимоий қадриятлар билан, у яшаши ва ўзини шахс сифатида намоён этиши лозим бўлган жамият меъёрлари ва қоидалари билан ошно этиш ҳақида ҳам боради.

Ота-она, мураббийлар болага ҳаётда йўл кўрсатадилар, унга жамият тажрибаси, маданиятни ўзлаштиришга, шахс сифатида камол топишга, ўз қобилиятлари ва имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам берадилар.



Ижтимоий педагогика – умумий педагогиканинг атроф муҳит ва дунё билан ўзаро алоқалар тизимида шахснинг ижтимоийлашув жараёнини ўрганувчи қисми. Бу инсон, унинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, тарбиячи, тарбияланувчи ва ижтимоий муҳит ўртасида юзага келувчи алоҳида муносабатлар ҳақидаги янги илмий билим.

Педагогика фанининг тармоғи саналган ижтимоий педагогика атроф муҳитни ўзгартиришга, социумда инсоний тарбияловчи муносабатларни яратишга, ижтимоий фаолиятнинг турли хил вазиятларига педагогик жиҳатдан оқилона аралашув механизмларини топишга қараб мўлжал олади.

Ижтимоий педагогика ижтимоий ҳаётнинг барча ҳодисаларини ўз педагогик нуқтаи назаридан ўрганади ва таҳлил қилади, жамият ҳаётининг ишлаб чиқариш, иқтисодий, сиёсий, маданий шароитлари ва бошқа хил ҳодисалари инсонни қандай қилиб ўзгартириши ва камол топтиришини тадқиқ этади. Бу ижтимоий-педагогик вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида жамиятнинг барча тарбиявий имкониятларини сафарбар этиш йўллари ва шартлари ҳақидаги фан. моҳият эътибори билан у инсонга ўз ҳаётининг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган режаларини белгилаш ва амалга оширишда ёрдам беришни назарда тутди.

Фан сифатидаги ижтимоий педагогика шахс нуқтаи назарини биринчи ўринга қўяди, инсон бирламчи, давлат, жамият ва барча тарбия институтлари эса иккиламчи бўлиб, инсоннинг камол топишига хизмат


қилиши лозим, деган ғоядан келиб чиқади. Ушбу методологик қоида инсон, оила ва жамият ўзаро алоқаси замонавий моделининг асоси ҳисобланади. Ижтимоий педагогика шахсни камол топтириш, унинг қобилияти ва имкониятларини рўёбга чиқаришни биринчи ўринга қўяди. Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматлари оиладаги вазиятни ўз вақтида ўрганиш, унда мавжуд муаммолар ва қийинчиликларни аниқлаш, зарурий ёрдам кўрсатиш, ўз жисмоний ва маънавий соғлиғига, ўзини қуршаган муҳитга қадрият сифатида ёндашиш кўникмалари шаклланишида ёрдам бериш мақсадини кўзлайди. Сиёсатчилар ва иқтисодчилар, педагоглар ва тиббиёт ходимлари, психологларнинг вазифаси соғлом авлодни асраш, болалар ва ёшларнинг маънавий ва жисмоний соғлиғини сақлашдан иборат. Бугунги кунда ёш авлодда ижтимоий фойдали фаолиятга қизиқиш уйғотиш, оиладаги маънавий ришталарни мустахкамлаш жуда муҳимдир. Шахсни тарбиялаш, камол топтириш ва унинг ижтимоийлашуви вазифаларини ҳал қилиш учун педагог-психолог, қўшимча таълим педагоги ва ижтимоий педагог каби янги касблар жорий этилган.

“Ижтимоий педагогика” атамасини илк бор А.Дистервег 1850 йилда ўзининг “Немис ўқитувчилари учун қўлланма” асарида ишлатган, лекин бу ерда унинг мазмуни очиб берилмаган. Одатда ижтимоий педагогиканинг яратилишини шу номли биринчи китоб муаллифи бўлган немис файласуфи ва педагоги Пауль Наторп исми билан боғлайдилар. У педагогиканинг бош вазифаси инсонни тарбиялаш учун айниқса қулай бўлган ижтимоий шароитларни аниқлашдан иборат, деб ҳисоблаган.

*Ҳозирги замон ижтимоий педагогикаси халқни, шу жумладан ёш авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдига қўяди. У айрим шахсгагина эмас, балки мазкур шахс ўсиб-улғаяётган жамиятга ҳам таъсир кўрсатади. Шу туфайли ҳам ижтимоий педагогиканинг **мақсади** инсонни қуршаган муҳитни педагогикалаштириш, инсон фаолиятини ўзгартириш, унга тарбияловчи тус бериш, инсоний муносабатларни маънавий-ахлоқий мазмун билан бойитишдан иборат.*

Конкрет жамиятда ўзини ўзи ижтимоий камол топтираётган, ўз имкониятларини ўзи рўёбга чиқараётган инсон ижтимоий педагогиканинг **объекти** ҳисобланади. Инсон ижтимоийлашувининг педагогик жиҳатлари, унинг социумда мослашуви ва жамиятга

қўшилиши ижтимоий педагогиканинг **предмети** сифатида амал қилади. Ижтимоий педагогиканинг мазмуни унинг **функциялари** билан белгиланади. Булар назарий-маърифий, амалий, умумий педагогик, махсус, тавсифий, прогностик ва ўзгартириш функцияларидир.



Ижтимоий педагогиканинг **амалий вазифалари** алоҳида аҳамият касб этади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Инсон онгида эзгулик ва адолат, ўз яқинларига муҳаббат, ижодкорлик, ўзаро тил топиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.
2. Ўз атрофидагилар билан мулоқот қилишни, ҳаёт мақсади ва мазмунини белгилашни ўргатиш.
3. Атроф борлиқни, инсоннинг жисмоний ва маънавий хусусиятларини, жамиятдаги ҳуқуқлар ва бурчларни билишга интилишни ривожлантириш.
4. Ўз қадр-қимматини англаш, мустақиллик, ўзига ишонч ҳиссини ривожлантириш.

Умумий педагогика фанининг бир қисми саналган ижтимоий педагогика унинг воситалари, асосий принциплари ва методларидан тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида фойдаланади. Шу билан бир вақтда, амалий фаолият ва ижтимоий-педагогик тадқиқотларнинг ўз методларини белгилаш ҳам ижтимоий педагогиканинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Ижтимоий педагогиканинг назария ва амалиёт сифатидаги моҳияти ва мазмуни. Ижтимоий педагогика мустақил фан сифатида ажралиб чиққанига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Одатда унинг яратилишини инсон учун айниқса қулай бўлган ижтимоий шароитларни аниқлашни ижтимоий педагогиканинг бош вазифаси деб ҳисоблаган Пауль Наторп билан боғлайдилар.



Наторп тарбияни иродани шакллантириш сифатида тушунади. Умуман олганда ирода руҳий ҳаётнинг ўзаги ҳисобланади.


Аммо қадимги юнон мутафаккирлари Демокрит, Сукрот, Платон, Аристотель тарбия давлат сиёсати билан узвий боғлиқ эканлигини қайд этган эдилар.



Демокрит



Аристотель



Платон



Абу Али Ибн Сино инсон тарбиясини унинг болалигидан бошлаш, бунда боланинг табиати ва катталар, энг аввало ота-она таъсирини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлаган эди.


XVIII аср француз материалистлари ижтимоий ўзгаришлар учун тарбиянинг аҳамиятига урғу берганлар. Ибтидоий жамоа тузумидан қулдорлик тузумига, сўнгра феодал муносабатларга ўтилиши болани тарбиялаш ва ҳимоя қилиш муаммолари пайдо бўлишига олиб келди. Ижтимоийлашув инсоннинг бутун умри мобайнида амалга оширилади. Нафақат жамият инсонга таъсир кўрсатади, балки инсон ҳам жамиятга

таъсир кўрсатади. Педагогика, шу жумладан ижтимоий педагогика бу жараёнда шахс қандай камол топаётганини, шахс ва оила, шахс ва этнос ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай ривожланаётганини ўрганади.

Янги мулкчилик шакллари амал қилаётган янги иқтисодий шароитларда янгича иқтисодий тафаккур шаклланади. Ижтимоий педагогика янги иқтисодий муносабатлар оиладаги муносабатларга, болалар тарбиясига қандай таъсир кўрсатаётганини таҳлил қилади.

Ижтимоий педагогика инсон ва муҳитнинг ўзаро алоқаси муаммоларини, ҳозирги замон таълим, касб-ҳунар таълими тизимларини, болалар ва ўсмирларни муҳофаза қилиш ижтимоий марказлари ишини ўрганади.

Ижтимоий педагогика ҳозирги даврда конкрет ишда иштирок этишга қодир бўлган фаол инсонни тарбиялашга қараб мўлжал олади. У энг аввало оилага, ҳозирги шароитда унинг роли ўзгарганини эътиборга олган ҳолда муурожаат этади.




Тарбия - юз бериши муқаррар бўлган оқибатни олдиндан кўра билиш ва унинг таъсирини сусайтириш санъатидир.

Ижтимоий педагогика шундай бир билим тармоғики, уни ўрганиш, биринчидан, у ёки бу ёшдаги одам ҳаётида муайян шароитларда юз бериши муқаррар бўлган воқеани башорат қилиш учун имконият яратади. Иккинчидан, инсон камол топиши, унинг ижтимоийлашув жараёни самарали кечиши учун қулай шароитларни қандай қилиб яратиш мумкинлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради. Учинчидан, мазкур жараёнда инсон ҳаётида юз берувчи кўнгилсиз ҳолатлар таъсирини пасайтириш учун нима қилиш кераклигини аниқлаш имкониятини беради.

Ижтимоий педагогиканинг асосий категориялари. Ижтимоий педагогика ўз тушунчалари ва категориялар мажмуига эга. Ижтимоий педагогиканинг асосий тушунчаларига қуйидагилар киради: ижтимоий муҳит, ижтимоий тарбия, ижтимоий таълим, ижтимоийлашув, ижтимоий мослашув, қайта тарбиялаш, коррекция ва ҳ.к.

Ижтимоий педагогика атамаларининг моҳиятига батафсилроқ тўхталамиз. Энг аввало, ижтимоий муҳит нима, деган саволга жавоб топиш лозим.


Муҳит турли фанларнинг вакиллари – социологлар, психологлар, педагоглар томонидан ўрганилади.



Ижтимоий педагогикада социум, **ижтимоий муҳит** инсоннинг камол топиш жараёни юз берувчи реал борлиқ сифатида қаралади.


Педагоглар муҳит таъсири ҳақида гапирганда, энг аввало ижтимоий муҳит ва оила муҳитини назарда тутадилар. “Ижтимоий муҳит” тушунчаси ижтимоий тузум, ҳаётнинг моддий шароитлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар тизими каби мезонларни қамраб олади. Ижтимоий муҳит жамият ва дунё билан мавжуд алоқалар ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Шахснинг ижтимоийлашувида муҳит улкан роль ўйнайди. У жамият, унинг анъаналари ва уклади ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Айнан шу ерда инсон ҳаётни билади, ижтимоий мулоқот тажрибасини ўзлаштиради.

Тарбия педагогиканинг асосий категорияси сифатида олимлар томонидан фаол ўрганилади, чунки тарбия ижтимоий ҳаётнинг абадий ва умумий категорияси ҳисобланади. Педагогика тарбияга ахлоқий фазилатларнинг шаклланиш изчил жараёни сифатида қарайди.



Ижтимоий тарбия – барча ижтимоий таъсирларни эътиборга олган ҳолда шахснинг ижтимоий камол топиши учун шароитлар яратишга қаратилган жараён.

Ижтимоий тарбия тизим сифатида инсонни шакллантирувчи барча омилларни ўз ичига олади. Ижтимоий тарбия – серқирра тушунча. У оила ва жамиятда юзага келган ахлоқий муносабатларни ўзлаштириш ва қабул қилишда инсонга ёрдам беришни, унга ўз ҳаёт йўлини танлаш ва янги шароитга мослашишни ўргатишни англатади. Ижтимоий тарбия жараёни оилада, мактабда, ижтимоий таълимнинг барча бўғинларида, меҳнат жабҳасида юз беради. Ҳозирги замон ижтимоий тарбиясининг инсонпарварлиги ўзаро муносабатларни тазйиқ ўтказиш асосида эмас, балки ўзаро тил топиш асосида йўлга қўйиш билан белгиланади. Ижтимоий педагогика замирида шахсни тарбиялаш ётади, шу туфайли ҳам ижтимоий тарбиянинг вазифаси одамлар билан ижобий муносабатларга киришишга қодир бўлган мустақил, ижодкор шахсни шакллантиришдан иборат.



Ижтимоийлашув – маданий кадриятлар ва ижтимоий меъёрларни ўзлаштириш, шахснинг ўзини ўзи камол топтириш ва ўз имкониятларини жамиятда рўёбга чиқариш жараёни.

Ижтимоийлашув инсоннинг жамиятга мослашиш жараёни сифатида қаралади. Жамият ўзининг ҳар бир аъзосини ўзига хос бўлган маданиятга мувофиқ шакллантиради. Педагогика ижтимоийлашувга конкрет жамият шароитида мослашув (ижтимоий мослашув) ва мустақиллашув (индивидуалликнинг шаклланиши) жараёнларининг бирлиги сифатида қарайди. Ижтимоийлашувнинг кўп сонли концепциялари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга бирлаштириш мумкин: субъект-объект ва субъект-субъект ёндашувлари. Субъект-объект ёндашуви ижтимоийлашув жараёнида инсоннинг пассив ролини назарда тутаяди. Субъект-субъект ёндашувида инсон фаол позицияни эгаллайди ва жамиятга мослашибгина қолмасдан, ўз яшаш шароитлари ва ўз-ўзига ҳам таъсир кўрсатади. Ижтимоийлашув ва ижтимоий тарбия инсон ҳаётининг турли босқичларида ўз хусусиятларига эга бўлади.

Ижтимоий иш – ижтимоий ҳолатини яхшилаш учун инсонга, гуруҳга ёрдам кўрсатиш борасидаги касбий фаолият.

Ижтимоий-педагогик муҳофаза – айрим шахснинг жисмоний, руҳий ва ахлоқий-психологик хавфсизлигини таъминловчи омиллар ва воситалар тизими, унинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, у эркин камол топиши учун моддий ва маънавий шароитлар яратиш.

Ижтимоий муаммолар – инсон мақсад ва натижа ўртасидаги ўзи учун муҳим бўлган номувофиқлик сифатида тушунувчи ижтимоий зиддият. Мақсадга эришиш учун маблағлар йўқлиги ёки тақчиллиги туфайли юзага келувчи бу номувофиқлик ижтимоий эҳтиёжлар қондирилмаслигига сабаб бўлади.

Ўзини ўзи назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ижтимоий педагогиканинг ривожланишини акс эттирувчи асосий йўналишларни айтиш ва уларга тавсиф бериш.
2. Шахснинг ижтимоий камол топиш педагогикаси ўзида

нимани ифодалайди?

3. Ижтимоий педагогика нима?

4. Назария сифатидаги ижтимоий педагогикага тавсиф беринг.

5. Амалиёт сифатидаги ижтимоий педагогикага тавсиф беринг.

6. Ўқув фани сифатидаги ижтимоий педагогикага тавсиф беринг.

7. Ижтимоий педагогиканинг асосий категорияларини айтинг ва уларга тавсиф беринг.

8. Ижтимоий педагогика қандай вазифани бажаради?

9. Ижтимоий педагогиканинг предметиға тавсиф беринг.

10. Ижтимоий педагогиканинг асосий вазифаларини айтинг.

ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

Асосий масалалар:

1. Ижтимоий педагогика билимларнинг интегратив тармоғи сифатида.
2. Педагогика фанлари тизимида ижтимоий педагогиканинг ўрни.
3. Ижтимоий педагогиканинг асосий принциплари.
4. Ижтимоий педагогиканинг фалсафий, ахлоқий ва тарихий-маданий асослари.

Таянч иборалар: ижтимоий муаммолар, ижтимоий тарбия, интеграция, иқтисодий шароитлар, иқтисодий тафаккур

Машғулотнинг мақсади: ижтимоий педагогиканинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси ҳақида тасаввурни шакллантириш, ижтимоий педагогика принципларининг асосий мазмунини ёритиб бериш

Ижтимоий педагогика билимларнинг интегратив тармоғи сифатида. Ижтимоий педагогика мустақил фан сифатида ажралиб чиққанига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Одатда унинг яратилишини инсон учун айниқса қулай бўлган ижтимоий шароитларни аниқлашни ижтимоий педагогиканинг бош вазифаси деб ҳисоблаган Пауль Наторп билан боғлайдилар. Наторп тарбияни иродани шакллантириш сифатида тушунади. Умуман олганда ирода руҳий ҳаётнинг ўзаги ҳисобланади.


Аммо қадимги юнон мутафаккирлари Демокрит, Сукрот, Платон, Аристотель тарбия давлат сиёсати билан узвий боғлиқ эканлигини қайд этган эдилар. Абу Али Ибн Сино инсон тарбиясини унинг болалигидан бошлаш, бунда боланинг табиати ва катталар, энг аввало ота-она таъсирини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлаган эди. XVIII аср француз материалистлари ижтимоий ўзгаришлар учун тарбиянинг аҳамиятига урғу берганлар. Ибтидоий жамоа тузумидан қулдорлик тузумига, сўнгра феодал муносабатларга ўтилиши болани тарбиялаш ва ҳимоя қилиш муаммолари пайдо бўлишига олиб келди. Ижтимоийлашув инсоннинг бутун умри мобайнида амалга оширилади. Нафақат жамият инсонга таъсир кўрсатади, балки инсон ҳам жамиятга таъсир кўрсатади. Педагогика, шу жумладан ижтимоий педагогика бу

жараёнда шахс қандай камол топаётганини, шахс ва оила, шахс ва этнос ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай ривожланаётганини ўрганеди.


Янги мулкчилик шакллари амал қилаётган янги иқтисодий шароитларда янгича иқтисодий тафаккур шаклланади. Ижтимоий педагогика янги иқтисодий муносабатлар оиладаги муносабатларга, болалар тарбиясига қандай таъсир кўрсатаётганини таҳлил қилади.

Ижтимоий педагогика инсон ва муҳитнинг ўзаро алоқаси муаммоларини, ҳозирги замон таълим, касб-ҳунар таълими тизимларини, болалар ва ўсмирларни муҳофаза қилиш ижтимоий марказлари ишини ўрганеди.

Ижтимоий педагогика ҳозирги даврда конкрет ишда иштирок этишга қодир бўлган фаол инсонни тарбиялашга қараб мўлжал олади. У энг аввало оилага, ҳозирги шароитда унинг роли ўзгарганини эътиборга олган ҳолда мурожаат этади.



Юқорида баён этилганлар ижтимоий педагогика тарбиявий, ижтимоий-ҳуқуқий ва ижтимоий-реабилитацион функцияларга эга, деган хулосага келиш имкониятини беради.



Тарбиявий функция бола ўзини қуршаган муҳитга қўшилишини, унинг ижтимоийлашув жараёнини, таълим ва тарбия жараёнида унинг мослашувини назарда тутди.

Ижтимоий-ҳуқуқий функция болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини аниқлатади.

Ижтимоий-реабилитацион функция – жисмоний ёки руҳий нуқсонли бўлган ногирон болалар билан таълим ва тарбия ишлари олиб бориш. Бу ерда асосий ижтимоий функцияларни педагог бажаради.

Педагогика фанлари тизимида ижтимоий педагогиканинг ўрни. Педагогика фанлари тизимида ижтимоий педагогика қандай ўрин эгаллайди, у фанми ёки амалий фаолият соҳасими, деган саволлар атрофида баҳс-мунозаралар ҳанузгача тўхтагани йўқ. Айрим мамлакатларда “педагогика”, “ижтимоий педагогика”, “ижтимоий педагог” атамалари умуман ишлатилмайди, талабалар мазмунан “махсус педагогика”, “ижтимоий тарбия” тушунчаларига яқин бўлган “ортопедагогика” курсини ўргандилар. Хуллас, турли мамлакатларда уларнинг тарихий ва маданий анъаналари, ривожланиш даражасига қараб терминологияда ҳам, тушунчалар мазмунида ҳам ўз хусусиятлари бор.

Ижтимоий педагогика таълим социологияси, тарбия социологияси, педагогик ва ижтимоий психология, бошқарув психологияси билан фанлараро алоқаларга киришади.



Фалсафа ижтимоий педагогиканинг методологияси ҳисобланади, фан олдида турган муаммоларни тушунишнинг умумий принциплари ва ёндашувларини белгилайди. Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур ривожланишининг умумий қонунлари ҳақидаги фан сифатида дунёни ва инсоннинг ундаги ўрнини ўрганади. Ижтимоий педагогика муаммоларини тушунишда инсон, социум, конфликт, турмуш тарзи каби категориялар айниқса муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий педагогика педагогика тарихига, ўтмишдаги таълим ва тарбия тажрибасига, бошқа мамлакатлардаги таълим ва тарбия амалиётига таянади.

Ижтимоий педагогика социология билан боғлиқ, чунки социология жамиятни, ижтимоий ҳодисалар ва ижтимоий муносабатларни ўрганади. Социология конкрет жамият ва унинг гуруҳларининг мазмун ва моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Ижтимоий педагогикада кўпгина ёндашувлар психология ёрдамида ечилади. Психоанализ ва психодиагностика ижтимоий иш методлари учун асос ҳисобланади. Ижтимоий педагогика ҳам, психология ҳам амалий аҳамиятга эгадир.


Ижтимоий педагогика педагогиканинг мактабгача педагогика, мактаб педагогикаси, касб-ҳунар таълими педагогикаси, муҳит педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси, ижтимоий иш педагогикаси каби тармоқлари учун асос ҳисобланади.

Ижтимоий педагогика ва антропологиянинг ўзаро алоқаси алоҳида диққатга сазовор. Ижтимоий педагогика ўз мазмунини антропологик асосда белгилар экан, инсоншунослик муаммолари билан шуғулланувчи бошқа фанлар: ижтимоий фалсафа, социология, педагогика, ижтимоий психология, ахлоқ, ижтимоий ҳуқуқ ютуқларидан кенг фойдаланади. У инсон, давлат ва жамият ижтимоий-педагогик ривожланиш жараёни муҳим босқичларининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Ижтимоий тарбиянинг инсонпарварлиги шахсни мажбурлашда эмас, балки унга ёрдам кўрсатишда намоён бўлади. Ижтимоий педагогика оила тарбияси хусусиятларини, миллий хусусиятларни ва диний тарбияни эътиборга олади. Шу туфайли ҳам ижтимоий педагог ижтимоий тарбия тарихини билиши лозим.

Ижтимоий педагогика принципларининг моҳият ва мазмуни.
“Принцип” атамаси лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, “асос”, “негиз” деган маънони англатади.

Ҳар бир фан ўз ривожланиш жараёнида муайян принципларга, яъни фан аниқлаган қонуниятлардан келиб чиқувчи асосий қоидаларга асосланади. Масалан, қурувчилар ҳар қандай бино қурилиши унинг пойдеворини ўрнатишдан бошланишини яхши биладилар.



Ҳар қандай фан ўз принципларига эга бўлиб, уларни амалга ошириш муайян қоидаларга бўйсунди

Ижтимоий педагогика, юқорида қайд этиб ўтилганидек, педагогикадан ажралиб чиққан ва, табиийки, у асосан айна шу фаннинг принципларига таянади. Педагогика принциплари, жамиятнинг ривожланиш даражаси ва унинг эҳтиёжларини акс эттирган ҳолда, умуман олганда жамиятда муайян типдаги шахсга қўйиладиган талабларни ифодалайди: тарбия стратегияси, мақсадлари, мазмуни ва методларини белгилайди. Педагогикада принциплар шахсга таълим ва тарбия беришнинг умумий йўналишини кўрсатади ва конкрет педагогик вазифаларни ечиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий тарбияни бола камол топиши ва ижтимоийлашувининг таркибий қисми сифатида тушуниш миллий ва хорижий педагогика амалиёти синовидан ўтган айрим принципларни ажратиш имкониятини беради.

Биз бу ерда уч принцип – табиатга мувофиқлик, маданиятга мувофиқлик ва инсонпарварлик принципларига батафсилроқ тўхталамиз. Бу принципларнинг ҳар бири ижтимоий педагогикада ўз хусусиятларига эга ва ижтимоий-педагогик фаолиятда акс этади.



Табиатга мувофиқлик принципини илк бор **Я.А.Коменский** ўзининг “Буюк дидактика” асарида таърифлаган. У инсон табиатнинг бир қисми сифатида унинг ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсида ҳам, кишилиқ жамиятида ҳам амал қилувчи умумий қонунларига

Табиатга мувофиқлик – ижтимоий педагогика принципи бўлиб, унга биноан ижтимоий педагог ўз амалий фаолиятида боланинг табиий ривожланиш омилларига амал қилади. Мазкур принцип тавсифига

педагоглар, психологлар ва файласуфларнинг асарларида дуч келиш мумкин. Уларда ушбу принципнинг у ёки бу жиҳатлари акс эттирилган. У одамлар туғиладиган жойда табиат эҳсонларини имкониятдан воқеликка айлантириш учун тарбия зарурлигини қайд этган. А.Коменский табиат умумий қонунларигагина эмас, бола шахсияти психологиясига ҳам таянган. У ўзи яратган болаларга таълим ва тарбия бериш тизимини болалар ва ўсмирларнинг ёш хусусиятларига таянган ҳолда асослаган.

Кейинчалик табиатга мувофиқлик принципи асосида турли хил педагогик ва ижтимоий назариялар яратилган.



Француз файласуфи **Жан Жак Руссо** (1712-1778) болани тарбиялаш табиатга мувофиқ амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблаган. У табиатнинг ўзи тарбиялашига катта эътибор берган. Унинг фикрича, бу инсон қобилиятларини ичдан ривожлантириш йўли билан амалга оширилиши лозим.

Назариянинг ўзига хослиги унинг мазмунидагина эмас, балки бола тарбиясини у туғилган пайтдан балоғат ёшига етгунига қадар табиий шароитларда амалга оширишни назарда тутишида ҳам намоён бўлади.

Табиатга мувофиқлик принципнинг ривожланиш жараёнини П.П.Блонский, С.Т.Шацкий, В.А.Сухомлинский, Ю.К.Бабанский, Г.И.Шчукина, Т.И.Ильина каби педагогларнинг асарларида ҳам кузатиш мумкин. Болаларга таълим ва тарбия беришда олимлар асосий эътиборни ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олишга қаратганлар.


Россияда В.П.Кашченко (1870-1943) фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим. У 1908 йилда нуқсонли болалар учун мактаб-санаторий ташкил қилади. Бу мактаб педагогик, даволаш ва тадқиқот мақсадларини ўзида бириктиради. Ушбу муассаса негизида кейинчалик болани ўрганиш уйи ташкил этилади. Табиатга мувофиқлик принципини ривожлантирар экан, В.П.Кашченко ривожланишда нуқсонли бўлган болаларга таълим ва тарбия беришда эътиборга олиниши лозим бўлган жисмоний ва рухий нуқсонларни атрофлича ўрганади.

Табиатга мувофиқлик принципи ҳақида ижтимоий педагогикага татбиқан гапирганда, энг аввало бу ерда оддий бола ёки ривожланишда нуқсонли бўлган бола назарда тутилаётганини ёдда сақлаш зарур. Шу

туфайли ҳам ижтимоий педагог табиатга мувофиқлик принципига биноан ўз фаолиятида қуйидаги қоидаларга амалга қилиши лозим:

- болаларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиш;
- болаларнинг жинсий хусусиятларини эътиборга олиш;
- болаларнинг ўз жисмоний ёки руҳий нуқсонлари билан боғлиқ бўлган индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш;
- боланинг ижобий жиҳатларига, шахсиятининг кучли томонларига таяниш;
- боланинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини ривожлантириш.

Маданиятга мувофиқлик принципи табиатга мувофиқлик принципининг давоми ҳисобланади. Унинг зарурлиги инсон табиати билан белгиланади. Инсон биологик мавжудот сифатида туғилади ва хулқ-атвор ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш йўли билан шахс сифатида камол топади. Бу тажриба тарбия ва шахснинг камол топиши жараёнида авлоддан-авлодга ўтиб келади. Антик жамиятдаёт файласуфлар ва педагоглар шахснинг камол топиши ва маданият ўртасида теран алоқалар мавжудлигини аниқлаганлар. Бунда икки муҳим тезис таърифланган: шахс маданият билан ошно бўлиш орқали камол топади, ҳар қандай маданиятнинг олий бойлиги эса инсон ҳисобланади.



Маданиятга мувофиқлик принципи педагогикада **Адольф Дистервег** томонидан илгари сурилган. У инсонни тарбиялашда у туғилган ва яшаши лозим бўлган жой ва давр шароитларини эътиборга олиш лозим, деб ҳисоблаган.

Бутун инсоният

ривожланишининг муайян босқичида бўлади – бу аждодлар ўз тарихи натижаси сифатида қолдирган мерос ҳисобланади. Инсон, гарчи унинг камол топиши табиий қобилиятларга боғлиқ бўлса-да, ўз даврининг маҳсулидир.

Россия педагогикасида маданиятга мувофиқлик ғояси **К.Д.Ушинский** асарларида ривожлантирилган.



К.Д. Ушинский маърифатли инсон ва фуқарони тарбиялаш учун ишни ёзиш, ўқиш ва санашни, ўз динини, ўз ватанини, унинг табиати, географияси, тарихи ва маданиятини ўргатишдан бошлаш лозим, деб ҳисоблаган. **К.Д.Ушинский** ва бошқа педагогларнинг асарларида бу ғоя халқчиллик ғояси сифатида акс эттирилган.

Халқчиллик деганда К.Д.Ушинский ҳар бир халқнинг тарихий ривожланиши, географик ва табиий шароитлари билан белгиланган ўзига хослигини тушунган. К.Д.Ушинский ўз даврининг илғор мамлакатларида амал қилган тарбия тизимларини ўрганар экан, ҳар бир мамлакатнинг тарбия тизимида халқнинг феъл-атвори акс этади, деган хулосага келган. Унинг фикрича, халқ ва унинг маданияти шундай бир инсон идеалини яратадики, тарбияда унга амал қилиниши лозим.

Маданиятга мувофиқлик принципи тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий маданиятларнинг кадриятлари ва меъёрларини эътиборга олишни назарда тутди. Умуминсоний кадриятлар инсонни олий кадрият сифатида; оилани мавжудликнинг табиий муҳити сифатида; меҳнатни ҳаёт фаолиятининг асоси сифатида; ер юзида тинчликни мавжудлик шарти сифатида; билимни фаолият асоси сифатида; маданиятни тарихан шаклланган ижтимоий тажриба сифатида тан олишни назарда тутди.

Болани жамиятнинг турли хил маданиятлари, чунончи: маиший, жисмоний, интеллектуал, сиёсий, маънавий маданият билан ошно этиш мушкул вазифа бўлиб, уни ечиш бола ўз ҳаётининг турли даврларида бўладиган оила ва жамият, турли муассасалар ва бирлашмаларнинг саъй-ҳаракатлари билан таъминланади. Агар боланинг камол топиш жараёни нормал кечаётган бўлса, у жамият маданиятини ўзлаштиради ва жамиятга табиий қўшилади. Агар боланинг жисмоний, руҳий ёки ижтимоий ривожланишида бирон-бир нуқсон бўлса, унинг халқ маданий кадриятларини ўзлаштириши муаммоси мураккаблашади. Айни шу сабабли бундай болалар учун уларни маданият кадриятлари билан ошно этиш алоҳида методикаси ва технологияси яратилган. Аммо боланинг маданиятни идрок этиш жараёни пассив кечмайди, у ўзи айни шу маданият бунёдкорига айланади. Болалар ансамбллари, бадий студиялар, тўгараклар ва секциялар болаларга маданият билан ошно бўлиш учун имконият яратади.

Инсонпарварлик принципи. “Инсонпарварлик” ва “инсонийлик” сўзлари лотинча “инсоний” сўзидан келиб чиққан. Инсонпарварлик – инсоннинг шахс сифатидаги қимматини тан олувчи, унинг эркинлик, бахт-саодат, камол топиш ва ўз қобилиятларини намоён этишга бўлган ҳуқуқини эътироф этувчи қарашлар тизими. У инсон фаровонлигини ижтимоий ҳодисаларга баҳо бериш мезони деб, тенглик, одиллик ва инсонийликни эса – жамиятдаги муносабатларнинг мақбул меъёри деб

ҳисоблайди. Инсонийлик – инсонпарварликнинг турли йўналишлари идеали, унинг мақсади инсоннинг ноёб қобилиятлари, туйғулари ва тафаккурини ривожлантириш, инсоният маданияти ва маънавиятини юксалтиришдир. Ҳозирги вақтда кенг ишлатилаётган “инсонпарварлашув” тушунчаси айрим кишилар ва ҳамжамиятларнинг инсонпарварликни дунёқараш тизими сифатида амалга ошириш борасидаги фаолиятини назарда тутади. Инсонпарварлик тушунчаси “инсон” тушунчаси билан ўзаро алоқада ривожланади. Ҳозирги замон фанининг етакчи тенденцияси – инсонга, унинг дунёқарашига муурожаат этиш. Инсонпарварлик дунёқарашининг моҳиятини ўзаро алоқа қилувчи дунё концепцияси ташкил этади. У биз яшаётган дунё яхлит инсон дунёсидир, деган ғояни илгари суради. Инсоннинг ижтимоий камол топишини инсонпарварлик принципини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш талаб этилади.

Педагогика ва ижтимоий педагогикада инсонпарварлик ғоялари Уйғониш даврида айниқса фаол ривожлантирилган. Аммо гуманистик тарбия ғояларига Суқрот, Платон, Аристотель каби антик файласуфларнинг фикрларига ҳам дуч келиш мумкин.



Томас Мор



Франсуа Рабле

Ҳар томонлама комил ва эркин инсон гуманистик тарбия идеали ҳисобланган. Томас Мор (1478-1535), Франсуа Рабле (1483-1536), Мишель Монтень (1533-1592) ва бошқаларнинг асарларида таълимнинг мазмуни ёритиб берилган, гуманистик тарбиянинг моҳияти ва воситалари таҳлил қилинган. Инсонга, унинг табиати ва тарбиясига ёндашув гуманист педагоглар учун умумий бўлган. М.Монтень болада энг аввало маърифатли инсонни тарбиялаш керак, деб ҳисоблаган. Ёмон нуқсонлар куртаги болаликда пайдо бўлиши боис, оиладаги тарбияда хатоларга йўл қўймасликка ҳаракат қилиш керак. Тарбия болани бузмаслигининг ўзи кифоя қилмайди, у болани яхши томонга ўзгартириши, тарбияланувчилар ўзлигини англаш ва ўзини ўзи камол топтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Инсонпарварлик ижтимоий

воқеликни борлиқ нуқтаи назаридан эмас, балки мақбуллик нуқтаи назаридан акс эттиради, жамиятга ва унинг айрим вакилларига юксак маънавий талаблар қўяди, инсонни ер юзидаги энг олий қадрият сифатида эътироф этишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда педагогика ва ижтимоий педагогикада инсонпарварлик тушунчаси умуминсоний ва миллий маданият қадриятлари асосида тарбияни янгилаш жараёнини, юксак ақлий, маънавий ва жисмоний қадриятларга эга бўлган шахсни тарбиялаш мўлжалларини акс эттиради.

Болаларга меҳрибонлик ва уларда меҳр-мурувватни тарбиялаш инсонпарварликнинг олий кўриниши ҳисобланади. Педагогика ва ижтимоий педагогика классикларининг барча асарлари болаларга меҳрибонлик руҳи билан суғорилган. Бу масала талқинига ўз муносабатини билдирмаган бирорта ҳам таниқли файласуф ва педагог йўқ, десак, асло адашмаймиз. Қуйида бунга бир нечта мисоллар келтирамиз.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Варшава геттосидаги етимхона тарбиячиси Януш Корчак қаҳрамонона жасорат содир этади. Гитлерчилар болаларни Тремблинка печларида ёқишга ҳукм қиладилар. Я.Корчакка болаларсиз яшаш ёки улар билан бирга ўлишни танлаш таклиф қилинганида, у ҳеч иккиланмасдан ўлимни танлайди. Гестапochи уни яхши шифокор сифатида танишларини ва у Тремблинкага бориши шарт эмаслигини айтганида, Я.Корчак: “Мен виждонимни сотмайман”, деб жавоб беради. У болалар билан ўлимга боради, уларнинг қалбига ўлимни кутиш даҳшати соя ташламаслиги ҳақида қайғуриб, уларни овунтиради. Болаларга муҳаббат йўлида жон фидо қилиш Я.Корчак содир этган ҳаётбахш жасоратдир.

Атоқли педагог В.А.Сухомлинский ҳаётининг мазмуни ҳам болаларга муҳаббат билан белгиланади. Унинг машҳур асари “Юрагимни болаларга бахшида этаман” деб номлангани тасодифий бир ҳол эмас. Ш.А.Амонашвилининг “Инсоний педагогика”, “Педагогик симфония” каби асарлари ҳам ғамхўрлик ва меҳрибонлик руҳи билан суғорилган.

Шундай қилиб, ижтимоий педагогикада инсонпарварлик принципи болани шахс сифатида тан олишни, унинг эркинлик, бахт-саодатга бўлган ҳуқуқларини эътироф этишни, унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни, бола камол топиши, ўз қобилиятлари ва ижодий


салоҳиятини рўёбга чиқариши учун унга шароитлар яратишни, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва жамиятга қўшилишида унга ёрдам кўрсатишни назарда тутди.

Ижтимоий педагогиканинг фалсафий, ахлоқий ва тарихий-маданий асослари. Ижтимоий фалсафа – жамият ва инсон муаммолари, жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатларга доир муаммолар ҳақидаги фан. Унинг вазифаси жамиятда юз бераётган жараёнларни назарий асослашдан иборат. Жамият ва шахс – ижтимоий фалсафанинг бош муаммоси.

Шахснинг камол топиши ижтимоийлашув жараёнида юз беради. Ушбу жараёнга жамиятнинг барча ижтимоий институтлари ва инсоннинг ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари таъсир кўрсатади. Нафақат жамият инсонга таъсир кўрсатади, балки инсон ҳам жамиятга таъсир кўрсатади. Фалсафа ҳам, педагогика ҳам ушбу жараёнда шахс қандай камол топишини, шахс ва оила, шахс ва этнос, шахс ва давлат қай тарзда ўзаро алоқа қилишини ўрганади.

Кишилиқ жамияти муносабатларнинг мураккаб тизимини ташкил этади. Шулардан бири – жамоадаги шахс. Ижтимоий педагогиканинг бош масалаларидан бири – шахс ва муҳитнинг ўзаро муносабатлари. Ҳозирги давр шароитларида ижтимоий фалсафа жамиятда юз бераётган ўзгаришлар – янги иқтисодий, сиёсий, оилавий ва миллий муносабатларни акс эттиради. Оила, таълим, ёшлар тарбияси, табиат, миллий муносабатларга янги ёндашув илгари сурилади. Бу муаммолар марказида инсон, шахс туради.

Янги мулкчилик шакллари амал қилаётган янги иқтисодий шароитларда янги иқтисодий тафаккур шаклланади. Ижтимоий педагогика янги иқтисодий муносабатлар оиладаги муносабатларга, болалар тарбиясига қандай таъсир кўрсатаётганини таҳлил қилади.



Ижтимоий шаклланиш инсон ва муҳит ўзаро алоқасининг стихияли оқибати ҳисобланмайди. Унда **ижтимоий тарбия** катта ўрин эгаллайди. Моҳият эътибори билан бу тарбиячининг тарбияланувчи билан ўзаро алоқалар учун махсус шароитлар яратиш, муайян ижтимоий-педагогик мақсадларга эришиш манфаатларида унинг онги ва сезгиларига таъсир кўрсатиш борасидаги изчил фаолиятidir.

Қадим замонлардан бери файласуфлар ва педагоглар илк болаликни инсонни изчил тарбиялаш, унинг ўзини ўзи ижтимоий камол топтиришини рағбатлантириш учун энг қулай давр ҳисоблайдилар. Бу даврда бола ўта ҳаракатчан ва ўз ривожланишида мослашувчан бўлади. Тарбиявий жиҳатдан айти шу омил биринчи даражали аҳамият касб этади. Бола ҳаётининг дастлабки даврида уни ижтимоий тарбиялашдаги ҳар қандай камчиликлар унинг шахс сифатида камол топишида бевосита акс этади.

Маънавий тарбиялаш қадим замонлардан бери муҳим ҳисобланади. У мазкур жамиятда шаклланган ва тан олинган меъёрлар ва қоидаларга бўйсунди. Инсон уларни болаликдан ўзлаштириши унинг ҳаёт фаолияти муҳитидаги хулқ-атворини ва ўзини тутишини белгилайди. Инсонда айнан маънавий ўзак конкрет жамиятда яшаш ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун унга зарур бўлган муҳим ижтимоий асос ҳисобланади.

Ахлоқий принциплар, меъёрлар ва қоидаларда давлат, жамият ижтимоий-педагогик қадриятлар, идеалларни, инсонни тарбиялашга қўйиладиган талабларни белгилайди. Маънавий тарбия ижтимоий-педагогик жиҳатни ўз ичига олади, у ижтимоий тарбиянинг муҳим йўналиши – субъектларни жамиятда яшашга тайёрлашнинг мазмунига таъсир кўрсатади.

Инсон ўз-ўзидан маънавий баркамол шахсга айланиши мумкин эмас. У болалигида ўзининг ижтимоий камол топишига кўмаклашган шахслар ёрдамида муҳтож бўлади. Бу одамлар (мураббийлар)нинг ахлоқий позицияси вояга етаётган инсоннинг ижтимоий камол топишини кўп жиҳатдан белгилайди.

Ижтимоий педагогиканинг таркибий тузилиши 1-схемада келтирилган. Ижтимоий педагогикага: а) давлат ҳамда инсон ҳаёт фаолияти муҳити; б) ижтимоий тарбия; в) ижтимоий бирлик сифатидаги инсон; г) инсоннинг шахсий нуқтаи назари ва ижтимоий камолотга интилиши нуқтаи назаридан ёндашиш зарур.


Ўқув фани сифатидаги ижтимоий педагогика – бу ижтимоий педагог, ижтимоий ходим, ижтимоий психология, коррекцион ва реабилитацион педагогика мутахассисини махсус тайёрлаш (касб-ҳунар таълими)нинг таркибий элементи.

Ижтимоий педагогика



1-схема. Ижтимоий педагогиканинг таркибий тузилиши

У муҳит педагогикаси ва шахс ижтимоий педагогикасини ўз ичига олган асосий бўлимлар ва кичик бўлимлардан ташкил топади. Ҳар бир кичик бўлим ўз тузилишига эга ва бошқа кичик бўлимлар билан боғланади (2-схемага қаранг).



2-схема. Ўқув фани сифатидаги ижтимоий педагогиканинг таркибий тузилиши

Ўзини ўзи назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ижтимоий педагогика принципларининг ривожланиши қайси тарихий омиллар билан белгиланади?
2. Педагогик принциплар ва ижтимоий педагогика принципларининг ўзаро алоқасига тавсиф беринг.
3. Ижтимоий педагогиканинг табиатга мувофиқлик принципига тавсиф беринг.
4. Маданиятга мувофиқлик принципининг хусусиятлари ва унинг ижтимоий педагогика учун аҳамияти.
5. Инсонпарварлик принципининг моҳияти нимада?

ҲОЗИРГИ ЖАМИЯТДА ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ КАМОЛ ТОПИШНИ БИЛГИЛОВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР


Асосий масалалар:

1. Ҳозирги дунё муаммоларининг глобаллашуви, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш муаммолари.
2. Шахснинг ўсиши ва камол топиши.
3. Шахснинг ёшга доир ижтимоийлашуви хусусиятлари.

Таянч иборалар: глобаллашув, таълим муаммолари, шахснинг ўсиши, шахснинг камол топиши, ёшга доир ижтимоийлашув

Машғулотнинг мақсади: глобаллашув жараёнининг асосий муаммолари ва афзалликлари, шахснинг ўсиш ва камол топиш босқичлари, ёшга доир ижтимоийлашув ҳақида тасаввурни шакллантириш

Ҳозирги дунё муаммоларининг глобаллашуви, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш муаммолари. Таълим ижтимоий институт, жамиятнинг ижтимоий тузилмаларидан бири ҳисобланади. Таълимнинг мазмуни жамиятнинг ҳолатини, унинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишини акс эттиради. Ҳозирги вақтда бу индустриал жамиятдан XXI аср ахборот жамиятига ўтиш ҳолатидир.



Таълим – аждодлар тўплаган билим ва маданий қадриятларни авлодларга бериш жараёни. Таълимнинг мазмуни маданият ва фан меросидан, шунингдек инсон ҳаёти ва амалиётдан тўлдирилади. Яъни таълим ижтимоий ва маданий феномен ҳисобланади. Шу туфайли ҳам таълим айрим соҳалар (иқтисодиёт, сиёсат, маданият) ва бутун жамият ривожланишининг муҳим омилига айланади.

Қуйидагилар ҳозирги замон таълимининг асосий ижтимоий ва маданий функциялари ҳисобланади:

• *Таълим – инсонни фан ва маданият дунёсига киритишининг самарали усулларидан бири.* Айнан таълим жараёнида инсон маданий қадриятларни ўзлаштиради. Бугунги кунда дунё таълим соҳасида ўз куч-ғайратини бирлаштирмакда. Айни шу сабабли жаҳон ҳамжамятида таълимнинг яшаш жойи, маълумот олиш тури ва


даражасидан қатъи назар, инсонга таълим бериш глобал стратегияси амалга оширилмоқда. Мактаб ёки олий ўқув юртидаги таълим муҳити инсон ижтимоий гуруҳда ўзини тутиш ва мулоқот қилиш қоидалари ва усулларини танлашига таъсир кўрсатади.

• *Таълим инсоннинг ижтимоийлашув амалиёти ва ворисийлик омили сифатида.* Турли тарихий шароитларда таълим янги ижтимоий тасаввурлар ва ўтган авлодларнинг қарашлари ўртасида боғловчи омили сифатида амал қилади. Таълимнинг бош вазифаларидан бири ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳисобланади. Мустақил ҳаётга тайёрлашнинг моҳияти жамиятда қабул қилинган турмуш тарзини шакллантириш, фаолиятнинг турли хил шаклларини ўзлаштириш, ижод учун инсоннинг маънавий салоҳиятини юксалтириш билан белгиланади.

Шу сабабли жамият ривожланишининг ҳар бир маданий-тарихий босқичига ўз таълим тизими, халққа эса – ўз тарбия тизими хосдир. Таълимнинг гуманистик қиммати инсоннинг маърифий ва маънавий эҳтиёжларини ривожлантириш имконияти билан белгиланади.

Жаҳонда олий таълим тизимида оламшумул ўзгаришлар юз бераётир. Таълим соҳасида давлат монополиясидан воз кечилиши, тижорат таълимининг яратилиши, ижтимоий ҳаёт укладининг ўзгариши таълим хизматлари бозори пайдо бўлишига олиб келди. У ахборот бозори ва меҳнат бозори билан бир қаторда таълим соҳасига фаол таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодиёт ва жамиятдаги ахборотлаштириш жараёнлари, давлат ва хусусий корхона ва ташкилотлар фаолияти шароитларининг ўзгариши таълим хизматларига талабнинг ошишига олиб келди.



Таълимга бўлган *эҳтиёж* муайян касбни ўзлаштириш, маълум лавозимни эгаллаш, конкрет даражада маълумот олиш, қўшимча малакага эга бўлиш, жамиятда муайян ўринни эгаллаш, мансаб пиллпояларидан кўтарилиш нияти билан белгиланади.

Ҳозирги дунёда таълим юксак мақомга эришиш омили сифатидагина эмас, балки ҳозирги ҳаётда яшаб қолиш воситаси сифатида ҳам қаралади. Таълим инсон капиталини ўстириш воситаси сифатида ҳам қаралиши мумкин. “Инсон капитали” тушунчасини биринчилардан бўлиб А.Смит киритган ва унга “жамият аъзоларининг

уларга даромад олиш ҳуқуқини берувчи тўплаган билимлари ва кўникмалари”, деб тавсиф берган. Таълимнинг ички самарадорлиги қуйидагиларда намоён бўлади: таълимга доир эҳтиёжларнинг қондирилишида; маънавий ва маданий даражанинг юксалишида; ақлий қобилиятларнинг ўсишида; техника ва иқтисодиётдаги ўзгаришларга мослашувчанликнинг шаклланишида; таълим муассасаларининг ўзида илмий билимлар ҳажмининг ўсишида ва ш.к.

Мамлакатда таълим даражаси унинг меҳнат ресурси, иқтисодий салоҳияти, хавфсизлиги ва ривожланиш истиқболларини белгилайди. Бу ерда гап аҳоли таълим даражасининг ўсишидан бутун жамият учун кўшимча эффектлар ҳақида боради. Лўнда қилиб айтганда, инсон ўз маълумот даражасини оширар экан, бундан ўзи манфаат кўрибгина қолмасдан, жамиятга ҳам фойда келтиради. Айни ҳол давлат таълим тизимини бюджетдан қўллаб-қувватлаши лозимлигини белгилайди.

Таълим муассасалари бозорда таклифни шакллантирувчи, таълим хизматлари кўрсатувчи ва уларни сотувчи субъектлар сифатида иш кўрадилар. Энг аввало олий ва ўрта таълим муассасаларига тўхталамиз.

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими яратилган. Олий таълим тизимида қуйидаги турдаги ўқув юртлари мавжуд: университет, академия, институт.

Университетлар таълим, фан ва маданиятни айниқса кенг йўналишларда фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг барча даражаларида таълим бериш йўли билан ривожлантирадилар. Улар таълимни ривожлантиришнинг етакчи марказларидир.

Академиялар асосан фан, техника ва маданият соҳаларидан бирида иш кўрадилар, ўз фаолият соҳасида етакчи илмий-услубий марказлар ҳисобланадилар. Улар олий малакали мутахассислар тайёрлайдилар ва муайян тармоқ (тармоқлар гуруҳи)нинг раҳбар кадрларини қайта тайёрлайдилар.

Институтлар мустақил ўқув юртлари сифатида ёки университетлар, академиялар, институтларнинг таркибий бўлинмалари сифатида фан, техника ва маданиятнинг бир қанча йўналишларида базавий таълимдан паст бўлмаган даражада касб-ҳунар таълими дастурларини амалга оширадилар ва илмий тадқиқотлар олиб борадилар.

Таълим соҳасида давлат бошқа субъектлар зарур кўламда бажаришга қодир бўлмаган алоҳида функцияларни амалга оширади. Ривожланган мамлакатларда (масалан, АҚШда) федерал таълим органларининг бош вазифаси ижтимоий таълим институтларининг ижобий имижини, улар хусусида жамоатчиликнинг ижобий фикрини ("public relations") шу жумладан аҳоли ўртасида ҳам, иш берувчилар орасида ҳам қувватлаш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Бутун дунёда давлат таълимни молиялаштиради (энг аввало уни фундаменталлаштириш ва инсонпарварлаштириш йўналишида) ва бошқа субъектларнинг ушбу соҳага узоқ муддатли инвестициялари учун кафолатлар беради, устувор ихтисосликларни, мутахассислар тайёрлаш шакллари ва усулларини, таълимнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида солиқ имтиёзларини ва бозорни тартибга солишнинг бошқача шакллари қўллайди. Давлат таълим билан қувватланувчи касблар ва ихтисосликларнинг рўйхатларини белгилайди, таълим хизматлари ассортиментининг базавий жиҳатларини шакллантиради. У таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказишни амалга оширади, таълим хизматлари сифатининг, унинг таълим стандартларига мувофиқлигининг кафили ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таълим тизими учун педагогик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш вазифаси ҳам юклатилган.


Жамиятнинг қашшоқлиги ва таълим тизимининг ожизлиги бир-бири билан узвий боғлиқ. Таълим соҳасига инвестициялар энг самарали инвестициялардан бири ҳисобланиши ривожланган мамлакатларда шак-шубҳасиз бир ҳол сифатида қаралади. Америкалик экспертларнинг баҳолашларича, таълим тизимида 1 доллар харажат 3-6 доллар миқдорида даромад олиш имкониятини беради.

Таълим, айниқса олий таълим маданият билан узвий боғлиқ. Таълим хизматларига бўлган талаб маданият даражаси билан бевосита боғлиқ, бунда маданият даражаси қанча юқори бўлса, янги билимлар ва қўшимча таълимга эҳтиёж шунча кучли бўлади. Маданий даражанинг ўсишига мувофиқ равишда истеъмолчи ўзининг таълим соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга онгли равишда йўналтирувчи бюджетдаги харажатлар улуши ҳам кўпайиб боради.

Шундай қилиб, таълимнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий моҳияти мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин. Бунда таълимнинг иқтисодий табиати инсонда таълим капитали шаклланишида намоён бўлади. Бу капитал унга келажакда ўз меҳнاتини яхши пулга сотиш, жамиятга эса меҳнат унумдорлигини ошириш ва кишиларнинг билим ва кўникмаларидан фойдаланиш ҳисобига янада кўпроқ маҳсулот олиш имкониятини беради. Таълим иқтисодий моҳиятининг мазкур талқини у инвестицион товар сифатида тушунилишига зид келмайди, чунки у келажакда ўзини оқлайдиган кўйилмаларни талаб қилади.

Таълимнинг ижтимоий моҳияти одамларда ижтимоий ўзаро алоқа кўникмалари тарбияланишида, шахснинг самарали ижтимоийлашувида, ўз мақсадларига жамият мақсадларига зиён етказмасдан эришиш, индивидуал, коллектив ва жамоат манфаатларини мувофиқлаштириш кўникмалари шакллантирилишида намоён бўлади.

Ниҳоят, таълимнинг маданий моҳияти шахс ва жамият маънавий қадриятларининг шаклланишида, кишиларда ҳаёт фаолиятининг маънавий принциплари, маънавий позиция ривожланишида намоён бўлади.



3-расм. Олий касб-ҳунар таълими таълим хизматининг моҳияти

Бошқача қилиб айтганда, таълим ўзаро боғланган уч жараён — *таълим* (билим бериш ва касбий малакани шакллантириш), *тарбия* ва *маориф*нинг бирлиги ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, таълим хизмати тушунчасини аҳолига таълим ва тарбия бериш ҳамда маърифат тарқатиш билан боғлиқ хизматлар мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин. Таълим хизматининг бундай талқини олий касб-ҳунар таълими доирасида амалга оширилади. Бу ерда таълим таълим олувчининг касбий малакасини шакллантириш билан, тарбия – ижтимоийлашув кўникмаларига эга бўлиши билан, маориф – шахснинг маънавий ўзликни англаш ҳисси ўсиши билан боғлиқ. Таълимнинг бу уч

йўналиши миллий бойлик сифатидаги инсон капитали шаклланишига кўмаклашади (2-расм). Инсон капиталини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши аксарият ривожланган мамлакатлар учун янги жамият шаклланиши ва билимлар иқтисодиётининг ривожланиш жараёни билан мувофиқ келди.

Шахсининг ўсиши ва камол топиши. Шахсининг камол топиши – узок давом этувчи жараён.




Шахс – бу ўз ижтимоий алоқалари ва ўзаро ижтимоий муносабатларга эга бўлган инсон, ижтимоий муҳит таъсирини ўзида ҳис этувчи жамият аъзоси. Шахсининг камол топиш жараёни у вояга етганидан сўнг ҳам тўхтамайди, чунки ижтимоий воқелик, шахсининг жамиятдаги ҳолати ўзгаради.

Шахсининг камол топиш жараёни тўхташи унинг ҳалок бўлиши билан баробардир, зеро шахсининг мавжудлик усули унинг ўзини қуршаган ижтимоий муҳит билан алоқа қилишида намоён бўлади, бунда инсон бошқа одамлар билан мулоқотга киришади, ижтимоий воқеалар хусусида ўз фикрини билдиради, моддий ёки маънавий бойликлар яратади.

“Шахс” тушунчасини аниқлаш ижтимоий педагогика учун улкан аҳамият касб этади. Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, инсоннинг умумий ривожланиш жараёнида ўзаро боғланган икки йўналиш – **биологик** ва **ижтимоий** ривожланиш фарқланади. Биологик ривожланиш инсонда жисмоний ривожланиш билан тавсифланади. Ижтимоий ривожланиш эса руҳий, маънавий, интеллектуал ўсишда ўз ифодасини топади. Ўз ривожланишида мустақил фаолият олиб бориш даражасига етган инсон шахс деб аталади. “Шахс” тушунчаси “инсон” тушунчасидан ижтимоий тавсифи билан ажралиб туради. Шахс сифатида инсон ижтимоий тизимда изчил ва оқилона тарбия таъсирида камол топади. Шахсият ижтимоий тажрибани ўзлаштириш ва жамиятга фойда келтириш даражаси билан белгиланади. Шахсга айланиш учун инсон ўзининг табиатан мавжуд бўлган ва тарбия жараёнида шаклланган ички хоссаларини амалда намоён этиши лозим.

Муайян хоссалар ва хусусиятлар инсонга ота-онасидан қон орқали ўтади. Шу туфайли ҳам улар **туғма** хусусиятлар деб аталади.



Туғма хоссаларнинг манбалари генлар ҳисобланади (юнончадан таржимада “ген” сўзи “туғувчи” деган маънони англатади). Ҳозирги замон фани организм хоссалари ген кодида сақланиши ва авлоддан авлодга ўтишини исботлаган. Инсон камол топишининг ирсий дастурлари энг аввало инсон уруғининг давом этишини таъминлайди.

Ота-онадан болаларга ташқи белгилар: гавда тузилиши хусусиятлари, соч, кўз ранги ўтади. Организмда турли оқсиллар бирикмаси ирсий дастурлаштирилган, қон гуруҳи, резус-фактор белгиланган бўлади. Туғма хоссаларга нерв системасининг хусусиятлари ҳам киради. Ота-онанинг нерв фаолиятидаги нуқсонлар, шу жумладан руҳий ҳолатнинг бузилишига, касалликларга (масалан, шизофренияга) сабаб бўлувчи камчиликлар уларнинг наслига ўтиши мумкин. Қон касалликлари (гемофилия), қанд диабет, айрим эндокрин касалликлар ҳам туғма хусусиятга эга. Боланинг ижтимоийлашуви жараёнида буларнинг барчасини эътиборга олиш зарур.

Ҳозирги шароитларда ирсият билан бир қаторда наслга ота-онанинг алкоголизи, гиёҳвандлиги, ёмон экология ва бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун мазкур омил уларнинг жамиятга мослашувини қийинлаштиради.

Бирон-бир фаолият соҳасидаги **қобилиятларнинг** шаклланиши ҳам ирсий омиллар билан белгиланади. Физиология ва психология маълумотларига кўра, инсонда қобилиятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши шахснинг камол топиш шароитларига, ижтимоий муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шахснинг руҳий хоссалари наслдан наслга ўтмайди, балки инсон ташқи муҳит билан ўзаро алоқага киришиши жараёнида шаклланади, деган фикр педагогикада узоқ вақтдан бери етакчилик қилиб келади. Ота-онанинг маънавий хоссалари болаларга насл орқали ўтмайди, бола қалби, қадимгилар таъбири билан айтганда, “тоза варақ” бўлиб, ҳаёт унга ўз чизгиларини киритади.

Ғарб педагогикасида инсоннинг маънавий хоссалари биологик белгиланган деган фикр устунлик қилади. Бу жуда мураккаб масала ва уни ечишга ўта масъулият билан ёндашиш зарур.

Инсон бўлиш учун биологик омилларнинг ўзи етарли эмас. Болалар ҳайвонлар орасида ўсиб-улғайган ҳоллар ҳам буни тасдиқлайди. Ҳатто кўп сонли уринишлар ва малакали қаровдан кейин ҳам улар тўлақонли одамлар бўлиб етишмаганлар. Инсоннинг шахс сифатида камол топиши унинг ижтимоийлашуви ва жамиятга қўшилиши жараёнида, ижтимоий меъёрларни ўзлаштириши натижасида юз беради.

Шахснинг ёшга доир ижтимоийлашуви хусусиятлари. Жисмоний ривожланиш ҳам, маънавий камол топиш ҳам ёш билан узвий боғлиқ. Буни қадим замонлардаёқ яхши тушунганлар – инсон дунёда қанча кўп яшаса, бўйи шунча баланд ва гавдаси бақувват бўлади, ақли теранлашади, тажрибаси ортади. Ҳар бир ёш ўз жисмоний, руҳий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан тавсифланади. Табиийки, бу қоида умумий ҳолдагина ўринли, амалда конкрет инсоннинг ривожланиш жараёнида у ёки бу томонга оғиш юз бериши мумкин.

Ривожланиш жараёнларини тўғри бошқариш учун олимлар инсон ҳаёти даврларини таснифлашга ҳаракат қилганлар. Ривожланиш даврларининг бир неча ўн таснифи маълум (Коменский, Эльконин, Левитов ва б.).

Ҳозирги вақтда ёшга доир хусусиятларни ажратишга асосланган тасниф ёки даврийлаштириш аксарият педагоглар томонидан тан олинади. **Ёшга доир хусусиятлар** деганда ҳаётнинг муайян даврига хос бўлган анатомик, руҳий ва ижтимоий хоссалар тушунилади. Ёшга доир хусусиятларнинг моҳияти инсоннинг жисмоний ривожланиш жараёнида айниқса бўртиб намоён бўлади.

Инсоннинг ёшга доир ўсиши – бу ўз-ўзидан ўзгариш узлуксиз жараёни бўлиб, унинг ҳар бир босқичи муайян ижтимоий шароитда юз беради ва шахснинг ўзгариши билан тавсифланади.

Ҳар бир ёш муайян ижтимоий ривожланиш шароити ёки ушбу даврда инсон бошқа одамлар билан киришадиган муносабатларнинг конкрет шакли билан тавсифланади. Ижтимоий тарбия шахснинг ёшга доир хусусиятларига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўсмирлик даврида ижтимоий шаклланиш хусусиятларига теранроқ назар ташласак, бу ёшда инсоннинг жисмоний ривожланиши асосан яқунланишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ўсмирлик – ўзликни англаш ҳиссининг жадал ўсиш даври. Ўсмирлик даврида ахлоқий ва ижтимоий хоссалар айниқса жадал суръатларда шаклланади. Бу даврга хос бўлган ижтимоий муҳитнинг кенгайиши ўсмирларнинг дунёда ўз

ўрнини белгилаш, касбий фаолиятни танлашга интилишида намоён бўлади.

А.В.Мудрик ижтимоийлашув босқичларини инсоннинг қуйидаги ёш босқичларига мувофиқ ўрганиш ўринли бўлади деб ҳисоблайди:

- чақалоқлик (туғилгандан 1 ёшга тўлгунга қадар бўлган давр);
- кичик мактабгача ёш (1-3 ёш);
- мактабгача ёш (3-6 ёш);
- кичик мактаб ёши (6-10 ёш);
- ўспиринлик (11-14 ёш);
- илк ўсмирлик (15-17 ёш);
- ўсмирлик (18-23 ёш);
- ёшлик (23-35 ёш);
- етуклик (35-60 ёш);
- қариллик (60-75 ёш);
- нурунийлик (75-90 лет);
- узоқ умр кўриш (90 ёшдан катта).

Ўсмирлик даврида ахлоқий муаммоларга қизиқиш кучаяди. Касб танлаш бўсағасида турган ўсмирларнинг ҳаёт режалари уларнинг қизиқишларига кўра фарқ қилади, лекин уларнинг ҳар бири ҳаёт муносиб ўринни эгаллаш, қизиқарли касбни ўзлаштириш, яхши пул топиш, яхши оилага эга бўлишни истайди. Яхши касб деганда ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш ва яхши пул топиш мумкин бўлган касбни тушунадилар.

Ижтимоийлашув жараёни етуклик даврида ҳам тугамайди, у бутун ҳаёт йўли мобайнида узлуксиз давом этади. Демак, ижтимоийлашув нафақат ҳеч қачон тугамайди, балки “ҳеч қачон тўлиқ ҳам бўлмайди” (П.Бергер, Т.Лукман, 1995 йил).

Шахснинг ижтимоий етуклиги муаммоси билан турли фанлар шуғулланади. Уларга педагогика, психология, социология ва бошқалар киради. Шахснинг ижтимоий етуклиги муаммоси янги фан – **акмеология** учун бош муаммо ҳисобланади. Инсоннинг етуклик феномени ёки унинг шахс сифатида камол топиш жараёни ва натижаси акмеология предметиدير. Бугунги кунда ижтимоий шахснинг мукамал андозаси мавжуд эмас. Аммо етук шахсга хос бўлган баъзи

бир жиҳатларни ажратиш мумкин. Булар – масъулият, сабр-тоқатлилик, ўзини ўзи камол топтириш, дунёга ижобий муносабат. Ўзини ўзи камол топтиришга бўлган эҳтиёж – етук шахсга хос бўлган асосий жиҳат.

Ўзини ўзи назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Таълимнинг мақсади нима?
2. Шахсни камол топтириш вазифасига нисбатан комплекс ёндашувга тавсиф беринг.
3. Ижтимоийлашув нима?
4. “Шахс” тушунчасини ёритиб беринг.
5. Шахснинг ўсиши ва камол топишини белгиловчи қайси омилларни биласиз?
6. Шахснинг шаклланишига ижтимоий муҳит қандай таъсир кўрсатади?
7. Ижтимоий тарбиянинг моҳияти нимада?
8. Шахснинг ижтимоий етуклиги феномени билан қайси фанлар шуғулланади?

ИЖТИМОЙЛАШУВ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА

Асосий масалалар

1. Ижтимоийлашув жараёнининг моҳияти.
2. Ижтимоийлашув механизмлари.
3. Ижтимоийлашувнинг асосий элементлари.
4. Ижтимоийлашув жараёнида инсон.

Таянч иборалар: ижтимоийлашув, ижтимоийлашув механизмлари, болалик, ўсмирлик, маънавий кадриятлар, ижтимоий муҳит


Машғулотнинг мақсади: ижтимоийлашув жараёнининг моҳияти, уни шакллантириш йўллари, асосий элементлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш

Ижтимоийлашув жараёнининг моҳияти. *Ижтимоийлашув* – инсоннинг бутун умри мобайнида давом этувчи узлуксиз ва серқирра жараён. У барча базавий кадриятлар ва мўлжаллар ҳамда ижтимоий хулқ-атвор мотивлари шаклланувчи болалик ва ўсмирлик даврларида айниқса фаол юз беради.

Инсон – ижтимоий мавжудот. Ижтимоий мулоқот тажрибасини инсон илк бор тили чиқишидан ҳам олдинроқ ўзлаштиради. Инсон улғайгани, мулоқотлари доираси кенгайгани сари унинг тажрибаси ҳам ўсиб боради. Ҳар бир инсон ҳаётдан олинган сабоқларни ўзлаштиради.

Ижтимоий педагогикада *ижтимоий муҳит* инсоннинг камол топиш жараёни юз берувчи реал воқелик сифатида қаралади. Шахснинг камол топишига сиртдан турли омиллар, шу жумладан географик, ижтимоий омиллар, мактаб, оила таъсир кўрсатади. Ижтимоий муҳит – алоҳида муносабатлар тизими билан тавсифланувчи одамларнинг турли-туман бирликлари. Ижтимоий муҳит инсонга таъсир кўрсатади, унга ўз талабларини кўяди. У инсонни, унинг муайян фазилатларини қабул қилиши, унга хайрихоҳ ёки салбий кўз билан қараши мумкин. Ижтимоий муҳитнинг инсонга бўлган муносабати унинг хулқ-атвори муҳит талабига қай даражада мувофиқлиги, унинг жамиятдаги ўрни билан белгиланади.

Инсон жамиятда бир вақтнинг ўзида бир нечта позицияни эгаллаши мумкин.



Инсонга муайян қоидаларга амал қилиш мажбуриятини юкловчи бундай позиция социологияда **ижтимоий мақом (статус)** деб аталади. Айрим мақомларга инсон туғилган пайтдан бошлаб эга бўлади.

Масалан, инсоннинг мақоми унинг жинси, миллати билан белгиланиши мумкин. Бундай мақомлар одатда туғма мақомлар деб аталади. Бошқа турдаги мақомларни инсон жамиятда ўз куч-ғайрати билан, мустақил қўлга киритади.


Мақом инсоннинг жамиятдаги ҳолатини белгилайди, шу маънодаки, муайян шароитда инсондан маълум хулқ-атворни кутадилар. Бундай кутилган хулқ-атворни ижтимоий роль деб атайдилар. Турли хил ижтимоий ролларни ўзлаштириш ижтимоийлашув жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Ўсиш ва камол топиш жараёнида инсон ижобий ролларни ўзлаштириши ҳам, салбий ролларни ўзлаштириши ҳам мумкин. Ижобий ролларга энг аввало оила аъзоси ролини киритиш ўринли бўлади. Оилада бола бир нечта ролни, чунончи: фарзанд, ака ёки ука, опа ёки сингил, жиян, набира ролларини ўйнаши мумкин. Бундан ташқари, у ота ва она, бува ва буви роллари билан ҳам танишади.

Инсон ўз ривожланиш жараёнида ўзлаштирадиган навбатдаги муҳим роль – бу муайян жамоа аъзоси роли. Ўз давлатининг фуқароси бўлиш, Ватанни ардоқлаш, у билан ғурурланиш ҳам муҳим ижтимоий роллардир. Бундан ташқари, айрим ижтимоий ролларни инсон таълим жараёнида ўзлаштиради. Хусусан, мутахассис ролини у касб-ҳунар таълими ўқув юртларида олади.

Инсон муайян ижтимоий ролларни ўзлаштириши унга ижтимоий муносабатларга фаол қўшилиш, ижтимоий муҳит шароитларига самарали мослашиш имкониятини беради. Ижтимоий муҳит шароитларига индивиднинг бундай мослашиши ижтимоий мослашув деб аталади.

Ижтимоий мослашув турли фаолият ва мулоқот соҳаларида инсоннинг самарали ижтимоийлашуви натижаси ва омили ҳисобланади. Ижтимоий мослашув жараёнида инсонда ўз индивидуаллигини шакллантириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Инсон уни ифодалаш усуллари ва воситаларини излайди. Шундай қилиб,

ижтимоий ривожланиш икки йўналишда – ижтимоийлашув (тажриба орттириш) ва индивидуаллашув (мустақилликка эришиш) йўналишларида юз беради. Агар бу икки жараён ўртасида мувозанат ўрнатилса, яъни, бир томондан, инсон мазкур жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини ўзлаштиради, бошқа томондан эса – ўзининг муайян тузатишларини киритса, шахс ва жамиятнинг ўзаро бойиши юз беради. Бу муайян шахсий фазилатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади.




Инсоннинг муайян гуруҳга мослашув жараёни юз бермаган айрим ҳолларда бу шахснинг жиддий деформациясига олиб келиши мумкин. Бу жараёнларнинг барчаси инсон ҳаёти ва фаолияти мобайнида юз бериши мумкин. Яъни ижтимоийлашув – инсоннинг бутун умри мобайнида давом этувчи узлуксиз ва серқирра жараён. У барча базавий қадриятлар ва мўлжаллар ҳамда ижтимоий хулқ-атвор мотивлари шаклланиувчи болалик ва ўсмирлик давларида айниқса фаол юз беради. Лўнда қилиб айтганда, болалик ва ўсмирлик давларида инсон шахсининг замини яратилади.

Ирсият ва муҳит таъсирига тарбия йўли билан тузатишлар киритилади. **Тарбия** – жамиятга тўлақонли шахсни беришга қодир бўлган асосий куч. Инсоннинг ижтимоийлашуви жараёни атроф муҳит билан стихияли ўзаро алоқаларга киришиш шароитида ҳам, изчил ва бошқариладиган тарбия жараёнида ҳам юз беради. Тарбия жараёнида шахснинг камол топиши, ўз шахсиятини белгилаши ва янги фазилатларнинг шаклланиши юз беради.

Ижтимоийлашувнинг моҳияти шу билан белгиланадики, у инсонни жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шакллантиради. Тарбия – шахснинг ўзини ўзи камолотга етказиш қобилиятини шакллантириш. Инсон бешикдан қабргача тарбияланади. Тарбиявий таъсир кучи инсоннинг ёши, ижтимоий ҳолатига қараб ўзгаради. Ижтимоий тарбиянинг моҳияти жамиятга уйғун қўшилишга қодир бўлган шахсни вояга етказишдан иборат.

Ижтимоийлашув механизмлари. Ҳар қандай жамиятда инсоннинг ижтимоийлашув жараёни турли босқичларда ўз хусусиятлари билан тавсифланади. Ижтимоийлашув жараёнининг ҳар бир даври бир неча босқични ўз ичига олади. *Болалик даври* чақалоқлик (туғилгандан 1 ёшга тўлгунга қадар), илк болалик (1-3 ёш), мактабгача болалик (3-6 ёш), кичик мактаб ёши (6-10 ёш) каби босқичларни, *ўспиринлик даври* – кичик ўспиринлик (10-12 ёш), катта ўспиринлик (12-14 ёш) босқичларини, *ёшлик даври* – илк ўсмирлик (15-17 ёш), ўсмирлик (18-23 ёш), ёшлик (23-30 ёш) босқичларини ўз ичига олади. *Етуклик даври* илк етуклик (30-40 ёш), кечки етуклик (40-55 ёш), қариллик (55-65 ёш) босқичларини, *қариллик даври* – нуронийлик (65-70 ёш), узок умр кўриш (70 ёшдан катта) босқичларини ўз ичига олади.

Ижтимоийлашув ривожланишга таъсир кўрсатувчи турли-туман омиллар билан ўзаро алоқада юз беради. Инсонга таъсир кўрсатувчи омилларни *ижтимоийлашув* омиллари деб номлаш одат тусини олган. Амалда уларнинг барча ҳам аниқланмаган, аниқланганларининг эса барчаси ҳам ўрганилмаган. Ижтимоийлашув омилларини шартли равишда тўрт гуруҳга бирлаштириш мумкин.



Биринчи – *мегаомиллар* (мега – жуда катта, умумий): космос, сайёра, олам, Интернет, яъни бутун дунё аҳолисининг ижтимоийлашувига у ёки бу даражада таъсир кўрсатувчи омиллар.

Иккинчи – *макроомиллар* (макро – катта): мамлакат, этнос, жамият, давлат, яъни муайян мамлакат аҳолисининг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Учинчи – *мезоомиллар* (мезо – ўртача, оралик): яшаш жойи ва тури (минтақа, қишлоқ, шаҳар)га, турли оммавий алоқа воситалари (радио, телевидение) аудиториясига мансублик белгисига кўра ажратиладиган кишилар йирик гуруҳларининг ижтимоийлашувини белгиловчи омиллар.

Мезоомиллар ижтимоийлашувга ҳам бевосита, ҳам тўртинчи гуруҳ – *микроомиллар* орқали таъсир кўрсатади. Микроомилларга конкрет


кишилар – оила, қўшнилар, маҳалла, тенгдошлар гуруҳлари, жамоат, давлат ташкилотларига таъсир кўрсатувчи омиллар киради.

Инсоннинг шахс сифатида камол топишида уни қуршаган муҳитда яшовчи одамлар айниқса муҳим роль ўйнайдилар. Уларни *ижтимоийлашув агентлари* деб номлаш одат тусини олган. Турли ёш босқичларида агентлар таркиби ҳар хил бўлади. Масалан, болалар ва ўсмирларга нисбатан бундай агентлар сифатида ота-она, ака-ука, опасингиллар, қариндошлар, тенгдошлар, қўшнилар, ўқитувчилар амал қиладилар. Ёшлик даврида агентлар қаторига эр ёки хотин, ҳамкасблар ҳам қўшилади. Ижтимоийлашув жараёнидаги ролига кўра агентлар инсоннинг камол топишидаги аҳамиятига қараб фарқланади.

Инсоннинг ижтимоийлашуви турли *воситалар* мажмуи ёрдамида амалга оширилади. Улар муайян жамият, ижтимоий қатлам ёки ёш учун турлича бўлади. Ижтимоийлашув воситаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ижтимоийлашув агентларининг тили ва нутқи;
- маиший ва гигиеник кўникмалар;
- инсонни қуршаган муҳитнинг моддий маданияти;
- маънавий маданият унсурлари;
- мулоқот услуби, оилада, тенгдошлар гуруҳларида рағбатлантириш ва жазолаш усуллари;
- инсон ҳаёт фаолиятининг асосий соҳалари (касбий фаолият, жамоатчилик фаолияти ва ш.к.)даги муносабатлар.

Инсоннинг ижтимоийлашуви турли омиллар ва агентлар билан ўзаро алоқада бир қатор механизмлар ёрдамида амалга ошади. Ижтимоий педагогика тарихида уларга турли хил ёндашувлар мавжуд.



Импринтинг, тақлид, идентификация ижтимоийлашувнинг асосий *механизмлари* ҳисобланади. *Импринтинг* (гавдалантириш) – инсонга таъсир кўрсатувчи муҳим объектлар унинг онг ости соҳасида қайд этилиши. Импринтинг асосан болалиқда юз беради. Аммо баъзан у кейинги ёш босқичларида юз бериши ҳам мумкин. *Тақлид* – бирон-бир

ўрнак, андозага амал қилиш. Бу инсон ижтимоий тажрибани ихтиёрий ва кўпинча беихтиёр ўзлаштириши йўлларида бири. *Идентификация* – инсон ўзини бошқа одам билан онгсиз тарзда айнийлаштириш жараёни.

Ижтимоийлашувнинг *одатдаги механизми* инсон оиласига ва уни қуршаган муҳитга хос бўлган хулқ-атвор андозалари, меъёрлар ва қарашларни ўзлаштиришни ўзида ифодалайди. Бу ўзлаштириш, одатда, ботиний даражада ҳукмрон андозаларни гавдалантириш йўли билан амалга оширилади. Одатдаги механизмнинг самарадорлиги шунда намоён бўладики, болаликда ўзлаштирилган, лекин ҳаёт шароитларига кўра амалда қўлланилмаган ижтимоий тажриба унсурлари инсон хулқ-атворида яшаш шароитлари ўзгарганида ёки бошқа ёш босқичларида намоён бўлиши мумкин.

Ижтимоийлашувнинг *институционал механизми* инсон жамият институтлари ва турли ташкилотлар билан ўзаро алоқага киришган пайтда амал қилади. Бунинг натижасида инсон тегишли билимларни ва ижтимоий мақбул хулқ-атвор тажрибасини ўзлаштиради.

Шуни қайд этиш лозимки, оммавий коммуникация воситалари (матбуот, радио, кино, телевидение) ижтимоий институт сифатида инсоннинг ижтимоийлашувига муайян ахборотни бериш орқалигина эмас, балки китоблар, фильмлар ва телекўрсатувлар қаҳрамонлари хулқ-атворининг муайян андозаларини бериш йўли билан ҳам таъсир кўрсатади. Ёшга доир ва индивидуал хусусиятларига кўра одамлар ўзларини у ёки бу қаҳрамонлар билан идентификация қилишга, уларга хос бўлган хулқ-атвор услуби, турмуш тарзи ва ҳоказоларни ўзлаштиришга мойилдирлар.

Ижтимоийлашувнинг *услубий механизми* муайян субмаданият доирасида амал қилади. *Субмаданият* деганда одатда муайян ёшдаги кишиларга ёки муайян касбий ёхуд маданий қатлам вакилларига хос бўлган, умуман олганда уларнинг муайян яшаш ва фикрлаш услубини яратадиган ахлоқий-руҳий жиҳатлар мажмуи тушунилади.

Инсоннинг ижтимоийлашуви юқорида зикр этилган механизмлар ёрдамида юз беради. Аммо мазкур механизмлар ролининг нисбати турли тоифадаги одамларда ҳар хил бўлади. Масалан, қишлоқ шароитида одатдаги механизм биринчи даражали аҳамият касб этади. Йирик шаҳар шароитида институционал ва услубий механизмлар етакчилик қилади.

Ижтимоийлашувнинг асосий элементлари.

Умуман олганда ижтимоийлашув жараёнини шартли равишда тўрт элемент бирикмаси сифатида тавсифлаш мумкин (I жадвал):

1 -

жа д в а л

Ижтимоийлашув		
стихияли	нисбатан йўналтириладиган	нисбатан ижтимоий бошқариладиган (тарбиявий)
Инсоннинг ўз-ўзини ўзгартириши		

- жамият ҳаётининг объектив шароитлари таъсирида инсоннинг *стихияли ижтимоийлашуви*. Бунда мазкур жараён мазмуни, хусусияти ва натижалари ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий шароитлар билан белгиланади;

- *нисбатан йўналтириладиган ижтимоийлашув*. Бунда *давлат* ўз вазифаларини ҳал қилиш учун муайян иқтисодий, қонунчилик ва ташкилий чоралар кўради (масалан, таълимнинг мажбурий минимумини, унинг бошланиш ёшини, армияда хизмат қилиш муддатларини белгилайди) ва улар ривожланиш имкониятлари ва хусусиятини ўзгартиришга, у ёки бу ижтимоий-касбий, этномаданий ва ёш гуруҳларининг ҳаёт йўлига таъсир кўрсатади;

- *нисбатан ижтимоий бошқариладиган (тарбиявий) ижтимоийлашув* – *жамият* ва *давлат* инсон камол топиши учун ҳуқуқий, ташкилий, моддий ва маънавий шароитлар яратиши;

- инсоннинг озми-кўпми онгли равишда *ўз-ўзини ўзгартириши*. Бу индивидуал ресурсларга мувофиқ ва ҳаётнинг объектив шароитларига мувофиқ ёки уларга зид равишда юз беради ва акселижтимоий йўналишга эга бўлади.

Тарбия. Тарбия ижтимоийлашув жараёнида ҳар бир конкрет жамият ривожланишининг муайян босқичида нисбатан мустақил тус олади. Бунда у шу даражада мураккаблашадики, ёш авлодни социумда яшашга тайёрлаш борасидаги махсус фаолиятга зарурият пайдо бўлади.

Тарбия нисбатан ижтимоий бошқариладиган ижтимоийлашув сифатида стихияли ва нисбатан йўналтириладиган ижтимоийлашувдан шу билан фарқ қиладики, унинг замирида *ижтимоий ҳаракат* ётади.



Ижтимоий ҳаракат тушунчани муомалага киритган немис олими **Макс Вебер** уни муаммоларни ечишга қаратилган ҳаракат сифатида; шерикларнинг жавоб ҳаракатига қараб мўлжал олувчи махсус ҳаракат сифатида; инсон ўзаро муносабатларга киришувчи кишилар хулқ-атворининг эҳтимол тутилган вариантларини субъектив англаб етишни назарда тутувчи ҳаракат сифатида тавсифлаган.

Бундан ташқари, ижтимоийлашув – *узлуксиз* жараён, чунки инсон социум билан мунтазам равишда ўзаро алоқа қилади.

Тарбия – педагогиканинг асосий категорияларидан бири. Шунга қарамай ушбу тушунчанинг умум эътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Бунинг сабабларидан бири – унинг кўп маънолилиги. Масалан, тарбия ижтимоий ҳодиса сифатида, фаолият сифатида, қадрият сифатида, тизим сифатида, таъсир кўрсатиш сифатида, ўзаро алоқа сифатида қаралиши мумкин. Бу маъноларнинг ҳар бири ўринлидир, лекин уларнинг бирортаси ҳам тарбияга умумий тавсиф бериш имкониятини бермайди.

Қуйида таклиф қилинаётган таърифда нисбатан ижтимоий бошқариладиган ижтимоийлашув жараёни сифатидаги тарбияга хос бўлган умумий жиҳатни акс эттиришга ҳаракат қилинган.

Тарбия – инсонни нисбатан онгли равишда ва изчил камол топтириш жараёни бўлиб, у инсоннинг жамиятга мослашувига озми-кўпми изчил кўмаклашади.

Тарбиянинг *мазмунига* тавсиф берар эканлар, айрим тадқиқотчилар ақлий, меҳнатга доир ва жисмоний тарбияни, баъзилар – маънавий, меҳнатга доир, эстетик, жисмоний тарбияни ажратадилар, яна бир гуруҳ муаллифлар эса бунга ҳуқуқий, иқтисодий тарбияни қўшимча қиладилар.

Тарбия жараёни иштирокчилари *муносабатларининг хусусияти* нуқтаи назаридан мазкур тушунча катта авлод вакилларининг кичик авлод вакилларига изчил таъсир кўрсатиши сифатида, катталар ва кичикларнинг ўзаро алоқаси ва бунда катталар раҳбарлик ролини ўйнаши билан боғлиқ жараён сифатида, у ва бу турдаги муносабатлар бирикмаси сифатида тавсифланади.

Етакчи принципларга ҳамда тарбиячилар ва тарбияланувчилар муносабатларининг услубига кўра авторитар, либерал, демократик тарбияни ажратадилар.

Ижтимоийлашув жараёнида инсон. Ҳар бир инсон, айниқса болалигида ижтимоийлашув *объекти* ҳисобланади. Инсон эркак ва аёл ролларини самарали ўзлаштириши, мустаҳкам оила қуриши (оилавий ижтимоийлашув), ҳаётда фаол иштирок этиши (касбий ижтимоийлашув), қонунга бўйсунувчи фуқаро бўлиши (сиёсий ижтимоийлашув) ва ҳоказолардан жамият манфаатдор эканлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Шуни эътиборга олиш лозимки, инсонга жамиятгина эмас, балки конкрет гуруҳлар ва ташкилотлар ҳам талаблар қўяди. Талаблар мазмуни улар кимга қўйилаётган бўлса, айти шу шахснинг ёши ва ижтимоий мақоми билан белгиланади.

Чет эл педагогик адабиётларида ҳам тарбия тушунчасини тавсифлашга нисбатан умум эътироф этилган ёндашув мавжуд эмас. Э.Дюркгейм ўз вақтида берган таърифнинг асосий ғоясига европалик ва америкалик педагогларнинг аксарияти XX аср ўрталаригача қўшилиб келганлар (айримлар учун у ҳозир ҳам ўзига хос дастуриламал ҳисобланади): “Тарбия катта авлодлар томонидан ижтимоий ҳаётга етилмаган авлодларга кўрсатиладиган таъсир демак”. Француз социологи Э.Дюркгейм ҳар бир жамият инсонни унда мавжуд бўлган ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний иделларга мувофиқ камол топтиришга ҳаракат қилишини таъкидлаган. “Жамият унинг аъзолари қарашлари ўртасида жиддий ҳамоҳанглик мавжуд бўлган ҳолдагина яшаб қолиши мумкин”, деб ёзган у.

Э.Дюркгейм ғоялари америкалик социолог Т.Парсонс ишлаб чиққан жамият фаолияти назарияси учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу назарияда инсоннинг ижтимоий тизимга қўшилиш жараёнига тавсиф берилади.

Т.Парсонс фикрига кўра, ижтимоийлашувнинг универсал вазифаси жамиятга қўшилаётган янги аъзоларда тизимга нисбатан содиқлик ҳиссини шакллантиришдан иборат. Шу тариқа мазкур жараёнда инсон ўзи мансуб бўлган жамият аъзоси сифатида шаклланади.

Инсон жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланади, яъни у ижтимоийлашувнинг объекти сифатидагина эмас, балки *субъекти* сифатида ҳам камол топади. Инсон ўзининг бутун ҳаёти мобайнида ҳар

бир ёш босқичида ижтимоийлашувнинг субъектига айланади. Ҳар бир ёш босқичи учун шартли равишда вазифаларнинг уч гуруҳини ажратиш мумкин. Булар – табиий-маданий, ижтимоий-маданий ва ижтимоий-психологик вазифалар.

Табиий-маданий вазифалар – жисмоний ривожланишнинг муайян даражасига эришиш. Ҳар бир ёш босқичида инсон гавда ва жинсий хулқ-атвор билан боғлиқ бўлган одоб унсурлари ва рамзларни маълум даражада англаб етиши ва ўзлаштириши, жинс ва ёшга хос бўлган соғлом ҳаёт кечириши (гигиена, режим, овқатланиш, соғлиқни асраш усуллари), жинсий ва индивидуал имкониятларига мувофиқ ҳаётга бўлган ўз муносабатини, яшаш услубини ўзгартириши лозим.

Буларнинг барчаси муайян минтақавий-маданий шароитларда баъзи бир фарқлар билан тавсифланиши мумкин (етилиш суръатлари, эркаклик ва аёллик тушунчалари турли этносларда, ёш гуруҳлари ва ижтимоий гуруҳларда ҳар хил бўлади).

Ижтимоий-маданий вазифалар – маърифий, маънавий вазифалар – улар конкрет жамиятда, муайян тарихий даврда ҳар бир ёш босқичи учун ҳар хил. Бу вазифалар умуман олганда жамият томонидан, шунингдек этник хусусиятлар ва инсон яшайдиган муҳит билан белгиланади.

Ижтимоий-психологик вазифалар – шахснинг ўзликни англаш ҳиссининг шаклланиши, у ҳаётда ўз ўрнини белгилаши ва ўз шахсиятини намоён этиши. Шахснинг ўзликни англаши у ҳар бир босқичда ўз-ўзига ҳурматнинг муайян даражасига кўтарилиши сифатида қаралиши мумкин. Масалан, ўсмир олдида ўз ўзлигининг бошқа одамларга ўзининг ўхшашлиги ва улардан фарқларини англаб етиш билан боғлиқ бўлган элементларини ўрганиш вазифаси туради. Ўсмирнинг дунёқараши, дунёдаги ўз ўрнини аниқлаши айти шу вазифанинг бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шахснинг ҳаётда ўз ўрнини белгилаши ҳаётнинг турли соҳаларида унинг муайян позицияси шаклланиши ва келажак учун режалар тузилишини англатади. Масалан, кичик мактаб ёшида бола янги вазият – мактабга ўқишга боришга ўз позициясини шакллантириши талаб этилади. Хусусан, у тенгдошлари ва катталар билан ўз муносабатларини белгилаши, муносабатлар тизимларини қайта қуриши лозим. Ўз шахсиятини намоён этиш – инсон ҳаётда ўз ўрнини белгилаш жараёни натижаларидан қониқиш ҳиссига эришиши.

Инсон ижтимоийлашувнинг объекти ва субъектигагина эмас, балки унинг қурбонига ҳам айланиши мумкин. Бу ижтимоийлашув жараёни ва натижаси ички зиддиятга эга эканлиги билан боғлиқ. Самарали ижтимоийлашув инсон жамиятга яхши мослашишини ҳам, жамиятга, аниқроқ айтганда, шахснинг камол топишига халақит бераётган муайян ғов-тўсиқларга маълум даражада қаршилик кўрсатиш қобилиятини ҳам назарда тутди.

Шундай қилиб, ушбу жараёнда инсоннинг жамиятдаги ҳаётга мослашиш даражаси ва унинг жамиятда мустақил шахс сифатида камол топиш даражаси ўртасида тўла ечиб бўлмайдиган ички конфликт мавжуд.

Ҳар қандай жамиятда конкрет одамларнинг ижтимоийлашуви турли шароитларда юз беради. Бу шароитлар инсоннинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи у ёки бу хавф-хатарлар мавжудлиги билан тавсифланади. Шу туфайли ҳам ижтимоийлашувнинг кўнгилсиз шароитлари қурбонларига айланишлари мумкин бўлган кишилар гуруҳлари пайдо бўлади. Бунинг сабаблари ҳақида гапиришдан олдин “виктимогенлик”, “виктимлашув” ва “виктимлик” (лот. *victim* – қурбон сўзидан) тушунчаларини киритиш талаб этилади.

Виктимогенлик ижтимоийлашув ҳолатларида таъсири инсонни айни шу ҳолатлар қурбонига айлантириши мумкин бўлган хоссалар мавжудлигини англатади.

Виктимлик инсоннинг у ёки бу ҳолатлар қурбонига айланиш мойиллигини тавсифлайди.

Виктимлашув – инсоннинг ёки кишилар гуруҳининг ижтимоийлашув жараёнининг кўнгилсиз шароитлари қурбонига айланиш жараёни ва унинг натижаси.

Ижтимоийлашувнинг ҳар бир ёш босқичида инсон дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ажратиш мумкин. Масалан, ҳомиланинг ривожланиш даврида: ота-онанинг носоғломлиги, уларнинг ичкиликбозлиги, онанинг ёмон овқатланиши, ота-онанинг салбий эмоционал-психологик ҳолати, тиббий хатолар, экологик муҳит. Кичик мактаб ёшида: касалликлар ва жисмоний шикастлар, ота-онанинг болага эътиборсизлиги, оиланинг қашшоқлиги, болалар муассасалари ходимлари фаолиятининг инсонийликка зидлиги, тенгдошларнинг салбий таъсири. Ўсмирлик даврида: ичкиликбозлик, гиёҳвандлик,

қашшоқлик, идеаллар ва реал ҳаёт ўртасидаги зиддият, ёлғизлик, таълимни давом эттириш имкониятининг йўқлиги.

Конкрет инсоннинг бу хавф-хатарлардан бирортаси билан тўқнашиши амалда юз бериши ёки юз бермаслиги объектив шароитларга ва шахснинг индивидуал хусусиятларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ижтимоийлашувнинг кўнгилсиз шароитлари қурбонларини шартли равишда реал, потенциал ва латентга ажратиш мумкин. Ногиронлар, болалар, ўсмирлар ва етимлар ижтимоийлашув жараёни кўнгилсиз шароитларининг *реал* қурбонларига айланишлари мумкин. Рухий ҳолати бузилган болалар ва ўсмирларни, мигрантларнинг фарзандларини, иқтисодий, ахлоқий ва маълумот даражаси паст бўлган оилалардан чиққан болаларни *потенциал* қурбонлар деб ҳисоблаш мумкин. Ижтимоийлашувнинг объектив ҳолатлари туфайли ўз қобилиятлари ва имкониятларини рўёбга чиқара олмаган кишиларни ижтимоийлашув жараёни кўнгилсиз шароитларининг *латент* қурбонлари деб ҳисоблаш мумкин. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ҳар минг кишидан биттасигина ўта қобилиятли бўлиб туғилади. Ижтимоийлашув шароитларининг қулайлик даражасига қараб ушбу мойиллик тахминан қобилиятларга эга бўлган миллионлардан биттасидагина ривожланади. Ўн миллион кишидан биттасигина ҳақиқий даҳога айланади, яъни Эйнштейнлар ва Чайковскийларнинг кўпчилиги ҳаёт йўлида адашади, чунки ижтимоийлашув шароитлари уларда мавжуд бўлган қобилиятларнинг ривожланиши учун кифоя қилмайди.

Ижтимоийлашувнинг кўнгилсиз шароитлари қурбонлари ҳар қандай жамиятда пайдо бўлса-да, у ёки бу жамиятда уларга муносабат ҳар хил бўлиши: улар тан олинмиши ёки тан олинмаслиги, улар ҳақида ғамхўрлик қилиниши ёки қилинмаслиги, уларнинг мавжудлиги эътиборга олинмаслиги мумкин.

Инсон ижтимоийлашув кўнгилсиз шароитларининг қурбонига айланиши ёки айланмаслигини белгиловчи субъектив омиллар қаторига энг аввало унинг индивидуал хусусиятлари киради. Инсон ўзини қурбон сифатида субъектив идрок этиши ҳам айни шу омилга боғлиқ бўлади. Индивидуал хусусиятларга мижоз, феъл-атвор, меъёрдан оғувчи хулқ-атворга генетик мойиллик, инсонда рефлексиянинг ривожланиш даражаси, унинг қадриятларга муносабатини киритиш

мумкин. Инсон ўз йўлида дуч келувчи хавф-хатарларга қаршилиқ кўрсатишга қодир ёки қодир эмаслиги инсонда айна шу хоссалар мавжудлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ўзини ўзи назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ижтимоийлашув тушунчасига таъриф беринг ва уни асосланг.
2. Ижтимоийлашув тушунчасининг моҳияти нимада намоён бўлади?
3. Ижтимоийлашув жараёнининг таркибий қисмларига тавсиф беринг.
4. Инсоннинг камол топишига қайси омиллар, агентлар, воситалар ва механизмлар таъсир кўрсатишини ижтимоийлашув жараёни босқичларидан бири мисолида кўрсатиб беринг.
5. Тарбиянинг стихияли ижтимоийлашувдан асосий фарқлари нимада?
6. “Тарбия” тушунчасини тавсифлашга нисбатан турли хил ёндашувларни таҳлил қилинг.
7. Инсоннинг ижтимоий камол топиш манбаларига тавсиф беринг.
8. Инсоннинг ижтимоий ривожланишини белгиловчи асосий ташқи омилларни айтинг ва уларга тавсиф беринг.
9. Инсоннинг ижтимоий ривожланишини ҳаракатлантирувчи кучлар деганда сиз нимани тушунасиз?
10. Инсоннинг ижтимоий ривожланишини ҳаракатлантирувчи ички кучлар нима билан тавсифланади?
11. Инсоннинг ижтимоий ривожланишини ҳаракатлантирувчи ички кучларнинг асосийларини айтинг ва уларга тавсиф беринг.
12. Инсоннинг ривожланишига кўмаклашувчи англомайдиган механизмларга тавсиф беринг.

ҲОЗИРГИ ЖАМИЯТДА ШАХСНИНГ ИЖТИМОИЙ ШАҚЛЛАНИШИ

Асосий масалалар:

1. Жамиятнинг ривожланиши ва ижтимоийлашув жараёнлари.
2. Ижтимоийлашувнинг мегаомиллари ва макроомиллари.
3. Ижтимоийлашувнинг мезоомиллари.

Таянч иборалар: жамиятнинг ривожланиши, сайёра, космос, глобаллашув, тарбиянинг мазмуни, гуманистик тарбия

Машғулотнинг мақсади: жамиятнинг глобаллашуви шароитларида ижтимоий тарбиянинг вазифалари ва мазмуни ҳақида тасаввурни шакллантириш

Жамиятнинг ривожланиши ва ижтимоийлашув жараёнлари.
Глобаллашув – XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида инсоният мавжудлигининг муҳим омилига айланган, кишилар ҳаёт фаолиятининг барча томонларини қамраб олувчи оламшумул жараён.



Нуфузли олимлар фикрига кўра, *глобаллашув* – бутун сайёра учун ягона бўлган тузилмалар, алоқалар ва жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги муносабатларнинг универсаллашув жараёни. У глобал маконнинг яхлитлиги, жаҳон хўжалигининг ягоналиги, умумий экологик боғлиқлик, глобал коммуникациялар ва ҳоказолар билан тавсифланади.

Юксак технологиялар ва Интернет оламидан “глобал иқтисодиёт”, “глобал экология” тушунчалари ўрин олади, “Интернет” тушунчасининг ўзи эса информацион-коммуникатив муносабатларнинг глобаллашувидан дарак беради.

Юз бераётган глобаллашув жараёнига турли хил нуқтаи назарлар мавжуд: кимдир бу жараённи муқаррар деб ҳисоблайди ва унга мослашишга ҳаракат қилади, кимдир мавжуд ижтимоий тартибни ҳимоя қилишга чакиради. Янги ижтимоий куч – “аксилглобалистлар” пайдо бўлди. Ҳар қандай ҳодиса каби, глобаллашув ҳам ўз камчиликлари ва афзалликларига эга.

Глобаллашувнинг иқтисодий жиҳати ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг тарқалиши билан боғланади. Ушбу омиллар масофа, макон ва вақт ҳақидаги одатдаги тасаввурларда туб ўзгаришлар ясади, одамлар, мамлакатлар ва халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Буларнинг барчаси минтақаларда иқтисодиёт тузилмаси, аҳолининг ижтимоий ва касбий структураси, маданий, маърифий ва маиший эҳтиёжлари, ҳаёт қадриятлари ва мўлжаллари ўзгаришига сабаб бўлади. Бу инновациялар, товар ва хизматлар сифатини юксалтиришга асосланган дунё миқёсидаги рақобатдир.

Глобаллашув таълим соҳасини, унинг тарихий-педагогик жиҳатларини, қиёсий-педагогик тадқиқотларни, таълим методларини ва таълимнинг мазмунини ҳам четлаб ўтгани йўқ. XXI асрда “глобал таълим” тушунчаси пайдо бўлди. Глобал таълим деганда шундай бир алоҳида мегатизим тушуниладики, унда миллий ва жаҳон таълим сиёсатининг мақсадлари қўйилади ва амалга оширилади, давлатлар ва уларнинг таълим тизимлари ўртасида шахсни камол топтириш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган алоҳида алоқалар ва муносабатлар амал қилади.

Билим, таълим, ахборот халқаро тижоратда хом ашёнинг янги турларига, ҳокимият манбаларига, индивидуал ва корпоратив бойликнинг муҳим таркибий қисмларига айланади.

Оламшумул ўзгаришлар муқаррар тарзда таълимнинг классик андозаларга мувофиқ бўлган жорий парадигмаси ўзгаришига ҳам сабаб бўлади. Ўзгаришлар жараёни классик таълим идеалларини қамраб олади, улар таълимнинг глобаллашуви мазмунини белгилайди. Жаҳон таълимни назорат қилиш ва ривожлантириш уюшмаси глобал таълимнинг афзаллигини шунда кўрадики, у миллий чегаралар доирасидан ташқарига чиқувчи муаммоларни ўрганишни назарда тутди ва қўшнилари маданиятини тушунишга кўмаклашади, дунёни ўзгалар ақли ва идроки билан кўришни ўргатади.



Таълимнинг глобаллашуви – таълим тизими глобал бозор иқтисодиёти эҳтиёжларига янада кўпроқ мослашуви жараёни. Ушбу жараённинг билимларга боғлиқлиги (“билимлар иқтисодиёти”) ягона таълим стандартларига асосланган Жаҳон ягона таълим тизимини яратиш ғоясини юзага келтиради.

Аҳоли барча гуруҳларининг ўқув фаолияти ривожланишнинг асосий воситасига айланади. Таълимга, айниқса олий таълимга бўлган талаб сезиларли даражада кучаяди. Очiq ва дистанцион таълим ривожланади. Глобаллашув таълимга маркетинг кириб келишига сабаб бўлади. Таълим тадбиркорлик, маблағларни инвестициялаш, пуллик хизматлар кўрсатиш соҳаси сифатида қарала бошлайди.

Аmmo таълимнинг глобаллашуви жараёнлари мазмуни мураккаб хусусият касб этади. Глобаллашув таълимнинг мақсад ва вазифаларига аниқ талаблар қўяди. Аниқроқ айтганда, таълим тизими информатика, менежмент, янги технологиялар, маркетинг соҳасида ўта профессионал мутахассисларни, яъни глобал иқтисодиёт, постиндустриал цивилизация ва ахборот жамияти талабларига жавоб беришга қодир бўлган функционерларни тайёрлаши талаб этилади. Таълим муаммосига глобалистик ёндашув айна шу омил билан белгиланади – у глобал жамият умумий тизимида функционал тузилма бўлиши лозим.

Таълимни модернизация қилиш – давр талаби, ҳозирги ҳаёт омили. Ушбу мақсадни кўзламайдиган ҳар қандай миллий таълим тизими истиқболсиз. Аксарият давлатлар ўз таълим тизимининг сифати миллий фаровонликни белгиловчи асосий омил ҳисобланишини тан олгани тасодифий бир ҳол эмас.

Таълим ҳақида сўз юритилган барча ҳолларда энг аввало билимли инсонни вояга етказиш назарда тутилади.

Глобаллашув муаммоларни илгари суриш билан вақтда ҳамжамият учун олий таълимнинг кенг имкониятларини ҳам таклиф қилади ва шу тариқа келажакни яратишда улкан роль ўйнайди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ) соҳаси – глобаллашув жараёнининг муҳим йўналиши. Бу яшовчан инфратузилма макон ва вақтни ўз ичига олади ҳамда иқтисодий, сиёсий ва маданий ютуқларга эришишни енгиллаштиради. Олий таълим соҳасида бу технологиялар курслар ва кутубхона материаллари онлайн муҳитига жойлаштирилиши натижасида бир талабага қилинадиган харажатларни қисқартириш учун имконият яратади. Ушбу стратегия трансмиллий таълим олиш имкониятларини ҳамда янги провайдерларнинг эски инфратузилмадан фойдаланмасдан таълим бериш имкониятларини ҳам оширади.

Олий таълимда сифат муаммоси – кўп сонли даражаларда муҳокама қилинадиган масала. Университетлар амалиётида профессор-

ўқитувчилар таркибининг касбий маҳорати биринчи даражали аҳамият касб этади. Э.М.Коротков фикрига кўра, таълимнинг сифати – бу мутахассиснинг касбий фаолиятни иқтисодиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ самарали амалга оширишга қодирлигини белгиловчи профессионал онг тавсифлари мажмуидир.

Бизнингча, олий таълимнинг сифати (натижа сифатидаги) олий таълимнинг ранг-баранг эҳтиёжлар, мақсадлар, талаблар ва меъёрларга мувофиқлигидир.

Ҳозирги вақтда таълимнинг сифати ўқув юрти ва мамлакат олий мактабининг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи муҳим тавсифлардан биридир. Муайян олий ўқув юртида таълимнинг сифати буюртмачига таклиф қилинувчи таълим хизматлари мажмуини ҳам ўз ичига олади.

Таълимнинг сифати бошқариладиган жараён бўлиши лозим. Олий ўқув юрти уч субъект – таълим жараёни буюртмачилари: таълим олувчи шахс, малакали кадрларга муҳтож ишлаб чиқариш ва таълим жараёнининг кафолатчиси саналган давлатга таълим хизматларини кўрсатади.

Ўзбекистонда таълимни глобал ривожлантириш ҳозирги замон педагогик назарияси ва амалиётининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. У жадал суръатларда ўзгараётган дунё шароитларида инсонни ҳаётга тайёрлаш заруриятига асосланади. Глобал таълим концепцияси таълимнинг мазмунига нисбатан умумий ёндашувни ўз ичига олади: у дунё ҳақида ўз мамлакати маданияти нуқтаи назаридан тасаввур ҳосил қилиш ва ўз маданиятининг ноёблигини глобал жараёнлар контекстида идрок этиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутди. Ўзгача қарашлар, одатлар ва динларга сабр-тоқатлилик, ўз маданиятининг хусусиятларини бошқа халқлар маданиятлари ва жаҳон маданияти контекстида кўра билиш, дунёни мураккаб ўзаро алоқалар мажмуи сифатида идрок этиш кўникмалари глобал таълимнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Ижтимоийлашувнинг мегаомиллари ва макроомиллари. Ижтимоий педагогика нуқтаи назаридан ижтимоийлашувнинг мегаомиллари тавсифи инсоннинг ижтимоийлашуви глобал шароитлар ва муаммолар билан боғлиқ эканлигини аниқлаш, ижтимоийлашув жараёнларини прогнозлаштириш имкониятига эга бўлиш учун зарур.

Ижтимоийлашувнинг мегаомилларига космос, сайёра, дунё, Интернет киради.



Космос (ёки Коинот) ва унинг кишилар ҳаётига таъсири муаммоси қадим замонлардан бери олимлар эътиборини ўзига тортиб келади. Табиий фанлар ҳозирги вакилларининг кўпчилиги инсон ҳаёти космик таъсирларга боғлиқлиги ҳақидаги ғояга шубҳа билан қарайди.

Сайёра – осмон жисмини англатувчи астрономик тушунча. *Дунё* социологик тушунча бўлиб, у сайёрада мавжуд бўлган кишилиқ жамиятини ифодалайди. Сайёра ва дунё бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Дунё ўз ривожланиш жараёнида сайёранинг ҳолатига таъсир кўрсатган. Бу таъсир глобал жараёнлар ва муаммолар пайдо бўлган XX асрда айниқса бўртиб намоён бўлди. Булар: экологик муаммолар (атроф муҳитнинг ифлосланиши), иқтисодий муаммолар (мамлакатларнинг ривожланиш даражасида тафовутнинг кучайиши), демографик муаммолар (айрим мамлакатларда аҳолининг назоратсиз ўсиши ва бошқа мамлакатларда аҳоли сонининг камайиши), ҳарбий-сиёсий муаммолар (минтақавий можаролар сонининг кўпайиши, оммавий қирғин қуролининг тарқалиши).

Бу муаммолар ва жараёнлар инсоннинг ижтимоийлашувига бевосита таъсир кўрсатади. Атроф муҳитнинг ифлосланишига олиб келаётган хўжалиқ фаолияти яшаш шароитларида акс этади. Оммавий коммуникация воситаларининг ривожланиши инсонга ер куррасининг исталган нуқтасида одамлар қандай яшаётганларини кўриш имкониятини беради.

Интернет – глобал телекоммуникация тармоғи. У кўп сонли компьютер тармоқларини бирлаштиради, турли хил ахборотни излаш ва олиш, электрон почта орқали маълумот алмашиш, харидларни амалга ошириш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун имкониятлар яратади. Интернет – улкан кутубхона. Бу ерда ҳар қандай мавзудаги матнларни топиш мумкин. Бунда Интернет фойдаланувчига қайси ахборот ўзи учун фойдали эканлигини ўзи ҳал қилишига имконият яратади. Интернетдан фойдаланувчиларнинг билими ва малакасини ошириш воситаси сифатида фойдаланиш кўлами ҳам кенгайиб бораётир.

Кишиларнинг ижтимоийлашувига *Интернетнинг* таъсири ҳақида гапирганда, бу таъсир ижобий ва салбий бўлиши мумкинлигини қайд этиш мумкин. Ижтимоийлашув жараёнига Интернетнинг ижобий таъсири унинг улкан ресурслари билан боғлиқ. Айни вақтда Интернет салбий салоҳиятга ҳам эга. Глобал тармоқда зўравонлик, иркчилик ва порнографияни тарғиб қилувчи ресурслар кўп. Интернет фойдаланувчиларда ўзига қарамлик уйғотишга ҳам қодир.

Ҳозирги дунёда Интернетга ижтимоийлашувнинг мегаомили сифатида ёндашиш жуда муҳимдир. Интернетнинг ўзи умуман олганда психологик хусусиятларга эга бўлган маданият феномени сифатида қаралиши мумкин. Интернет ресурслари шахснинг камол топишига ва унинг руҳий функцияларига таъсир кўрсатишга қодир.

Ижтимоийлашувнинг мегаомиллари тавсифи улкан аҳамиятга эга, чунки у ҳозирги дунёда ижтимоий тарбия олдига инсонни жаҳон фуқароси сифатида тарбиялаш, умуминсоний кадриятларни шакллантириш, бағрикенгликни тарбиялаш вазифаларини кўяди.

Мегаомиллардан ташқари ижтимоийлашувга **макроомиллар** ҳам таъсир кўрсатади. Уларга *мамлакат, этнос, жамият, давлат* киради.

Мамлакат – географик-маданий тушунча. Бу муайян чегарага ва давлат суверенитетига эга бўлган ҳудуд. Мамлакатларнинг табиий-иқлим шароитлари ҳар хил бўлиб, улар аҳоли ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Бир мамлакат доирасида бир нечта давлатлар мавжуд бўлиши мумкин (Германия, Корея). Табиий-иқлим шароитлари мамлакат аҳолисининг ҳаёт фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Географик ва иқлим шароитлари аҳолини мавжуд қийинчиликларга қарши курашишга мажбур этади ёки мамлакат хўжалигининг ривожланишини енгиллаштиради. Айни шу шароитлар мамлакатда туғилиш ва аҳоли зичлигига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, икки орол – Куба ва Исландия майдони деярли бир хил, лекин Куба аҳолиси Исландия аҳолисидан йигирма баравар кўпроқ. Ваҳоланки, Исландия аҳолисининг турмуш даражаси кубаликларнинг турмуш даражасидан анча баланд. Географик ва иқлим шароитлари мамлакат аҳолисининг соғлиғига, айрим касалликларнинг тарқалишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Табиий-географик шароитлар мамлакатнинг тарихий ривожланишини белгилайди, лекин улар бунда мустақил роль ўйнамайди, балки айрим ўзига хос хусусиятларнигина белгилайди.

Этнос – тили ва менталитети, маданият хусусиятлари бир бўлган кишиларнинг тарихан шаклланган бирлиги. Ҳозирги илғор мамлакатларда инсоннинг миллий мансублиги асосан у ўзи учун она тили деб ҳисоблайдиган тил билан белгиланади. Этноснинг ижтимоийлашув омили сифатидаги роли беқиёсдир. Этносда ижтимоийлашув ўз хусусиятларига эга бўлиб, уларни икки гуруҳга бирлаштириш мумкин: *витал* (ҳаётий муҳим) ва *ментал* (маънавий) хусусиятлар. Витал хусусиятлар деганда болаларни тўйдириш усуллари, уларни жисмоний ўстириш хусусиятлари ва ҳоказолар тушунилади. Турли қитъаларда шаклланган маданиятлар ўртасида айниқса улкан фарқлар кузатилади. Масалан, Японияда фаол иқтисодий ривожланиш аҳолининг овқатланиш рационали сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди: катта авлод вакиллари билан бўй ва вазн кўрсаткичлари ёш авлодникидан анча паст. Айни вақтда японларнинг овқатланиш рационалида денгиз маҳсулотларининг кўплигини улар умрининг узоклигини белгиловчи омиллардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Илмий-техника тараққиёти инсоннинг жисмоний ҳаракатларини камайтирган ривожланган мамлакатларда спорт улкан роль ўйнайди. Спорт турмуш тарзининг муқаррар унсурига айланган мамлакатларда одамларнинг жисмоний ривожланиш даражаси баландроқ бўлади. Бундан ташқари, бу ерда яна икки омил – овқатланишнинг яхшиланиши ва тиббий хизматлар кўрсатиш даражаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Менталитет – одамларнинг йирик гуруҳи саналган этносга хос бўлган маънавий даража. Этнос менталитети унинг вакиллари билан меҳнатга бўлган муносабатини ва меҳнат билан боғлиқ бўлган алоҳида анъаналарни кўп жихатдан белгилайди. Инсон ижтимоийлашувининг барча йўналишларида этнос менталитети омили муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир халқнинг баркамол шахс ҳақидаги тасаввурлари тарихий шароитлар таъсирида ривожланади. Халқ яшаш шароитларининг ўзига хослиги унинг миллий идеалида ўз аксини топади. Умуман олганда, комил инсоннинг асосий хусусиятлари барча халқларда бир-бирига яқин туради. Хусусан, барча халқлар ақл, соғлиқ, меҳнаткашлик, Ватанга муҳаббат, ҳалоллик, довураклик, меҳрибонлик, камтарлик каби фазилатларни қадрлайди. Барча халқларнинг шахсий идеалида миллий мансублик эмас, балки умуминсоний асослар биринчи даражали аҳамият касб этади.

Жамият мамлакатда кишилар ўртасида юзага келган ижтимоий муносабатлар мажмуини тавсифлайди. Ушбу муносабатлар негизини оила, ижтимоий, касбий гуруҳлар ва давлат ташкил этади.

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши – ижтимоий ва касбий қатламларнинг озми-кўпми барқарор нисбати. Ҳозирги жамиятнинг ижтимоий таққаланиши кўп сонли ва таркибий жиҳатдан беқарор бўлган гуруҳлар ташкил топиши билан тавсифланади. Уларни шартли равишда бир нечта қатламларга бирлаштириш мумкин (уларнинг мулкӣ ҳолати, мулкни бошқаришда иштирокига қараб): устки қатлам сиёсий ва иқтисодий элитани, устки ўрта қатлам – йирик корхоналарнинг мулкдорлари ва бошқарувчиларини, ўрта қатлам – кичик тадбиркорлар, менежерлар, маъмурларни, базавий қатлам – зиёлиларни, қуйи қатлам – давлат корхоналарининг малакасиз ишчилари ва пенсионерларни ўз ичига олади. Ҳар бир ижтимоий қатлам ва улардаги касбий гуруҳлар алоҳида турмуш тарзини шакллантиради. Ҳар бир ижтимоий қатламнинг яшаш услуби унга мансуб бўлган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоийлашув жараёнига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, муайян қатламларнинг яшаш услуби ва қадриятлари уларга мансуб бўлмаган кишилар учун ўзига хос андозага айланиши мумкин.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам ижтимоийлашув жараёнига кучли таъсир кўрсатади ва жамият аъзоларининг турмуш даражасини белгилайди. *Турмуш даражаси* – кишиларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш даражасини тавсифловчи тушунча. У инсон фойдаланаётган хизматлар ва неъматлар (овқатланиш, турар жой, уст-бош, ҳаракатланиш воситалари, маънавий эҳтиёжларни қондириш усуллари ва ш.к.) сони ва сифатида ифодаланади.

Иқтисодий ривожланиш жамиятнинг ижтимоийлашувига яна шу билан таъсир кўрсатадики, унинг иқтисодий ўсиши ёки иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви кишилар кайфияти ва хулқ-атворида ўзгаришлар ясайди.

Ҳозирги дунёда ижтимоийлашув жамиятда юз бераётган мафкуравий ва сиёсий жараёнлар таъсирида сезиларли даражада ўзгарди. Ўтувчи жамиятда кўпинча номуайяшлик вазияти юзага келади. Номуайяшлик эса уч хил руҳий ҳолат – депрессия, таҳлика ёки агрессияни юзага келтиради.

Давлат – жамият сиёсий тизимининг ҳокимият ваколатларига эга бўлган бўғини. Давлат турли ижтимоий-касбий, миллий-маданий гуруҳларга мансуб бўлган ўз фуқароларининг ижтимоийлашувини амалга оширади. Масалан, давлат инсон учун ёш босқичларини: мажбурий таълимнинг бошланиши ва тугалланиши, балоғат, никоҳга кириш, автомобиль ҳайдаш ҳуқуқини қўлга киритиш, ҳарбий хизматга чақириш, меҳнат фаолиятини бошлаш, пенсияга чиқиш ёшларини белгилайди. Давлат диний маданиятларнинг ривожланишини қонун йўли билан рағбатлантиради ёки чеклайди.

Тарбия XIX аср ўрталаридан бошлаб давлатнинг муҳим функцияларидан бирига айланади. Давлат тарбияни такомиллаштиради ва у тегишли ижтимоий буюртмага мувофиқ бўлган инсонни самарали шакллантиришига эришишга ҳаракат қилади. Ижтимоий буюртма тегишли ижтимоий тузум билан белгиланади. Бунинг учун у муайян сиёсатни ишлаб чиқади ва таълим соҳасида давлат тизимини шакллантиради.

Таълим соҳасида давлат сиёсати – бу тарбия вазифаларини ва уларни ечиш стратегиясини белгилаш, қонунларни ишлаб чиқиш ва зарурий ресурсларни ажратиш. Ушбу омиллар жамият талабларига мувофиқ ёш авлодни камол топтириш учун зарурий шароит яратиш имкониятини беради. Давлат ўз тарбия тизими орқали фуқароларнинг ижтимоийлашувини амалга оширади. *Давлат тарбия тизими* – бу фаолияти унинг тарбия сиёсатини амалга оширишга қаратилган давлат ташкилотларидир.

Давлат тарбия тизими бир неча элементларни ўз ичига олади:

1. Тизим асосини белгиловчи тегишли қонун ҳужжатлари.
2. Турли тарбия ташкилотлари, чунончи:
 - а) турли хил ўқув-тарбия муассасалари;
 - б) соғлиғи заиф болалар учун муассасалар;
 - в) турли фаолият соҳаларидаги иқтидорли болалар учун муассасалар;
 - г) турли хил ижтимоий нуқсонлари бўлган болалар ва ўсмирлар учун муассасалар;
 - д) қайта тарбиялаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар.
3. Давлат тарбия тизимининг фаолияти учун ажратадиган муайян маблағлар.

4. Мураббийлар – турли соҳа мутахассислари (ўқитувчилар, тарбиячилар, тренерлар, ижтимоий ходимлар ва ҳ.к.).

5. Ташкилотчилар, тарбиячилар ва тарбияланувчиларга нисбатан қўлланиладиган муайян санкциялар тўплами. Улар салбий ва ижобий бўлади.

6. Турли даражадаги тарбияни бошқариш органлари. Улар давлат тарбия тизими фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлайди.

Ижтимоийлашувнинг мезоомиллари. *Минтақа* – инсоннинг ижтимоийлашуви, турмуш тарзи, табиий ва маданий бойликларнинг шаклланиши, асралиши ва ривожланиши бз берувчи макон. Ижтимоийлашув жараёнига минтақавий шароитларнинг таъсири ҳар хил бўлади ва бир қанча ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади.

Минтақанинг географик ўрни ва табиий-иқлим хусусиятлари унинг иқтисодиётини, аҳоли сонини кўп жихатдан белгилайди. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари – бу унинг ҳудудидаги ишлаб чиқаришнинг хусусияти, ривожланиш имкониятлари, аҳоли турмуш даражаси, бошқа минтақалар билан иқтисодий алоқалар.

Оммавий коммуникация воситалари – техника воситалари (матбуот, радио, кинематограф, телевидение, компьютер тармоқлари) бўлиб, уларнинг ёрдамида ахборотни тарқатиш амалга оширилади. Минг йил муқаддам инсон тўрт коммуникация воситаси – оғзаки нутқ, мусиқа, тасвирий санъат ва ёзувга эга бўлган. Оммавий коммуникация воситалари барча ёшдаги одамлар ижтимоий меъёрларни ўзлаштиришлари ва уларда сиёсат, иқтисод, мафкура, ҳуқуқ ва маориф соҳаларида кадриятлар ва мўлжалларни шакллантириш билан боғлиқ.

Ахборот технологиялари ҳақида гапирганда масаланинг техник ва дидактик жихатларинигина эмас, балки шахснинг ўсиши ва камол топишига таъсир этувчи омилларни ҳам эътиборга олиш зарур. Ушбу муаммонинг муҳим элементларидан бири инсоннинг информацион маданияти ҳисобланади.

Ахборотлаштириш соҳасида таниқли мутахассислардан бири Э.П.Семенюк таклиф қилган таърифга кўра, **"информацион маданият – бу инсон маданиятининг элементидир"**.

Қуйидагилар информацион маданият мезонлари ҳисобланади:

- ўзининг ахборотга бўлган эҳтиёжини аниқ таърифлай олиш;
- керакли ахборотни излашни самарали амалга ошириш;
- ахборотни қайта ишлаш ва янги ахборот яратиш кўникмаси;

- ахборотни тўғри танлаш ва баҳолаш;
- компьютер саводхонлигининг мавжудлиги.

XXI асрда билимли инсон бўлиш ахборот технологияларини яхши ўзлаштиришни талаб этади. Кишилар фаолияти уларнинг хабардорлиги, ахборотдан самарали фойдаланиш қобилияти билан белгиланади. Ахборот оқимларида эркин мўлжал олиш учун ҳар қандай соҳа мутахассиси компьютерлар ёрдамида ахборот олиш, уни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Ахборот ҳақида жамиятнинг стратегик ресурси сифатида гапирилмоқда. У давлатнинг ривожланиш даражасини белгилайди. Ахборотлаштириш жамият ривожланишининг индустриал типидан информацион типга ўтишини таъминлайди. Ахборот бозори истеъмолчиларга барча зарурий ахборот маҳсуллари ва хизматларини тақдим этади, уларни яратишни эса информатика индустрияси таъминлайди.

Оммавий ахборот воситаларига ижтимоийлашув омили сифатида ёндашганда шуни эътиборга олиш лозимки, уларнинг хабарлари таъсирининг бевосита объекти айрим индивид эмас, балки конкрет газета, журнал ўқувчилари, радиостанция тингловчилари, муайян телеканал томошабинлари, компьютер тармоқлари фойдаланувчиларини ташкил этувчи одамлар йирик гуруҳларининг онги онги ва хулқ-атворидир.

Субмаданият. *Субмаданият* (лот. – sub – “ост” ва “маданият”) – муайян кишилар гуруҳларининг яшаш ва фикрлаш услубига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик белгилар мажмуи. Субмаданият шаклланишининг ижтимоий базаси аҳолининг ёшга доир ва ижтимоий қатламлари, касбий гуруҳлар, диний уюшмалар, оммавий норасмий оқимлар (хиппи, феминистлар ва б.), жиний гуруҳлар ва ташкилотлар, муайян машғулот ҳаваскорлари (овчилар, балиқчилар, туристлар ва б.) бўлиши мумкин. Субмаданиятнинг муҳим белгиларидан бири унинг ташувчиларини ажратиш имкониятини берувчи алоҳида лаҳжа – жаргон ҳисобланади.

Ҳар қандай субмаданият, у қайси мақсадни кўзламасин, мавжуд ижтимоий ва маданий тартибга ҳамда аҳолининг муайян ижтимоий тузилмасидаги етакчи қарашларга қарши туради.



Субмаданиятларга хос бўлган хулқ-атвор ва ўзаро муносабатлар меъёрлари мазмун жиҳатидан ва уларнинг таъсирига кўра сезиларли даражада фарқ қилади.

Ҳозирги давр субмаданиятлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Субмаданиятларнинг қизиқиш ва таъсир доираси кенгайиб бораётгани ва уларнинг издошлари қаторига ёшлар тобора кўпроқ қўшилаётгани ҳозирги даврга хос бўлган хусусиятлар ҳисобланади.

Масалан, сўнги йилларда *готик* субмаданият жаҳон бўйлаб тарқала бошлади. У ўлим ва ҳаёт мазмуни ҳақидаги ўрта асрларга хос бўлган қарашларга асосланади ва қора рангдаги либосларни кийишда, қадимги рамзларни тасвирлашда, шунга мос мусиқани тинглашда ифодаланади. Субмаданиятлар қаторига сўнги йилларда ёшлар орасида кенг тарқалаётган *эмо* маданиятини, Японияда ривожланаётган *аниме* маданиятини ҳам киритиш мумкин.



Готлар

Аниме

Ижтимоий субмаданиятлардаги меъёрлар ижтимоий меъёрларга асосан зид келмайди, балки уларни тўлдиради ёки ўзгартиради, ўз ташувчиларининг қадриятлари ва мўлжалларини акс эттиради. Акселижтимоий субмаданиятларда меъёрлар ижтимоий меъёрларга қарши қўйилади. Акселижтимоий тусдаги норасмий гуруҳлар ўз аъзоларига берувчи эркинлик юзаки хусусият касб этади. Амалда уларни одатда авторитар раҳбарлар бошқаради. Улар қолган барча аъзолар иродасини ўз ҳукмига бўйсундиришга ҳаракат қилади. Ўз

меъёрлари, ўзаро муносабатлар услубларига эга бўлган бундай гуруҳ ўз аъзоларини йўл танлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, кўғирчоқларга айлантиради (масалан, скинхедлар).

Ўсмирлар субмаданиятининг муҳим белгиси – модага риоя қилиш. Бу кийинишда, ташқи кўринишда, рақсларда, ўзини тутиш ва гапириш услубида айниқса бўртиб намоён бўлади.

Умуман олганда инсонни идентификация қилиш объекти саналган субмаданият унинг жамиятда алоҳида ажралиб туриш йўлларида бири бўлиб хизмат қилади.

Педагоглар ижтимоий тарбияни амалга оширишда ўз тарбияланувчилари дуч келадиган субмаданиятларнинг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари лозим. Бу уларга тарбия ташкилотлари фаолиятини йўлга солишда субмаданиятларнинг ижобий ва салбий томонларини эътиборга олиш имкониятини беради. Шу мақсадда улар тарбия ташкилотларининг имкониятларидан фойдаланишлари ва тарбияланувчиларга индивидуал ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Шаҳар – кўп сонли аҳоли яшайдиган, унинг этник таркиби ва фаолият турлари ранг-баранг бўлган манзилгоҳ тури. Замонавий шаҳар моддий (меъморчилик, саноат, ёдгорликлар, транспорт) ва маънавий (ўқув юртлари, маданият муассасалари) маданият маркази ҳисобланади. Айни вақтда шаҳар криминоген омиллар, криминал тузилмалар ва гуруҳлар мавжудлиги билан ҳам тавсифланади.

Шаҳар тарихан шаклланган турмуш тарзи билан ажралиб туради. У қуйидаги асосий белгилар билан тавсифланади:

- шахслараро мулоқотда қисқа муддатли, юзаки алоқаларнинг устунлиги;
- аҳолининг унча катта бўлмаган ҳудудий бирлиги;
- оила унинг аъзолари учун ўта эмоционал аҳамият касб этиши ва айни вақтда оиладан ташқари фаол мулоқот;
- яшаш услублари ва маданий андозаларнинг ранг-баранглиги;
- инсон хулқ-атвори устидан ижтимоий назоратнинг сустлиги ва ўзини ўзи бошқариш аҳамиятининг катталиги.

Юқорида келтирилган хусусиятлар турли омилларга, хусусан шаҳарнинг катта-кичиклигига боғлиқдир. Ижтимоийлашув шароитлари кичик ва катта шаҳарларда анча фарқ қилади.

Ижтимоийлашув омили сифатидаги шаҳар унинг аҳолиси барча фаолият соҳаларида йўл танлаш имкониятига эга эканлиги билан тавсифланади. Бу инсоннинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади. Инсоннинг йўл танлаши унинг оилавий шароитлари, у мансуб бўлган ижтимоий қатлам, шаҳарнинг у яшайдиган қисми билан белгиланади.

Шаҳар қанча катта бўлса, унда яшайдиган аҳолининг ижтимоий тузилиши шунча ранг-баранг бўлади. Лўнда қилиб айтганда, у турли хил ижтимоий қатламлар, этник ва касбий гуруҳлардан ташкил топади. Амалда инсон бир вақтнинг ўзида бир нечта ижтимоий қатламда иштирок этиши мумкин. Бу “ижтимоий дунёлар”нинг ҳар бири ўз хусусиятлари, қизиқишлари, қарашлари, хулқ-атвор меъёрлари ва ўзини қуршаган муҳитга муносабатлари билан тавсифланади. Бу ҳақдаги билимлар инсоннинг умумий маданият ва ижтимоий дунёқарашини кенгайтиради.

Шаҳар бандлик учун шароитлар яратиши шаҳар аҳолисининг ижтимоийлашуви учун айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бу имкониятлардан фойдаланиш болалар ва ўсмирларга ўзини қуршаган муҳитда мўлжал олиш кўникмаларини шакллантириш имкониятини беради.

Қишлоқ – аҳоли яшайдиган жой бўлиб, у аҳоли қишлоқ хўжалик меҳнати билан шуғулланиши жараёнида тарихан шаклланган алоҳида турмуш тарзи билан тавсифланади. Қишлоқ турмуш тарзининг хусусиятлари аҳоли ҳаёти ва меҳнати билан боғлиқ. Хусусан, бу ерда мазкур омиллар йил мавсумларига бўйсунди, меҳнат шароитлари шаҳардагидан оғирроқ эканлиги билан ажралиб туради. Ҳаёт укладида анъанавийлик унсурлари айниқса бўртиб намоён бўлади. Қишлоқда аҳоли таркиби барқарор, касбий ва маданий табақаланиш суст, қариндошлик ва қўшничилик алоқалари янада яқинроқ бўлади. Қишлоққа аҳоли ўртасида мулоқотнинг очиклиги хосдир. Аҳоли вакиллари ўртасида катта ижтимоий ва маданий фарқларнинг йўқлиги, алоқаларнинг оз сонлилиги қишлоқликлар мулоқотига янада яқинроқ тус беради. Мактаб, почта, тиббиёт шохобчаси, яхши йўллар ва транспортнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ манзилгоҳлари болалар ва ўсмирларнинг ижтимоийлашувига кучли таъсир кўрсатади. Бу асосан уларда инсон

хулқ-атвори устидан ижтимоий назоратнинг кучлилиги билан белгиланади. Аҳоли сонининг камлиги туфайли одамлар ўртасида яқин алоқалар ўртатилади, шу боис ҳамма бир-бирини ва бир-бири ҳақида билади, кишининг аноним мавжудлиги деярли мумкин эмас.

Қишлоқ оиласи ўз аъзоларининг ижтимоийлашувида шаҳар оиласига қараганда каттароқ роль ўйнайди. Тадқиқотларнинг натижаларига кўра, қишлоқ болалари ўзларини ўз ота-онаси билан шаҳар болаларига қараганда кўпроқ даражада идентификация қилади. Бу ҳол қишлоқда мулоқот қилиш имкониятлари чекланганлиги билангина эмас, балки унга кирувчи одамлар ижтимоий-маданий хусусиятларига кўра бир-биридан унча фарқ қилмаслиги билан ҳам боғлиқ бўлса керак.

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоийлашувида сўнгги йилларда кучайиб бораётган шаҳарнинг қишлоққа таъсири ҳам алоҳида роль ўйнайди. У қишлоқ шароитларида мавжуд бўлган кадриятлар қаторига шаҳарга хос бўлган кадриятларни ҳам киритади.

Ижтимоий педагогика нуқтаи назаридан ижтимоийлашувнинг мезоомиллари тавсифи улкан аҳамият касб этади. Биринчидан, улар турли ёш ва касбий гуруҳларни ижтимоий тарбиялаш жараёнида уларнинг объектив яшаш шароитларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Иккинчидан, ижтимоийлашувнинг мезоомиллари хусусиятларини билиш ижтимоий тарбия йўллари ва усулларини топиш учун шароитлар яратади.

Ўзини ўзи назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ҳозирги жамиятдаги ижтимоийлашув муаммоларини ёритиб беринг.
2. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси унинг аъзолари ижтимоийлашувига таъсир кўрсатишини мисолларда исботлаб беринг.
3. Тарбия соҳасида давлат сиёсатининг моҳиятини очиб беринг.
4. Давлат тарбия тизимининг унсурларига тавсиф беринг.
5. Инсон ҳаёти ва унинг ривожланишига оммавий ахборот воситалари қандай таъсир кўрсатади?
6. Ўсмирлар субмаданиятининг хусусиятларига тавсиф беринг.
7. Ўз шаҳрингизда судмаланият вакилларига дуч келганмисиз?
8. Шаҳар ва қишлоқ турмуш тарзининг хусусиятлари нимада намоён бўлар? Улар ижтимоийлашув жараёнига қандай таъсир кўрсатади?

ИЖТИМОЙЛАШУВНИНГ МИКРООМИЛЛАРИ

Асосий масалалар:


1. Оила ва оилавий тарбия.
2. Ҳозирги оила типлари, оила демографияси.
3. Оиланинг ижтимоийлаштирувчи функциялари.
4. Ижтимоий муҳит тарбия микроомили сифатида.

Таянч иборалар: ҳозирги оила, оила функциялари, оилавий тарбия, кўшничлик, тенгдошлар гуруҳлари

Машғулотнинг мақсади: оила, ҳозирги оилаларнинг типлари, оила функциялари, тарбия микроомили сифатидаги ижтимоий муҳит ҳақида тасаввурни шакллантириш

Оила ва оилавий тарбия. Ҳар бир инсон ҳаётида оила алоҳида ўрин эгаллайди. Оилада бола вояга етади, ўз ҳаётининг илк йилларидан бошлаб у инсоний муносабатлар меъёрларини ўзлаштиради, яхшилик ва ёмонликнинг фарқига боради. Вояга етгач, болалар оилада ўз ота-онасининг оиласида кўрганларини такрорлайдилар.

Оила жамиятнинг ижтимоий бўғини сифатида қаралади. Оиланинг ҳолати давлатнинг ҳолатини белгилайди. Оилада ота-она ва фарзандлар маънавий ришталар билан боғланади. Жамиятнинг маънавий маданият даражаси оиладаги маънавий маданият даражаси билан белгиланади. Оиланинг иқтисодий аҳволи давлатнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлади.



***Оила** – бу никоҳга ёки қон-қариндошлик алоқаларига (она ва болалар) асосланган кичик гуруҳ бўлиб, унинг аъзолари кундалик ҳаёт, ўзаро маънавий масъулият ва ўзаро ёрдам ришталари воситасида бир-бири билан боғланади.*

Оила ижтимоий функцияни амалга ошираётган экан, шахсни унинг маданий, ижтимоий ва маънавий даражасига қараб шакллантиради. Оиладаги шароитлар, кундалик ҳаёт хусусиятлари, оиланинг кўпайиши – буларнинг барчаси давлатнинг ижтимоий сиёсати билан белгиланади.

Оилада ижтимоийлашув оила таркибига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда бувалар ва бувилар яшайдиган катта оилалар сони камайиб

бормоқда. Оилада шахснинг ижтимоийлашуви оиладаги муносабатларга, ота-онанинг обрўсига ва улар оиланинг бошқа аъзоларига ўз ҳукмини ўткази олишига боғлиқдир. Оиланинг ҳозирги ҳолатига жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар: билимлар, технологияларнинг янгиланиши, ахборот айирбошлаш жараёнлари таъсир кўрсатади.

“Оила – ижтимоий институт” деган классик таъриф оилани никоҳдаги кишилар бирлашмаси сифатида тавсифлайди. *Никоҳ* – эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг тарихан ўзгарувчи ижтимоий шакли. Никоҳ оила қуриш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш мақсадида эр-хотинлик, қариндошлик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилайди. Аёл ва эркак никоҳга қираётганида никоҳ шартномаси тузилади ва у қонун доирасида эр-хотиннинг мулкӣ муносабатларини тартибга солади. Никоҳга кириш учун икки тарафнинг розилиги талаб этилади.

Республикамизда мавжуд никоҳ институтининг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ҳар бир фуқаро фақат бир аёлга уйланиши ёки бир эркакка турмушга чиқиши мумкин;
- никоҳдан чиқиш эркинлиги давлат томонидан назорат қилинади;
- ота-она болаларни тарбиялашга мажбур;
- оила аъзоларига моддий ва маънавий мадад кўрсатиш мажбурияти;
- оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Оиладаги ўзаро муносабатлар оила мавжудлигининг омилларидан бири ҳисобланади. Оиладаги ўзаро муносабатлар мулоқот анъаналарига, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатга, оиланинг жамиятга қарамлигига, хўжалик юритишда эр-хотиннинг иштирокига, оила типига (кўп болали, боласиз), қариндошчилик хусусиятига боғлиқдир. Оиланинг ривожланиши бир неча босқичдан ўтади. *Биринчи босқич* – оила қуриш, бунда ёш эр-хотин кўпинча катта оиладан ажралиб чиқади. *Иккинчи босқич* – бола туғилиши, бунда оила икки авлод вакилларидан таркиб топади. *Учинчи босқич* – уч авлод вакилларидан иборат оила, яъни вояга етган фарзандлар оила қурадилар. *Тўртинчи босқич* – болалар алоҳида оилаларда қўним топгач, ота-она пенсияга чиқади. Бу даврда оиладаги бирдамлик мустаҳкамланади. *Бешинчи босқич* – оила аъзолари ҳақида ғамхўрлик даври, чунки улар ёрдамга муҳтож

бўладилар. Ғамхўрлик мажбурияти ўрта авлод вакиллари зиммасига тушади. Кекса ёки касал ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш – оила мазкур босқичининг бош вазифаси. Бу ерда кўпроқ стресслар юз беради ва муносабатларда кескинлик юзага келади. Катта авлод вакиллари ўлиши билан оиладаги роллар ўзгаради, етакчи роллар кейинги авлод вакилларига ўтади. Ижтимоий ходимнинг вазифаси – авлодларнинг ҳамжихатлиги ва бирдамлигига эътиборни қаратиш.

Оила коллективизми тушунчаси мавжуд бўлиб, у оиладаги муносабатларга боғлиқ бўлади. Бу ерда эр-хотиннинг рақобати мавжуд бўлмайди, оиланинг ҳар бир аъзоси бир-бирига ғамхўрлик қилади ва ўз масъулиятини ҳис этади, болалар катталарга ёрдам берадилар, бюджет муаммолари баҳамжихат ҳал қилинади. Бундай оилани яратиш оиланинг катта аъзолари таъсири билан белгиланади, яъни болалар оиладаги анъналарга ва муносабатлар меъёрларига риоя этадилар. Оиладаги муносабатларга ота-онанинг ишлаб чиқаришдаги ютуқлари, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва мақоми таъсир кўрсатади.

Ҳозирги оила типлари, оила демографияси. Оила – ижтимоийлашувнинг муҳим институти. Унинг сифати бир қатор кўрсаткичлар билан белгиланади. Булар:

- *демографик кўрсаткич* – оиланинг таркибий тузилиши;
- *ижтимоий-маданий кўрсаткич* – оила аъзоларининг маълумот даражаси;
- *ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич* – оила аъзоларининг мулкӣ ҳолати ва уйдан ташқарида бандлиги;
- *техник-гигиеник кўрсаткич* – яшаш шароитлари, турар жойнинг жиҳозланганлик даражаси.

Ҳозирги оила ўтган йиллар оиласидан иқтисодий функцияси билангина эмас, балки эмоционал-психологик функцияларнинг ўзгаргани билан ҳам ажралиб туради.

Ҳозирги шароитларда эр, хотин ва болалардан, яъни уч-тўрт аъзодан иборат *нуклеар оила* айниқса кенг тарқалган. Бундай оилада болаларга таълим ва тарбия бериш функцияларини аксарият ҳолларда мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари ўз зиммасига олади. Бундай оилада оила аъзоларининг роллари ўзгаради, чунки аёлларнинг ишлаб чиқаришда бандлиги ўсган.



Ёш оила – болали ёки боласиз эр-хотин, биринчи никоҳ, оила қурилганига 5 йилдан ошмаган, эр-хотиннинг ёши – 30 ёшгача. Сўнгги йилларда бундай оилалар сони кўпайиб бормокда, эр-хотиннинг ўртача ёши эса 21-24 ёшни ташкил этади. Бундай оилаларнинг аксарияти ота-онаси билан яшайди, улар моддий ва маиший қийинчиликларга кўпроқ дуч келадилар.

Тўлиқ бўлмаган оила – фақат она ёки фақат отадан иборат оила. Сўнгги йилларда бундай оилалар сони кўпайиб бораётир. Бундай оилада кўпинча она, баъзан – ота фарзандларни тарбиялайди. Мазкур оила – эр-хотиннинг никоҳдан чиқиши, улардан бирининг узоқ вақт йўқлиги ёки ўлими, шунингдек никоҳсиз бола туғилиши натижаси. Бундай оилалар ижтимоий педагогнинг алоҳида эътиборини талаб қилади. Улар давлат мададига муҳтож бўлади. Никоҳсиз бола туғилиши натижасида пайдо бўлган оила оғир моддий қийинчиликлардан ташқари ўзига жамиятнинг салбий муносабатини ҳам ҳис қилади. Отанинг йўқлиги болаларга ҳар хил таъсир кўрсатади. Баъзан бундай оилада онанинг кучли муҳаббати салбий роль ўйнайди. Бола туғилганида, у фарзандини уни қуршаган муҳитдан ажратишга ҳаракат қилади. Бундай оилада ота болани тарбиялашда кўпинча иштирок этмайди, баъзан бола тарбиясига отанинг аралашувини онанинг ўзи рад этади.

Такрорий никоҳдаги оила – бу ота-онали оила бўлиб, унда умумий никоҳдан туғилган фарзандлар билан бир қаторда аввалги никоҳлардан туғилган болалар ҳам бўлишлари мумкин. Баъзан улар бирга, баъзан эса фақат эр ёки хотиннинг болалари билан яшайдилар. Бундай оилаларда ўғай она ёки ўғай отанинг болалар билан муносабатлари, уларнинг ўзаро тил топиши муаммолари қайд этилади. Ушбу оилаларда биринчи никоҳ хатоларини такрорламасликка интилиш кузатилади, шу боис эр-хотин анча аҳил яшайди.

Бундай оила билан ишлаш учун психологик, клиник, таълим ва ижтимоий дастурлар талаб этилади. Бундай оилаларда янги ҳаётга, ҳар бир оила аъзосининг янги муносабатларига мослашиш жараёни кетаётганини ёдда сақлаш муҳимдир. Бу жараён ўрта ҳисобда уч йил давом этади. Оилада ролларнинг тақсимланишига, ҳар бир оила аъзосининг ва умуман оиланинг муаммоларига эътиборни қаратиш

муҳимдир. Эр-хотин билан ишлаш жараёнида ижтимоий ходим вақт, пулларнинг тақсимланиши, асранди болалар билан муносабатларга эътиборни қаратади. Асранди болалар алоҳида эътиборни талаб қилиши боис, улар билан алоҳида тарбия дастурини амалга ошириш талаб этилади.

Оиланинг ижтимоийлаштирувчи функциялари. Оиланинг асосий функцияси аҳолини биологик кўпайтириш ёки *насл қолдириш* функцияси ҳисобланади. Бундан ташқари, қуйидаги функциялар ҳам мавжуд: *тарбиявий* – ёш авлоднинг ижтимоийлашуви; *хўжалик-маиший* – оиланинг жисмоний ҳолатини қувватлаш, болалар ва қарияларга қараш; *иқтисодий* – оила аъзоларини моддий қувватлаш; *маънавий* – оиланинг ҳар бир аъзосини маънавий бойитиш; *ижтимоий-мақомга доир* – оила аъзоларига жамиятда муайян мақом бериш; *дам олиш* – бўш вақтни оқилона ташкил этиш; *эмоционал* – оиланинг ҳар бир аъзосини психологик муҳофаза қилиш.

Шахсни ижтимоий ҳимоя қилиш устувор аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай давлатда бу оилани ҳимоя қилиш орқали амалга оширилади. Оила жамият бўғини сифатида одамларни бирлаштиради, авлодларни тарбиялаш жараёнини, шахснинг меҳнат фаолиятини тартибга солади. Оила болани жамиятга олиб киради. Чақалоқлик ва илк болалик даврларида у ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу даврда мазкур ролни бошқа ижтимоийлашув институтлари бажара олмайди. Оилада болалар соғлиғи мустаҳкамланади, уларнинг қобилиятлари ривожлантирилади, уларни фуқаро сифатида тарбиялаш амалга оширилади, уларнинг тақдири ва келажаги ҳал қилинади. Ижтимоийлашувнинг барча босқичларида оиланинг билим даражаси инсоннинг интеллектуал ривожланишига, маълумот олишни давом эттиришга интилишига таъсир кўрсатади.

Инсон ижтимоий меъёрларни ўзлаштиришида оила муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар эр ёки хотинни танлаш ва оиладаги муносабатлар хусусияти ота-она оиласидаги муҳит ва ўзаро муносабатлар билан белгиланишини кўрсатади. Болаликда катталар эътиборсизлигини бошдан кечирган ёки болалар муаммоларини ҳал қила олмаган ота-она кўпинча ўз фарзанди билан руҳий алоқа ўрнатишга қодир бўлмайди.

Оилада инсоннинг фундаментал кадриятлари ва мўлжаллари шаклланади. Бу кадриятлар ва мўлжаллар ижтимоий муносабатларда

намоён бўлади. Улар инсоннинг яшаш услубини, ҳаёт режалари ва интилишларини, уларга эришиш усулларини белгилайди. Оила инсоннинг ижтимоий камол топиш жараёнида улкан роль ўйнайди, зеро унинг маъқуллаши, қўллаб-қувватлаши ёки қоралаши инсонга мушкул вазиятлардан чиқиш йўлларини топишга, ўзгараётган ҳаёт шароитларига мослашишга ёрдам ёки халақит беради.

Шундай қилиб, ҳар қандай оилада инсон стихияли ижтимоийлашувдан ўтади. Бу жараён хусусияти ва натижалари оиланинг конкрет кўрсаткичлари, яшаш услуби ва оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари билан белгиланади.

Оилада бола меҳнат қилишни ўрганайди, касб танлайди, мустақил ҳаётга тайёргарлик кўради. Шахсга оила ижтимоий таъсирининг таҳлили кишиларнинг 40% га уларнинг ҳаётида оила, 30% га – оммавий ахборот воситалари, 20% га – мактаб, 10% га – кўча таъсир кўрсатганидан далолат беради.

Оиладаги муносабатларда уларнинг ҳолати оила ҳар бир аъзосининг миждози ва табиатига боғлиқ бўлишини ёдда тутиш лозим. Оила нормал бўлиши учун унда ота ва она мавжудлигининг ўзигина кифоя қилмайди, уларнинг ўзаро муносабатлари меҳрибонлик ва ҳамжиҳатлик билан йўғрилган бўлиши лозим. Болалар бу муносабатларни теран ҳис қилишлари зарур. Бола отасини ҳам, онасини ҳам бирдек қадрлайди, агар уларнинг ўртасида жанжал чиқса, бола буни фожиа сифатида қабул қилади. У ўз ота-онасида идеални кўради ва уларнинг биттаси ёмон эканлигини тасаввур ҳам қила олмайди. Ота-онанинг бефарқлиги уларда ёлғизлик ҳиссини уйғотади ва болалар ўзларини тушунишга қодир одамларни четдан излай бошлайдилар.

Ҳозирги оила ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун оиладаги ролларни ҳам кўриб чиқиш лозим. Оиладаги роль – инсоннинг жамиятдаги энг муҳим ролларидан бири. Оиладаги роллар ўзи нима? Бу эр, хотин, ота, она роли, ўғил, қиз, опа, сингил, ака, ука, бува, буви ролларидир. Оиланинг ҳар бир аъзоси муайян ролни бажарар экан, оиланинг қолган аъзолари ўзидан нима кутишини тасаввур қилади. Бир роль турли хил талабларни ўз ичига олган ҳолда конфликтлар юз беради. Масалан, оилада аёл ҳам она, ҳам хотин, ҳам бека, ҳам болаларни тарбияловчи, кекса ота-онасига қаровчи бўлган ва айни вақтда эри билан тенгма-тенг оилани моддий таъминлаган ҳолда. Аёл

ижтимоий ёки касбий соҳада юксакроқ мақомга эга бўлган тақдирда конфликт янада кучаяди.

Инсон никоҳга киришига “ота бўлишни истайман”, “бола тарбиялашни истайман”, “ёнимда содиқ ва ишончли одам бўлишини истайман” каби майллар туртки беради. Хотин ўз ёнида меҳрибон, виждонли, ҳалол эрни кўришни истайди. Эр ўз хотини меҳрибон, ғамхўр ва чиройли бўлишини истайди. Никоҳга кираётганларнинг аксарияти никоҳ бахтли бўлади деб ҳисоблайди (йигитларнинг 67% ва қизларнинг 73%). Аммо никоҳга кирганларидан сўнг уларнинг кўпчилиги ундан қоникмайдилар. Бу ҳар бир инсон никоҳга кираётиб қайси андозадаги оилани қурганига боғлиқ бўлади. Тадқиқотлар эркакларнинг 85% ни оилавий ҳаётга ҳеч ким тайёрламаганини, 15% ни эса уйда “оз-моз” тайёрлаганларини кўрсатади.

Қуйидагилар оиладаги конфликтларнинг асосий сабаблари ҳисобланади:

- эр ёки хотин фақат ўз эҳтиёжларини қондиришга интилиши;
- ошиқча моддий эҳтиёжлар;
- эр ёки хотин ўзига баланд баҳо бериши;
- бир-бири билан, қариндошлар билан тил топа олмаслик;
- эр ёки хотин хўжалик юритишни истамаслиги;
- миждозлардаги фарқ, эр-хотин бу билан ҳисоблашишни истамаслиги.

Конфликтларнинг мазкур сабаблари эр-хотин оилада яхши тарбия олмаганлиги, оилавий ҳаётга тайёрланмаганлиги натижасидир. Оиладаги муносабатларни тартибга солишда ижтимоий ходим ёрдам бериши мумкин. Статистика маълумотлари эр-хотиннинг оилавий ҳаётга психологик ва амалий тайёр эмаслиги 42% ни ташкил этишини кўрсатади. Ажрашган эр-хотинларнинг кўпчилиги (28%) никоҳни сақлаб қолиш керак эди, деб ҳисоблайдилар. Эркакларнинг 68% ва аёлларнинг 28% янги оила қурадилар. Аксарият эркаклар ва аёллар икки йил мобайнида янги оила қурадилар.

Ажрашишда ташаббус кўпинча аёллардан чиқади. Аксарият ҳолларда эри билан ажрашганидан сўнг унинг моддий аҳволи ёмонлашади, бола тарбиялаш билан боғлиқ барча қийинчиликлар унинг елкасига тушади.

Тадқиқотчилар оиладаги муносабатларнинг қуйидаги қоидаларини таърифлаганлар:

- бир-бирига ён бериш;
- ўз қарашлари ва мулоҳазаларини ўтказишга ҳаракат қилмаслик;
- бир-бирини ҳурмат қилиш;
- бири бошқасини камситмаслик;
- ўз кайфиятини бошқариш;
- ўз хатти-ҳаракатларига танқидий кўз билан қараш.

Ижтимоий муҳит тарбия микроомили сифатида. Ижтимоий муҳитга қўшничилик, тенгдошлар гуруҳлари, тарбия муассасаларини киритиш мумкин.

Қўшничилик ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқин яшайдиган кишилар гуруҳини ўзида ифодалайди. Уларни шахслараро алоқалар, ўз яшаш жойига муайян муносабат, айрим умумий мақсадлар ва қўшма фаолият бир-бири билан боғлайди. Катталар учун қўшничиликнинг роли уларнинг ёши ва ижтимоий мақоми билан белгиланади. Болалар учун қўшничилик ижтимоийлашувнинг қудратли омили ҳисобланади. Улар учун мулоқот – оила доирасидан четга чиқиш, янги ижтимоий ролларни ўзлаштириш. Қўшни тенгдошлар билан муносабатларда улар янги лексика, янги меъёр ва стереотипларни ўзлаштирадilar. Бола улғайгани сари, унинг ижтимоийлашувида тенгдошлари билан шахслараро муносабатлари янада муҳимроқ роль ўйнайди. Тенгдош қўшниларининг йўқлиги ёки улар билан тил топишда қийинчиликлар бу ёшда инсоннинг ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Катталарнинг қўшничилик алоқалари ҳақида гап кетганида, бутунлай бошқача манзарага дуч келиш мумкин. Шаҳарда катталарнинг қўшничилик муносабатлари яхши ривожланмаган. Қўшничилик муносабатларининг хусусияти ва мазмуни оилаларнинг демографик таркиби, оила аъзоларининг ёши ва ижтимоий-маданий даражасига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий тарбияни амалга оширишда педагог ўз тарбияланувчиларининг қўшничилик муносабатлари хусусиятини билиши муҳимдир. Бу уларга қўшни тенгдошлар ва ёши катта болалар ўз тарбияланувчиларига кўрсатаётган салбий ва ижобий таъсирларни инобатга олиш имкониятини беради.

Тенгдошлар гуруҳлари – ёш жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган болаларнинг бирлашмалари. Уларга ёш жиҳатидан ҳар хил, лекин қадриятлари бир бўлган одамлар киришлари мумкин. Тенгдошлар

гуруҳлари кўпинча индивидуал қизиқишларнинг муштараклиги, шахсий фаровонликка таҳдид солувчи вазият мавжудлиги, формал ташкилот (синф, отряд) мавжудлиги каби омилларга асосланади. Гуруҳда юзага келувчи шахслараро муносабатлар гуруҳ аъзоларининг ўзаро алоқалари хусусияти ва усулларида намоён бўлади. Энг аввало лидер ажратилади. Бошқа роллар – лидер фаворити, ёрдамчилар, бажарувчилар ва ҳ.к.

Тенгдошлар гуруҳлари таркибининг тавсифи ёш, жинс, ижтимоий таркиб каби белгиларни ўз ичига олади. Юридик мақоми ва ижтимоий тизимдаги ўрнига кўра тенгдошларнинг гуруҳлари расмий, яъни давлат ёки жамоат ташкилотлари билан боғланган ва норасмий, яъни ўз-ўзича мавжуд бўлган гуруҳларга бўлинади. Ўз мавжудлик муддатига кўра гуруҳлар доимий, вақтинчалик, ситуатив бўлиши мумкин. Лидерлик типига кўра улар авторитар ва демократик бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларда тенгдошлар гуруҳлари ёш авлоднинг ижтимоийлашувини белгиловчи асосий омиллардан бирига айланди. Бунга бир қанча ҳолатлар имконият яратди. Уларнинг орасида урбанизация, тўлиқ бўлмаган ва бир болали оилалар сонининг кўпайиши, оммавий коммуникация воситаларининг ривожланишини қайд этиш мумкин.

Ўзини ўзи назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Оиланинг жамият ижтимоий бўғини сифатидаги хусусиятлари.
2. Оилаларнинг типлари.
3. Оилага турли ёш босқичларида инсоннинг ижтимоийлашуви омили сифатида тавсиф беринг.
4. Ўтган замон оиласидан фарқли ўлароқ, ҳозирги оиланинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
5. Нима учун педагоглар ўз тарбияланувчиларининг қўшничилик муносабатлари хусусиятларини билишлари лозим?
6. Тенгдошларнинг ижтимоийлаштирувчи роли нималарда намоён бўлади?

ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ ЖАРАЁН СИФАТИДА

Асосий масалалар:

1. Ижтимоий педагог фаолиятининг мазмуни.
2. Ижтимоий педагогнинг умумий ва махсус функциялари.
3. Шахс билан ижтимоий-педагогик иш олиб бориш методикаси ва технологияси.

Таянч иборалар: ижтимоий-педагогик фаолият, ижтимоий педагог вазифалари, иш технологияси, иш методикаси, компетентлик

Машғулотнинг мақсади: ижтимоий-педагогик ишнинг асосий йўналишлари, ижтимоий педагогнинг энг муҳим фазилатлари ҳақида тасаввурни шакллантириш

Ижтимоий педагог фаолиятининг мазмуни. Ижтимоий-педагогик фаолият деганда ижтимоий тарбия ва ижтимоий-педагогик муҳофаза қилиш вазифаларини ечишга қаратилган фаолият тушунилади.

Ҳозирги давр шароитларида турли ижтимоий тузилмалар ишида ижтимоий педагог олиб боровчи фаолиятнинг асосий йўналишлари белгиланган. Булар: моддий ёрдам кўрсатиш (нафақалар ва имтиёзлар, кундалик ҳаётда ёрдам); ижтимоий ишни ташкиллаштириш (ходимларни танлаш); инсонга таъсир кўрсатиш. Инсонга таъсир кўрсатиш бу педагогик ва психологик таъсир кўрсатиш жараёни бўлиб, мазкур иш билан ижтимоий ходим, ижтимоий педагог шуғулланади.

Ижтимоий педагог ижтимоий тарбия, оилавий тарбия, бола шахсияти нималигини, қандай мулоқот усуллари мавжудлигини, тарбияси оғир болалар билан ишлашнинг хусусиятларини билиши лозим.

Ижтимоий педагог ишининг мактаб педагоги ёки синф раҳбари ишидан фарқи нимада? Педагог кўпинча синф ёки гуруҳ билан ишлайди, унинг иш методлари асосан жамоа билан ишлашни назарда тутлади. Ижтимоий педагог айрим шахс, айрим бола билан, кичик гуруҳ билан, муайян оила билан ишлайди.

Ижтимоий педагогнинг асосий вазифаси – болани, ўсмирни ижтимоий ҳимоя қилиш, унга ижтимоий ёки тиббий ёрдам кўрсатиш,

унинг таълим олиш, уни реабилитация қилиш ёки жамиятга мослашув жараёнини ташкиллаштириш. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун ижтимоий педагог болани, унинг ҳолатини ўрганади, уни янада ривожлантириш йўллари режалаштиради.

Ижтимоий-педагогик муҳофаза – айрим тарбияланувчининг жисмоний, руҳий ва ахлоқий-психологик хавфсизлигини таъминловчи омиллар ва воситалар тизими, унинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг маънавий ва жисмоний кучлари эркин ривожланиши учун моддий ва маънавий шароитлар яратиш.

Ижтимоий муаммолар – инсон мақсад ва натижа ўртасидаги номувофиқлик сифатида тушунувчи зиддият. Ўсувчи организм сифатидаги ҳар қандай бола ижтимоий ҳаётда муаммоли вазиятларга дуч келади. Ривожланишнинг ҳар бир босқичида бола ва уни қуршаган муҳит ижтимоий вазифаларнинг янги даражаси ва ўз имкониятлари ўртасида зиддиятларни аниқлайди. Агар меъёрлар ўз вақтида ўзгартирилмаса, тегишли шароитлар яратилмаса, ҳаёт учун муҳим вазифаларни мустақил ечиш йўлида турли хил муаммолар юзага келади.

Мушкул вазиятда болани қўллаб-қувватлаш осон иш эмас. Педагог болага ёрдам беришга қодир бўлган мутахассислар, ижтимоий ҳимоя хизматлари билан боғланади. Бунинг учун у профессионал тайёргарликдан ўтган, таълим ва тарбия ишини олиб бориш учун етарли малакага эга бўлиши лозим. Бу педагогик маҳорат деб аталади. Ҳар бир ўқитувчи шахсдир. Бола шахсини шакллантириш ҳақида гапирганда, педагог ҳақида унутмаслик керак, чунки у тарбияланувчига жуда кучли таъсир кўрсатади.

Педагог касби ўта индивидуалдир. Ҳар бир педагогнинг бош вазифаси – ўз ишининг устаси бўлиш. Педагогик маҳорат ўз касби соҳасида индивидуалликни ёрқин ифода этиш сифатида тушунилади. Педагогик маҳорат унсурлари касбий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган кўникмалар билан белгиланади. Кўникмаларнинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

1. Лойиҳалаш кўникмалари.
2. Конструктив кўникмалар.
3. Ташкилотчилик кўникмалари.
4. Коммуникатив кўникмалар.
5. Гностик кўникмалар.

Педагогик маҳорат замирида *педагогик компетентлик* ётади. Педагогик компетентлик деганда конкрет тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар, стандартлар ва талабларга мувофиқ педагогик функцияларни бажаришга тайёрлик ва қодирликни белгиловчи профессионал-шахсий хусусиятлар тушунилади. Профессионал-педагогик компетентлик педагогик воқеликни изчил идрок этиш ва унга изчил таъсир кўрсатиш кўникмаларини ўз ичига олади. Профессионал компетентлик ўз фаолият соҳасида эркин мўлжал олишни назарда туттади.

Инсоннинг *касбий лаёқати* – муайян иш функцияларини ўзлаштириш ва муайян соҳада самарали фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган қобилиятлар, жисмоний, рухий ва ахлоқий фазилатларнинг зарурий мажмуи. Педагогик фаолиятга лойиқликни тавсифловчи шахсий фазилатлар қаторига ёшлар билан ишлашга мойиллик, киришимлилик (бошқа одамлар билан тил топа олиш), сиполик, кузатувчанлик, зеҳни ўткирлик, ташкилотчилик қобилиятлари, ўзига ўта талабчанлик киради. Бу фазилатларнинг барчасини аниқлаш ва синовдан ўтказиш мумкин.

Педагог ўз касбий билимлари ва маҳоратини ошириши учун педагогик фаолиятнинг таркибий тузилишини аниқ тасаввур қилиши лозим.

Ижтимоий педагогга зарур бўлган касбий билимлар: педагогика ва психология, бола ривожланиши физиологияси, тарбиявий иш методикаси. Ушбу билимлар болани ўрганиш, унинг қилмишлари ва хулқ-атворини, ўзаро муносабатлари хусусиятларини, бошқа болалар гуруҳига мослашув йўллари таҳлил қилиш учун зарур.

Ижтимоий педагог болалар фаолияти ва ҳамкорлигини ташкиллаштира олиши лозим. Педагогик технология тушунчаси мавжуд бўлиб, ижтимоий педагог уни ҳам яхши билиши зарур. Бу тарбияланувчиларга таъсир кўрсатиш усуллари ва кўникмаларини ўзлаштиришни англатади. Педагогик техника ва шаклланган кўникмалар ижтимоий педагогни касбий маҳорат чўққиларига олиб келади. Бу тарбияланувчини тушуна билиш, қилмишга, инсонга ўз муносабатини билдира олиш, айти вақтда ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи таҳлил қилиш қобилиятини англатади.

Педагог ҳар бир бола билан тил топа олиши лозим. У педагогнинг ҳар бир сўзи бола ҳаётида улкан роль ўйнашини ёдда тутиши керак.

Ижтимоий педагог нутқ маданияти ва техникасига эътибор бериши лозим. Нутқ маданияти ўз фикрини аниқ, лўнда ва ўринли баён этиш кўникмаси билан белгиланади. Нутқ техникаси нафас олиш, овоз ва дикция усуллари билан белгиланади. Буларнинг барчасини узоқ машқ қилиш йўли билан ўзлаштириш мумкин.

Ижтимоий педагог театр педагогикаси унсурларини ҳам ўзлаштириши муҳимдир. Зеро педагог иши режиссёр иши, актёр ижодига яқин туради.

Ижтимоий педагог ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши, тез қарор қабул қилиши ва ишни тез ташкиллаштира олиши лозим.

Ҳозирги жамиятда ижтимоий педагог иши қуйидагилар учун зарур:

- мактабда, тарбияси оғир болалар билаш ишлаш учун;
- мактаб-интернатлар, болалар уйларида;
- болалар санаториялари, соғломлаштириш марказларида;
- ижтимоий-психологик ёрдам марказларида;
- дам олиш марказлари, ёшлар клубларида;
- ёзги меҳнат ва дам олиш лагерларида.

Ижтимоий педагогнинг умумий ва махсус функциялари.

Функция – вазифа, фаолият доираси. Ижтимоий педагогнинг умумий функциялари қаторига қуйидагилар киради:

• таълим ва тарбия бериш функцияси – болалар ва катталар хулқ-атвори ва фаолиятига изчил педагогик таъсир кўрсатилишини таъминлаш, барча ижтимоий институтлар – оила, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, оммавий ахборот воситалари, маҳалланинг педагогик фаолиятига кўмаклашиш;

• диагностик функция – болалар, оила, ижтимоий муҳит хусусиятлари ва ижтимоий яшаш шароитларини ўрганиш;

• ташкилотчилик функцияси – болалар ва педагогларнинг ижтимоий фаолиятини ташкиллаштириш, режалар, лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш;

• прогностик ва экспертлик функцияси – ижтимоий-педагогик ривожланиш дастурлари, лойиҳалари ва режаларини ишлаб чиқиш, ҳужжатлар ва материаллар эспертизаси;

• муҳофаза ва ҳимоя функцияси – шахс ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш.



Ижтимоий педагогнинг иш усуллари ранг-баранг, лекин биз бу ерда уларнинг энг муҳимларига тўхталамиз.

Кузатиш – айниқса кенг тарқалган усул. Айнан у тарбиявий иш учун айниқса кўп материал беради. Педагог боланинг оила ва мактабда, тенгдошлари билан ўзини тутишини кузатади. Бошловчи педагог ўз кузатишларини қайд этиб бориши ва кейинчалик уларни таҳлил қилиши лозим. Ижтимоий-педагогик кузатиш муайян тайёргарликни талаб қилади: хулқ-атвори самарали ўрганиш учун ҳаракатлар, нутқ ва мимиканинг барча кўринишларини аниқ билиш талаб этилади. Хатти-ҳаракатлар ва гап-сўзларни сурункали қайд этиб боришгина шахснинг хусусиятларини ва унинг шаклланиш қонуниятларини тушуниш имкониятини беради. Кузатиш одатда табиий шароитларда, фаолият ва мулоқот жараёнига аралашмасдан амалга оширилади. Кузатишга киришишдан олдин режа тузиш, унда нималарга эътибор бериш лозимлигини белгилаш зарур.

Сухбат. Сухбатга тайёргарлик кўриш жараёнида анкета сўрови ўтказиш, олдиндан саволлар тузиш, бола мазкур муассаса (реабилитация маркази)га тушганида хулоса чиқарган комиссия натижалари билан танишиш лозим. Сухбатнинг муваффақияти олдиндан ўрнатилган алоқага, у қай даражада мукамал тайёрланганига, ижтимоий педагогнинг сухбатни ташкил этиш маҳоратига боғлиқ бўлади. Сухбат қисқача кириш қисми билан бошланади. Унда сўров мавзуси, мақсади ва вазифалари ҳақида гапирилади. Сўнгра мазмунан нейтрал бўлган оддий саволлар таклиф қилинади. Таҳлилни, мулоҳаза юритишни талаб қилувчи мураккаброк

саволлар суҳбат ўртасига жойлаштирилади. Суҳбатнинг янги йўналишига ўтиш изоҳлар билан қувватланиши лозим.

Боланинг таржимаи ҳоли, қилмишлари ва хулқ-атвор мотивлари билан танишиш у ҳақда тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Анкета сўрови – сўров йўли билан статистик материал тўплаш усули. Анкета мазкур шахс ёки ўзга шахсга доир материални олиш учун мўлжалланган бўлиши мумкин. Анкета материали асосан пировард натижани ёритиб беради. Анкета сўрови самарали бўлишида муайян қизиқиш ва педагогга ишонч улкан аҳамият касб этади. Анкета тузишда унинг мазмуни ва шаклини эътиборга олиш муҳимдир. Мазмунан анкета муайян муаммонигина қамраб олиши лозим. Ҳар бир савол албатта фикр мотивларига тегишли бўлган қўшимча савол билан қувватланади. Шаклан саволлар ёпиқ, очик, тўғри ва эгри бўлиши мумкин.

Биографик метод – ижтимоий педагогикада айниқса кенг қўлланиладиган усуллардан бири. Инсоннинг ўзи аралашган турли жараёнлар ва вазиятларга шахсий муносабатлари қайд этилади. Биографик маълумотларнинг турли хил манбалари мавжуд: интервью, қариндошларнинг гувоҳликлари, фотосуратлар ва ҳ.к. Бу манбаларнинг барчаси инсоннинг бошқа кишилар билан ҳаёт жараёнида тўплаган тажрибасини аниқлаш учун имконият яратади. Ушбу методнинг кўринишларидан бири – оила биографияси. Конкрет оила тарихини ўрганиш инсоннинг шаклланишига таъсир этувчи хулқ-атвор модели, ҳаёт позицияси каби ички омилларни аниқлаш имкониятини беради.

Ижтимоий педагог ишининг мазмуни таълим муассасасининг таълим олувчиларнинг ижтимоий муаммоларини ечиш эҳтиёжлари билан белгиланади. Қуйидагилар таълим муассасасида болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик ишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- мазкур таълим муассасаси ҳудудида яшайдиган мактаб ёшидаги барча болалар ҳисобини юритиш, уларнинг ижтимоий ҳолати ва яшаш шароитларини ўрганиш;
- ўқувчиларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчишлари (бошқа мактабга ўтишлари ва ҳ.к.) устидан назорат олиб бориш;
- таълим олувчиларнинг ижтимоий муаммоларини, уларнинг юзага келиш шароитларини ва таълим муассасаси имкониятларига мувофиқ уларни ечиш йўллариини ўрганиши;

- ижтимоий беқарор оилалар ҳисобини юритиш;
- кўп болали, нотўлиқ ва кам таъминланган оилалардан бўлган болаларни, ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- таълим олувчилар шахсининг хавфсизлиги, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш учун шароитлар яратиш;
- таълим олувчиларни ишга жойлаштириш чораларини кўриш, аҳолини иш билан таъминлаш хизматларининг мутахассислари билан ўзаро алоқа қилиш;
- болани тарбиялаш муаммоларини биргаликда ечиш мақсадида болаларнинг оилалари билан ҳамкорлик қилиш;
- ота-она қарамоғисиз қолган ўсмирга қарашли бўлган мол-мулк ва турар жой майдонини муҳофаза қилиш чораларини кўриш.

Болалар уйи, мактаб-интернат шароитида ижтимоий педагог фаолияти куйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- тарбияланувчининг шахсий ишида етишмаётган унинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари, мол-мулкининг мавжудлиги ва бутлиги ҳақида маълумотлар ва ҳужжатларни тўплаш;
- суд, ФХДЁ, таълимни бошқариш ва соғлиқни сақлаш органлари билан боланинг ота-онасидан алиментлар тайинлаш ва ундириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;
- тарбияланувчиларнинг шахсий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- бола таълим олаётган даврда, ўқишга ёки ишга кираётганида ҳукумат томонидан назарда тутилган имтиёзларни таъминлаш;
- битирувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар улар билан алоқа қилиш;
- битирувчилар мониторингини юритиш.

Шахс билан ижтимоий-педагогик иш олиб бориш методикаси ва технологияси. Ижтимоий-педагогик фаолият лозим даражада самарали олиб борилмаслиги қайд этилади. Шу туфайли ҳам сўнгги йилларда технологик ёндашувни қўллаш расм бўлди. Ҳар қандай технологиянинг асосий бўғини пировард натижани белгилаш ва унга аниқ эришиш ҳисобланади. Технологиянинг бошқа бир афзаллиги – уни бошқа одам махсус ўрганганидан сўнг амалга ошириши мумкинлиги.

Алгоритм – вазифаларни ечиш дастури бўлиб, у қайси амалларнинг қандай кетма-кетлиги ёрдамида муайян натижага эришиш мумкинлигини аниқ тавсифлайди.

Ижтимоий технологиялар – ижтимоий муносабатлар ва жараёнларни ўзгартириш ва тартибга солишнинг оптимал усуллари ҳақидаги билимлар тизими. Ижтимоий-педагогик технология – муайян ижтимоий-педагогик мақсадга эришиш йўлларида бири. У ижтимоий-педагогик фаолиятнинг муайян натижага эришишни таъминловчи босқичлари, усуллари ва воситалари тввсифи сифатида қаралади.

В.П.Беспалько фикрига кўра, ҳар қандай фаолият ё технология, ё санъат бўлиши мумкин. Санъат интуицияга, технология эса – фанга асосланади. Ижтимоий педагогика фан сифатида ривожланиши билан ижтимоий педагог фаолиятининг технологиялаштирилган йўналишлари кўпайиб бориши лозим. Шу туфайли ҳам ҳар бир конкрет вазиятда ижтимоий педагог қуйидагиларни билиши даркор:

- ижтимоий-педагогик мақсадни;
- унга эришиш йўллари;
- объект хусусиятлари ва имкониятларини;
- амалга ошириш жойининг хусусиятларини;
- мақсадга эришиш имкониятларини;
- амалга ошириш шаклларини.

Шундай қилиб, ижтимоий жараёнларнинг технологиялаштирилиши муқаррардир. Айтилиши мумкин, ижтимоий-педагогик фаолият тўлалигича технологиялаштирилиши ҳам мумкин эмас. Масалан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти асосан қонунчилик базасига таянади. Баъзи бир ҳолларда намунавий алгоритмларни конкрет вазиятга мослаштириш талаб этилади.

Ижтимоий-педагогик технологияларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- субъектга доир технологиялар индивидуал ёки группавий бўлади. Индивидуал технологияларга ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини ҳимоя қилиш, мустақил ўқиб-ўрганиш технологиялари киради. Группавий технологиялар ёш, жинс, мақом, касб-кор белгиларига кўра ажратилиши мумкин. Масалан, ишсизлар учун бу ишга жойлашиш технологияси, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар учун – меҳнат билан даволаш ва ш.к.;
- фаолият технологиялари. Улар ижтимоий-педагогик ишни такомиллаштириш, ижтимоий педагог фаолиятини оптималлаштиришга қаратилади;

- муҳит технологиялари (масалан, инсонни қуршаган муҳитни соғломлаштириш технологиялари ва ш.к.).

Технологик жараён замирида ҳаракатлар алгоритми ётади. Умуман олганда улар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

1. Диагностика босқичи.
2. Бошланғич вазият таҳлили:
 - а) вазиятнинг бола учун мушкуллик ва хавфлилик даражасини аниқлаш;
 - б) у ижтимоий педагог ечиши лозим бўлган муаммолар жумласига кириши ёки кирмаслигини аниқлаш;
 - в) сабабларни аниқлаш;
 - г) муаммони қўйиш;
 - д) муаммони ечишга боланинг тайёрлиги ёки тайёр эмаслиги.
3. Ижтимоий-педагогик муҳофаза вазифасини белгилаш (лойиҳалаш); ёрдам кўрсатишга ўзининг қодирлигини аниқлаш; фаолиятни режалаштириш.
4. Ижтимоий-педагогик муҳофаза усуллари белгилаш, муаммони ечиш йўллари топишда болага ёрдам кўрсатиш.
5. Муаммодан чиқиш натижаларининг таҳлили, ўз фаолиятига баҳо бериш.
6. Боланинг ҳолати ва ривожланиши устидан назорат олиб бориш.

И.Г.Зайнишев технологик фаолиятнинг беш босқичини ажратади:

1. Дастлабки босқич. Унда муаммони аниқлаш, унга баҳо бериш, унинг пайдо бўлишини белгилаган омилларни аниқлаш амалга оширилади. Ижтимоий педагог ўз интеллектуал ва касбий салоҳиятини ишга солади.
2. Мақсадларни қўйиш босқичи. Унда ижтимоий иш ташкилотчилари ва мутахассислар фаолиятининг мақсад ва мўлжаллари таърифланади. Мақсадга қараб унга эришиш йўллари ва воситалари, қўшимча ахборот манбалари белгиланади.
3. Ахборотга ишлов бериш босқичи. Унда ахборот йиғиш ва тизимлаштириш, уни таҳлил қилиш ва умумлаштириш амалга оширилади.
4. Ташкилий босқич. Унда белгиланган ижтимоий таъсир чораларини белгиланган муддат ичида бажариш амалга оширилади.
5. Назорат-таҳлил босқичи. Унда мутахассислар фаолиятининг яқунлари таҳлил қилинади, ижтимоий фаолият вазифаларини

ижобий ҳал қилишга кўмаклашувчи омиллар аниқланади ва камчиликларни бартараф этиш йўллари белгиланади.

Педагогнинг профессионал луғатида “метод” ва “методика” тушунчалари етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Метод – муайян мақсадга эришиш йўли, ҳаракат усули. Методика – одатдаги вазифаларни ечиш имкониятини берувчи методлар мажмуи. “Технология” ва “методика” тушунчаларининг нисбатини аниқлаш зарур. Мақсадни кўрсатиш технология учун ҳам, методика учун ҳам муҳимдир. Аммо ижтимоий-педагогик фаолиятда мақсадни аниқ белгилаш имконияти кўпинча мавжуд бўлмайди, иш жараёнида кўплаб аниқликлар киритиш талаб этилади ва улар дастлабки ғоянинг ўзгаришига олиб келади. Бундан ташқари, ижтимоий педагог ўз интуициясига таяниш ҳуқуқига эгаки, технологик ёндашув доирасида бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Технология ўзининг универсаллиги билан ажралиб туради. Лозим даражада тайёргарликдан ўтган мутахассислар етакчи технологияларни ўзлаштира оладилар.

Ўзини ўзи назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ижтимоий педагог ўз фаолияти мақсадини белгилаётганида нимани эътиборга олиши лозим?
2. “Ижтимоий-педагогик технология” тушунчасига тавсиф беринг.
3. Ижтимоий-педагогик фаолият технологиясининг асосий босқичларига тавсиф беринг.
4. Ижтимоий педагог ҳозирги шароитларда қандай фаолият олиб боради?

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ҒАРБ ТАРИХИДА ИЖТИМОИЙ ТАРБИЯ АМАЛИЁТИ

1. Ўзбекистонда ижтимоий педагогика фанининг ривожланиш тарихи.

Ҳар бир фан аниқ бир ҳақиқатдан «ўсиб чиқади», унинг аксини ифодалайди. Илмий билимлар амалий фаолиятдан узилган ҳолда ривожлана олмайди. Айнан амалиёт ҳар қандай фаннинг манбаи ҳисобланади. Бошқа томондан, барча амалий фаолият ҳам агар илм-фан ютуқларига асосланган бўлса, янада самарали бўлади.

Ўзбекистонда фан, илмий билимлар соҳасида махсус амалий фаолият ҳамда ўқув фани сифатида ижтимоий педагогиканинг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга. Қадим антик даврлардаёқ болани ҳимоя қилиш мақсадида ижтимоий педагогик тарбияга оид муаммолар олдинга сурилган.

Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда жаҳон динлари орасида энг қадимги дин, Марказий Осиё худудида зардуштийлик дини ҳукмронлик қилди. Бу дин инсониятга катта таъсир этди, яъни инсонни биринчи ўринга олиб чиқди. Зардуштийлар муқаддас китоби «Авесто»ни (оловга сиғиниш) ўз эрасининг ўзига хос ижтимоий-қомусий асари деб ҳисоблаш мумкин.


Зардуштийлик динида ахлоқий меъёрлар асоси қуйидаги (ахлоқий мезонлар) учликка таянган эди. «Авесто» да «Инсон яхши фикрларга эга бўлиши, фақат яхши сўзлар сўзлаши ва савобли ишлар қилиши лозим» деб ёзилган (хулқ-атвор) (Маковельский А.О. Авесто. Баку, 1960, 18-бет).

«Авесто» нинг катта қисми бўлган «Ясна»ларда инсон камолини кўрсатувчи ахлоқ-одоб мезони ана шу учликда *хумата* (гумата) – яхши фикр, *хукта* (гукта) – яхши сўз ва *хварта* (гваршта) – яхши ишларда ифодаланади «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман» («Ясна», 14), дейилади (Маковельский А.О. Авесто. Баку, 1960, 18-бет).

“Авесто” тадқиқотчиси А.О.Маковельский инсон фикри, сўзлари ва ишларига икки қарама-қарши куч: Воху Манна («Эзгу фикр») ва Апо Мана («Ёвуз фикр») таъсир кўрсатади, дейди. Барча фикрлар, сўзлар ва

ишлар ичида аслида эзгулик ва ёвузлик ётади. «Яхши фикр» деганда илоҳий қонун руҳидаги яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши курашишга доимо тайёр туриш, кишиларнинг бахт-саодати учун ҳаракат қилиш, аҳиллик ва дўстлик, тотувликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилган. Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим. Яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди. Чунки бундай ҳолатда инсон яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади. (Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: Докт. дисс. автореферати. –Т., 1998).


Зардуштийлик динида учлик асосга таянган ахлоқий меъёрлар:



Қадимги даврларданок шундай инсоний хислатлар қадрланган. Инсон билимларга эга бўлиши (яъни, касб-ҳунарга эга бўлиши), адолатли бўлиши (яъни, инсоний бўлиши), шундай ахлоқий хислатларга эга бўлиши лозим эдики, яъни меҳрибон, камтарин, жасур, чиройли нутққа эга, ватанпарвар, кучли ирода ва бошқалар соҳиби бўлиши зарур эди (Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: Докт. дисс. автореф. –Т., 1998).

Педагогика тарихининг илдизлари қадимги даврларга бориб тақалади. Кўп минг асрлар мобайнида педагогика фалсафанинг ичида ривожланди. Қадим замонлардан буён оламда инсоннинг ўрни ва роли, шахснинг ахлоқий шаклланишида маданият ва диннинг аҳамияти, баркамол шахс ривожланиши масалалари ва шу қабилар, яъни фалсафа педагогиканинг “alma mater”и бўлган.

Қуйидаги жадвалда қадимда қадрланган инсоний хислатлар ифодаланган:



Шарқ Уйғониш даври (IX-XI асрлар) қомусий олимлари Абу Наср ал Форобий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1050), Абу Али ибн Сино (980-1037) шундай ижтимоий педагогик ғояларни айтиб ўтганларки, болани айни гўдаклик чоғиданоқ тарбиялашни бошлашнинг зарурати, шунингдек, боланинг тарбиясига табиат ва атроф-муҳитнинг таъсири, болага катталар, айниқса, ота-онанинг таъсири ва бошқалар. XV-XVI асрларда Марказий Осиё табиатшунос-файласуфлари, тарихчи, шоир ва рассом-мусаввирлари ўз ижодларида ижтимоий фанларга алоҳида эътибор билан қараб, табиат сирларини ўрганишга интиланганлар. Булар қаторида Нуриддин Абдурахмон Жомий (1414-1492), Жалолиддин Девоний (1427-1502), Алишер Навоий (1441-1501), Хусайн Воиз Кошифий (1440-1505) ўз рисолаларида инсон ақли-тафаккури, унинг қобилияти, инсоннинг юқори ахлоқий хислатлари, инсонийлик ғоялари, болалар тарбиясида умуминсоний қадрият ҳисобланади. Шу жумладан, ўзбек тилининг асосчиси, улуғ аллома, мусиқачи, давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижтимоий педагогик ғоялари юксак даражада инсонпарварлиги билан ажралиб туради. У инсонни бутун коинотда, бу оламда ҳам ягона, энг олий мавжудот деб ҳисоблаган. Болани эса оилага қувонч ҳамда бахт келтирувчи муқаддас инъом сифатида уйни ёритиб юборади, деб ҳисоблайди. Инсон ўз фарзандинигина эмас, балки келажак авлод бўлган барча болаларни севмоғи шарт, деб ёзади шоир.

Ижтимоий педагогикага оид фикрларни бизнинг ўзбек олим ва алломаларимиз, маърифатпарваримиз, жадидчилик ҳаракати етакчилари, XX аср бошларида яшаб ижод қилган Маҳмудхўжа Бехбудий (1874-1919), Мунаввар Қори Абдурашидов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Абдуқодир Шакурий (1875-1943), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929) ва бошқаларнинг асарларида ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Ижтимоий педагогиканинг фан сифатида вужудга келишида XX аср 20-30-йиллари алоҳида ўрин тутди. Бу даврда А.Авлоний, А.Шакурий, М.Қори Абдурашидов, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, В.Ф.Лубенцова, Н.П.Архангельский, О.Шарафуддинов каби педагогларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга молик. Улар аввало, ижтимоий издан чиқиб кетаётган болаларга ёрдам кўрсатиш борасида иш олиб боришган, яъни бу алломалар айнан ижтимоий педагоглар бўлиб, улар мактаблар ташкил этганлар, шунингдек, бошқа педагоглар тажрибаларига таянганлар (Алмаий, Н.Г.Чернишевский номидаги болалар меҳнат-тажрибавий мактаблари ва бошқа муассасалар ижтимоий педагогиканинг амалий манбаи бўлиб ҳисобланадилар).

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилиниши билан педагогиканинг кўпгина соҳалари, шу жумладан, ижтимоий педагогикани ҳам ривожлантириш вазифаси қўйилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун (1997 йил) қабул қилиниши билан маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали йўллари топиш, маънавий маданиятни ривожлантириш, эркин фикрлайдиган баркамол шахсни шакллантиришнинг энг самарали йўллари яратиш мақсадида педагогика фани олдида таълим тизимини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш каби вазифалар қўйилди.

Республикамизда ижтимоий педагогиканинг илмий ва амалий соҳаси ҳам «Ижтимоий педагогика» предмети ҳам эндигина шаклланмоқда. Мазкур соҳада илмий-тадқиқот ишини юритиш шунчалик долзарбки, бу фан бўйича мамлакатимизда қуйидагилар шуғулланмоқда: Маънавият ва маърифат маркази, «Оила» маркази, нодавлат, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» ҳайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги республика ўқув-методик таълим маркази, Низомий номидаги ТДПУ педагогика кафедраси ва бошқалар. Республикамизда

ҳар бир навбатдаги йилни ижтимоий муаммолардан бирига бағишлаш анъана тусига кирган. Масалан, 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинган. Шу муносабат билан «Ўсмир ва соғлом турмуш тарзи» деб номланган республика методик семинари ўтказилиб, мактабларда «Соғлом турмуш тарзи» предмети киритилиб, машғулот давомида соғлом турмуш тарзини шакллантирувчи ижтимоий муаммолар кўриб чиқилди.

1998 йил «Оила йили», 1999 – «Аёллар йили», 2000 – «Соғлом авлод йили», 2001 – «Оналар ва болалар йили», 2002 – «Қариялар йили», 2003 – «Обод ва соғлом маҳалла йили», 2004 – «Меҳр ва мурувват йили», 2005 йилни “Сихат-саломатлик йили” деб белгилаб, ижтимоий педагогик муаммони амалиётда ҳал этиш йўллари изланмоқда. Бугунги кунда кўплаб эмпирик ва назарий билимлар тўпланган. Уларни тўла англамоқ ва тизимлаштириш давр талабидир. Ўтмиш алломаларимиз, олим-педагогларимиз асарларини янги нуқтаи назардан ўрганиш, чет эл тажрибаларини ўзлаштириб, Республикамизга мослаштирилган ҳолда мақсадга мувофиқ қўллаш лозим. 2003 йилда М.Қуронови «Ижтимоий педагогика» номли лекция матнлари чиқди. Уни ижтимоий педагогикага кириш деб аташ мумкин.

Чет эл ижтимоий педагогикаси эса кўп йиллардан буён ривожланиб келмоқда, ҳозирги вақтда бу соҳада жуда кўп муҳим илмий салоҳиятли билимлар жамланган. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда ижтимоий педагогиканинг вужудга келиши ва ривожланишида бошқа мамлакатларнинг тажрибалари муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳадаги ривожланиш жараёнида вужудга келган муаммоларнинг таҳлили, илмий билимлар ва чет элдаги амалий фаолиятни ўрганишнинг ўрни беқиёс.

ЖАМОАДА ИЖТИМОЙ ТАРБИЯ ТАЖРИБАСИ

Асосий масалалар:

1. Шахнинг ижтимоийлашув жараёнига жамоанинг таъсири.
2. Жамоадаги психологик муҳит.
3. Жамоада конфликтларни бошқариш.

Таянч иборалар: жамоа, психологик муҳит, шахнинг ижтимоийлашуви, мослашув, ёшлар бирлашмалари

Шахнинг ижтимоийлашув жараёнига жамоанинг таъсири. Жамоа тарбияни ташкил этишнинг муҳим шакли, қудратли педагогик восита ҳисобланади. Шахни шакллантириш ва камол топтириш жамоада ва жамоа орқали самарали амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу ижтимоий тарбиянинг муҳим қонуниятларидан бири ҳисобланади. Айни ҳол тарбия ҳар бир тарбияланувчига педагогнинг шахсий таъсири билангина чекланмаслигини тасдиқлайди. У албатта жамоанинг ҳар томонлама таъсири билан қувватланиши лозим.

Педагогикада қуйидаги муҳим белгиларга эга бўлган одамлар бирлашмаси жамоа деб аталади:

- умумий ижтимоий муҳим мақсад;
- умумий қўшма фаолият;
- масъул боғлиқлик муносабатлари;
- умумий раҳбар орган.

Ушбу белгилардан ташқари, жамоа бошқа муҳим хусусиятлар – психологик муҳит, жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатлар билан ҳам ажралиб туради.

Жамоа – ўзаро боғланган кишилар гуруҳлари ва айрим шахслардан иборат мураккаб тизим. Ҳар бир кишилар бирлашмасида амалий ва шахсий муносабатларни ажратиш мумкин. Амалий муносабатлар ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш бўйича қўшма фаолиятга, жамоада ўрнатилган қоидалар ва тартибларга риоя этишга асосланади. Шахсий муносабатлар замирида эса шахсий мойилликлар, симпатия ва антипатиялар ётади. Шахсий муносабатлар амалий муносабатлар билан бир вақтда мавжуд бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш жамоаси жамият бўғини сифатида ўзаро боғланган икки функция – иқтисодий ва ижтимоий функцияларни бажаради. *Иқтисодий функция* шу билан белгиланадики, жамоа кўшма меҳнат фаолиятини амалга оширади ва бунинг натижасида бойликлар яратилади. Иқтисодий функция жамоа фаолиятида биринчи даражали аҳамият касб этади. *Ижтимоий функция* жамоа аъзоларининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир. Бу эҳтиёжлар меҳнат қилиш, моддий ҳақ олиш, жамоа аъзолари билан мулоқот қилиш, бошқарувда иштирок этиш ва ҳоказоларда ифодаланади.

Жамоанинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни бир неча босқичга бўлинади. Жамоани бошқариш учун менежер ҳозирги вақтда жамоа ривожланишининг қайси босқичида эканлигини билиши лозим. *Биринчи босқич* жамоанинг шаклланиш жараёнини ўзида ифодалайди. Ушбу босқичда одамлар бир-бири ва раҳбар билан танишадилар. Раҳбар жамоани унинг олдида турган вазифалар билан таништиради, вазифаларни тақсимлайди, иш режимини белгилайди, топшириқларнинг бажарилишини ташкил этади. Мазкур босқичда раҳбар ўз кўрсатмаларининг бажарилиши устидан назоратга алоҳида эътиборни қаратиши лозим. Бу келгусида иш аниқ ва тўғри бажарилишини таъминлайди. Шундай қилиб, жамоа ривожланиш жараёнининг мазкур босқичида қаттиқ, шу жумладан ахлоқий талаблар фақат раҳбар томонидан қўйилади.

Иккинчи босқич шу билан тавсифланадики, жамоада шахсий хусусиятлар ва қизиқишлар асосида кичик гуруҳлар шаклланади. Улар жамоанинг вазифалари ва раҳбарга турлича ёндашишлари мумкин. Энг онгли ва ташаббускор кишилар аниқланади ва улардан фаоллар гуруҳи таркиб топтиради. Бу гуруҳ раҳбарга жамоанинг асосий мақсадларига эришишга ёрдам беради. Раҳбар фаолларга таяниб виждонли ходимларни рағбатлантириши ва айни вақтда интизомни бузувчиларга нисбатан мурасасиз бўлиши, жамоанинг жамоатчилик фикрини шакллантириши лозим. Ушбу босқичнинг ўзига хос хусусияти шу билан белгиланадики, унда раҳбар жамоани фаоллар орқали бошқара бошлайди.

Учинчи босқич шу билан тавсифланадики, жамоанинг барча аъзолари бир-бирига ва ўз-ўзига белгиланган талабларни қўядилар. Бу жамоа ривожланишининг олий босқичи ҳисобланади. Унга ҳар бир раҳбар интилиши талаб этилади. Биринчи босқичда раҳбар асосан

авторитар бошқарув услубини қўлласа, учинчи босқичда у демократик бошқарув услубини қўллайди ва жамоа манфаатларининг ифодачисига айланади. Энди у фақат жамоанинг ахлоқий ва ижтимоий ҳаётини тартибга солади, унинг ривожланиш йўллари белгилайди.

Жамоанинг ривожланиш жараёни учинчи босқич билан тугамайди. Бу жараён муттасил давом этиши ва жамоа ижодий кучларининг ривожланишида, ўзини ўзи бошқаришда, маънавий-психологик муҳитнинг яхшиланишида ифодаланиши лозим.

Жамоани шакллантиришда унинг таркиби улкан аҳамият касб этади. Бунда жамоа аъзоларининг ёши, жинси, малака ва маълумот даражаси, психологик хусусиятлари, миждози, билими ва тажрибасини эътиборга олиш зарур. Бу соғлом маънавий-психологик муҳитни яратишга кўмаклашади.

Жамоадаги психологик муҳит. Жамоадаги *маънавий-психологик муҳит* – бу жамоа аъзолари ўртасидаги ички алоқаларнинг барқарор ҳолати. У жамоанинг руҳий-ахлоқий кайфиятида, унинг фаолияти натижаларида, жамоатчилик фикрининг шаклланишида намоён бўлади.

Жамоадаги маънавий-психологик муҳит қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади: техник даража, интизом ва меҳнатни муҳофаза қилиш даражасига, меҳнат ва бошқарувнинг ташкил этилишига, моддий бойликларнинг тақсимланишига, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига, жамоанинг билим ва малака даражасига, ходимларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятига, ходимларнинг маънавий тизими ва ахлоқий принципларига, уларнинг ижтимоий-психологик хоссаларига, жамоанинг яшаш ва дам олиш шароитларига.

Шахсга меҳнат жамоасининг таъсири унинг аъзолари ўртасида юзага келган ахлоқий муносабатлар хусусиятига боғлиқ бўлади. Кишилар фаолиятининг натижаларига уларнинг кайфияти таъсир кўрсатади. Меҳнат жамоасида яхши кайфиятни ярата олиш – менежернинг муҳим вазифаларидан бири, чунки бу меҳнат унумдорлигини ошириш билан баробар. Ўзаро ҳурмат ва ўзаро ёрдам, жамоа аъзосининг шахсига эътибор нормал маънавий-психологик муҳитни тавсифлайди ва шахслараро муносабатларнинг ахлоқий меъёри ҳисобланади.

3. Жамоада конфликтларни бошқариш. Одамлар конфликт ҳақида ўйлаганда, кўпинча уни агрессия, жанжал, таҳдид, бақириқ-чақириқлар билан тенглаштирадilar. Натижада конфликт номақбул ҳодиса, уни дарҳол ечиш керак деган фикр кенг тарқалган. Ҳолбуки,

конфликтнинг салбий томони ҳам, ижобий томони ҳам бор. Кўпгина вазиятларда конфликт нуқтаи назарлар ранг-баранглигини аниқлашга кўмаклашади, қўшимча ахборот беради, кўп сонли муаммоларни аниқлашга ёрдам беради.

Конфликтлар – муносабатларда анча кўп учрайдиган вазият. Улар ҳаётимизнинг табиий қисми ҳисобланади. Улар вазият ва муносабатларни ривожлантириш, шахснинг ўсиши учун ҳатто маълум даражада зарур, акс ҳолда турғунлик юз бериши мумкин. Конфликтлар табиати вазиятнинг хусусиятлари, одамлар, гуруҳлар, жамоаларнинг хоссалари билан боғлиқ. Уларнинг вужудга келиш сабаблари ҳар хил – объективдан (ишлаб чиқариш конфликти) тортиб субъективгача (одамларнинг муносабатлари) бўлиши мумкин.

Конфликт тушунчасининг мазмунига берилган ҳар хил таърифлар мавжуд, лекин уларнинг барчаси одамлар ўртасидаги муносабатларда мавжуд зиддиятларга урғу беради.

Конфликт (лот. *conflictus*) қарама-қарши томонлар, фикрлар, кучлар тўқнашувини англатади, шу боис конфликт икки ёки ундан ортиқ тарафлар: шахслар ёки гуруҳлар ўртасидаги келишмовчиликдир.

Ҳар қандай конфликтни ҳаракатлантирувчи куч конфликт иштирокчиларининг мақсадлари, манфаатлари ва мотивларининг тўқнашуви ҳисобланади. Бинобарин, конфликт бир ёки бир неча тараф ўз манфаатлари камситилганини англаб етишидир.

Конфликтнинг **асосий таркибий элементлари** қуйидагилардир:

- Конфликт тарафлари – ижтимоий муносабатларнинг конфликтлашаётган субъектлари (иштирокчилари).

- Конфликт предмети – конфликтга сабаб бўлган ҳодиса.

- Конфликт мотивлари – иштирокчиларни конфликтлашишга даъват этувчи ички омиллар.

- Конфликтлашаётган тарафларнинг нуқтаи назарлари – улар конфликт жараёнида бир-бирига билдирувчи фикрлар.

Конфликтлар вужудга келишида конфликттоген омиллар – конфликтга олиб келиши мумкин бўлган сўзлар, ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизлик) айниқса муҳим роль ўйнайди.

Конфликтлар ўз моҳиятига кўра анча ранг-барангдир. Уларни турли хил белгиларга кўра таснифлаш мумкин.



2-жадвал. Конфликтларнинг турлари ва уларнинг тавсифи

Биз ҳаётда ижтимоий-маиший ва оилавий-маиший конфликтларга айниқса кўп дуч келамиз. Улар шахслараро муносабатларда юзага келади, реалистик ёки нореалистик, конструктив ёки деструктив бўлиши мумкин.

Реалистик конфликтнинг мақсади – муайян натижаларга, қандайдир (моддий ёки номоддий) устунликларга эришиш. Бундай конфликт конструктив ва деструктив йўналишларда ривожланиши мумкин. Предметсиз конфликтларнинг мақсади – кескинликни пасайтириш. Бу турдаги конфликт фақат деструктив шаклга эга бўлади.

Агар конфликтлар асосли қарорлар қабул қилиш ва ўзаро муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашса, бундай конфликтлар **конструктив** деб аталади. Конструктив конфликтлар тарафларда низо предметиға қараб олинган мўлжал сақланиб қолиши, улар қўшма

фаолиятнинг мақсад ва воситаларини англаши, ўз ҳолатига ва шеригининг ҳолатига, ўзаро имкониятларига тўғри баҳо бериши билан тавсифланади. Бунда уларнинг келишмовчиликлари бартараф этиб бўлмайдиган хусусият касб этмайди, муносабатлар жараёни ва бир-биридан ўзаро норозиликкина намоён бўлади.

Самарали муносабатларга ва қарорлар қабул қилишга монелик қилувчи конфликтлар **деструктив** деб аталади. Улар шерикларнинг бир-биридан, муаммони ечиш жараёни ва йўлларида норозилиги муайян “критик нуқта”га етганида ва бартараф этиб бўлмайдиган тус олганида вужудга келади. Мазкур босқичда муносабатларнинг конструктив шаклларига қайтишнинг иложи бўлмайди.

Конфликтларнинг 80% уларнинг иштирокчилари хоҳиш-иродасига зид равишда вужудга келади. Бу инсон руҳиятининг хусусиятлари туфайли ва кўпчилик ё улар ҳақида билмаслиги, ё уларга аҳамият бермаслиги туфайли юз беради.

Конфликтда хулқ-атвор услублари. Одамлар конфликтлашиши ва бир-бири билан келишмаслиги муқаррардир. Инсон конфликтли вазият билан тўқнаш келганида, муаммони янада самаралироқ ечиш учун муайян стратегия ва хулқ-атвор услубини танлаши лозим. Бунинг учун конфликтда иштирок этаётган бошқа одамларнинг хулқ-атвори, манфаатлари ва мотивларини, шунингдек конфликтнинг табиатини ҳисобга олиш зарур.


Конфликтли вазиятда одамлар муайян хулқ-атвор стратегияси, услубини онгли ёки онгсиз тарзда танлайдилар. Конкрет вазиятда хулқ-атвор услуби пассив ёки фаол ҳаракат қилиш ўз манфаатларини қондириш ва биргаликда ёки якка тартибда иш кўриб, бошқа тарафнинг манфаатларини қондириш инсон учун қай даражада муҳим эканлиги билан белгиланади.

Психологлар конфликт чоғида кимнинг манфаатлари ва қандай ҳимоя қилинишига қараб конфликтли вазиятларда хулқ-атворнинг беш намунавий услубини ажратадилар:

- рақобатлашиш;
- ўзини четга олиш;
- мослашиш;
- ҳамкорлик;
- мурасага келиш.

Мазкур услубларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Қаршимизда – бировнинг манфаатларига қараб мўлжал олишни кўрсатувчи жадвал.



1-расм. Томас-Килменн жадвали

Рақобатлашиш – «акула» услуби (мажбурлаш, курашиш, рақобат). Бу услубга инсон фақат ўз манфаатларига қараб мўлжал олиши ва ўз шеригининг манфаатларини рад этиши хос. У бошқалар билан ҳамкорликдан манфаатдор эмас, лекин бир ўзи қарорлар қабул қилишга қодир. Бу стратегияни танлаш охир-оқибатда ё кураш, ё ўзаро муносабатларни танлашга бориб тақалади.

“Рақобатлашиш” услуби:

- натижа сиз учун жуда муҳим бўлган, юзага келган муаммони ечишга сиз катта умид боғлаган;
- қарорни тез қабул қилиш талаб этилган ва сизда бунинг учун етарли ҳокимият мавжуд бўлган;
- сиз бошқа йўл йўқлигини ҳис этган ҳолларда мақбул ва самаралидир.

Мазкур услубнинг афзалликлари шундаки, инсонда салбий эмоциялар жамланмайди, у таваккал қилишни ёқтиради ва жавобгарликни ўз зиммасига олади. Фавқулодда вазиятларда бу услуб айниқса яхши самара беради.

Унинг камчиликлари шундаки, конфликт одилонга ечилмайди, бу услубни кўп қўлловчи одам доим ҳамма билан конфликтлашади.

Ўзини четга олиш – «тошбақа» услуби. Мазкур услуб инсон ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилмаган, муаммонинг ечимини ишлаб чиқиш учун

ҳамкорлик қилишни истамаган, конфликтни ечишдан ўзини четга олган ҳолда намоён бўлади.

Сиз бу услубдан:

- юзага келган муаммо сиз учун унча муҳим бўлмаган ва сиз уни ечишга куч сарфлашни истамаган;
- чорасиз аҳволда қолганингизни тушунган;
- ўзингизни ноҳақ ҳис қилган ва ўзга одамнинг ҳақлигини ҳис этган;
- суҳбатдошингиз кўпроқ ҳокимиятга эга бўлган ёки у билан муносабатларни давом эттириш учун сизда жиддий асослар бўлмаган ҳолда фойдаланишингиз мумкин.

Мазкур услубнинг афзаллиги шундаки, бу “хавф-хатар шароитидаги хавфсиз услуб”дир, зеро инсон ўзи конфликтларни яратмайди. Камчилиги – конфликт ечилмайди ва шу боис орадан маълум вақт ўтгач, яна юзага келиши мумкин.

Мослашиш – «айиқча» услуби (ён бериш). Бу стратегияга амал қилувчи одам ҳам конфликтдан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилади. Аммо бунда у ўз шахсий манфаатларини ҳимоя қилишга уринмай, улардан рақиб манфаатлари фойдасига воз кечади. Бу ёндашувдан ишнинг яқуни бошқа одамга жуда муҳим бўлган ва сиз учун аҳамиятсиз бўлган ҳолларда фойдаланишингиз мумкин.

Мазкур услубнинг афзаллиги шундаки, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар сақланиб қолади. Камчилиги шундаки, конфликтлар ечилмайди, тўпланиб боради ва яна вужудга келади.

Мурасага келиш – «тулки» услуби. Конфликтни мурасага келиш йўли билан ечишга муносабатларни сақлаб қолишга интилиш туртки беради. Бунда ҳеч ким ҳеч нарса йўқотмайди, лекин қўлга ҳам киритмайди. Умуман олганда, бу услубни “ўзаро ён бериш стратегияси” деб номлаш мумкин.

Мазкур услубнинг афзаллиги: конфликт тез ечилади, лекин бу ечим доим ҳам адолатли бўлавермайди.

Камчилиги: одамларда норозилик йиғилиб бориши мумкин, лекин у бошқа услублар билан таққослаганда анча оз бўлади.

Ҳамкорлик – «укки» услуби. Ҳамкорлик – энг оғир, лекин энг самарали услуб. У оғир конфликтли вазиятда икки тарафни қаноатлантирувчи ечимни ишлаб чиқиш имкониятини беради. Ҳамкорлик стратегияси иккала тарафнинг манфаатларига қараб мўлжал

олишни назарда тутиши билан ажралиб туради. Тарафлар бир-бирларини эшитишлари ва муаммони ечишнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқишлари лозим.

Мазкур ёндашувдан:

- муаммони ечиш иккала тараф учун муҳим бўлган ва ҳеч ким бундан ўзини олиб қочишни истамаган;
- тарафлар ўртасида яқин алоқалар мавжуд бўлган;
- муаммони ечиш устида ишлаш учун вақт мавжуд бўлган;
- иккала тараф муаммони яхши билган ва бир-бирининг хоҳиш-истакларидан хабардор бўлган;
- конфликт тарафлари тенг ҳокимиятга эга бўлган ҳолларда фойдаланиш тавсия этилади.

Мазкур услубнинг афзаллиги: конфликтни одилона, узил-кесил ечиш имкониятини беради.

Камчилиги: “укки” бўлиш қийин, чунки ўзи ҳақидагина эмас, балки бошқалар ҳақида ҳам ўйлашга тўғри келади.

Конфликтни ечишнинг қайси услуби афзалроқ?

Тавсифланган стратегиялар орасида ҳамкорлик услуби айниқса оғир бўлса керак. Идеал ҳолатда хулқ-атвор услубини конфликтнинг ўзи айтиб беради. Мақсад ҳам, муносабатлар ҳам муҳим бўлмаса, конфликтдан ўзингизни четга олганингиз маъқул. Ўзаро муносабатлардан мақсад муҳимроқ бўлса, конфликтдан чиқишнинг энг яхши йўли рақобатлашиш бўлиши мумкин.

Бу услубларнинг ҳар бири муайян шароитлардагина самарали бўлиши мумкинлигини тушуниш муҳимдир. Мақбул ёндашув конкрет вазият, шунингдек тарафлар феъл-атвори билан белгиланади.

Конфликтли вазиятларда эмоциялар. Эмоциялар шахслараро хулқ-атворда асосий роль ўйнайди. Ҳар бир инсон вазият ва муаммоларга ўз тажрибаси ва маълумотига таянган ҳолда ёндашади. Муносабат ҳамиша эмоция унсурини назарда тутаяди. Кучли эмоциялар кўпинча кескинликка сабаб бўлади. Эмоцияларга эътиборсизлик кўпинча конфликтга ва нореал қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Шу боис эмоцияларни эътиборга олиш муаммонинг оқилона ечимини белгиловчи мезон ҳисобланади.

Конфликтнинг ижобий натижалари. Конфликт натижаси драма, ривожланиш, янги имкониятлар туғилиши, айрим шахс, гуруҳ ёки ташкилотнинг ўсиши бўлиши мумкин. Кўпинча конфликт гуруҳда

ҳамжихатлик ва ўзаро ишончни кучайтириши ва фаолиятга рағбат кучайишига олиб келиши мумкин. Гуруҳлардаги конфликт, агар улар тўғри тартибга солинса, мотивация ва меҳнат унумдорлигини ошишига, шунингдек гуруҳ аъзоларининг янада яхшироқ шахсий кайфияти ва мўлжалларига сабаб бўлиши мумкин. Конфликт тарафларнинг ўзаро муносабатларига боғловчи таъсир кўрсатиши мумкин. У янги фактлар ва қарорларни қидиришга туртки берувчи омилга айланиши, тшкилот учун муҳим вазифаларни бажаришга конфликтлашаётган тарафлар куч-ғайратини ошириши ва жиддийроқ конфликтнинг олдини олиши мумкин.

ИЖТИМОЙИЙ ФАОЛИЯТ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Асосий масалалар:

1. Ижтимоий ишнинг касб сифатида вужудга келиши.
2. Чет элда ижтимоий ходимларнинг таълим тизимлари.
3. Ижтимоий ишда ахлоқий принциплар ва муаммолар.

Ижтимоий ишнинг касб сифатида вужудга келиши. Касб деганда аҳолининг муайян қатламлари эҳтиёжларини қондиришга ва муҳим ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилган машғулот тушунилади.

Адабиётларда ижтимоий иш касб сифатида XIX аср охири – XX аср бошида юзага келгани қайд этилади. Айни шу даврда айрим иқтисодий ривожланган мамлакатларда ижтимоий иш билан касб сифатида шуғулланувчи мутахассислар гуруҳлари пайдо бўлади, ўқув юртлари очилади, ижтимоий ходимлар тайёрлана бошлайди. Буюк Британия ва АҚШ ижтимоий иш биринчи бўлиб фаолиятнинг алоҳида тури сифатида шаклланган ва кейинчалик профессионал заминга қўйилган мамлакатлар ҳисобланади.

Професионал ижтимоий ходимларни тайёрлаш ва ижтимоий ишни илмий ва ўқув фани сифатида ривожлантиришга қуйидаги омиллар туртки берган:

1. умумий принциплар ва мавжудлик меъёрлари билан боғланган ягона ҳамжамиятнинг парчаланиши;
2. урбанизация ва индустриализация;
3. инсоннинг ижтимоий алоқалари ва муносабатларининг кўпайиши.

Ижтимоий ишнинг профессионал фаолият сифатида шаклланиш жараёни АҚШда айниқса фаол кечган. Шаҳарчалар шаҳарларга айланиши ва келгиндилар, дайдилар сонининг кўпайиши худойихоналар ва турмалар сони сезиларли даражада кўпайишига олиб келган. Бу муассасаларда сақлаш шароитлари жуда ёмон бўлган. Камбағаллар, ақли заифлар ва маҳкумларга ҳомийлик қилиш масаласи кескин тус олган. Аҳолининг бу тоифалари штатларнинг, кейинчалик эса Хайрия ва штатларни ободонлаштириш кенгашларининг ҳомийлиги остига олинган. Ижтимоий секторда кўнгиллилар ташкилотлари ва болаларга қараш агентликлари пайдо бўлган.

Штатларнинг хайрия кенгашлари XIX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган. Улар турли хил тузилиш ва вазифаларга эга бўлган, лекин уларнинг асосий вазифаси қонунчиларга турли муассасаларни бошқариш соҳасида маслаҳат ёрдами кўрсатиш ҳисобланган. Кенгашга таниқли кўнгиллилар, ўша даврнинг ўқимишли кишилари кирган ва уларнинг фаолиятига ҳақ тўланмаган. 1865 йилда турли штатлардаги Кенгашларнинг аъзолари Америка Ижтимоий фанлар уюшмасига бирлашганлар.

XIX асрнинг 80-йилларида АҚШда икки касбий ташкилот пайдо бўлади ва улар ижтимоий ишнинг икки йўналишига асос солади. Улардан бири – Лондон уюшган хайрия жамияти андозасига мувофиқ ташкил этилган хайрия ташкилоти 1887 йил Баффалода пайдо бўлади. Иккинчиси – Қўшнилар гильдияси 1886 йил Нью-Йоркда ташкил этилади. Иккала ташкилот ҳам ўз қарашларини консерватив Англия анъаналаридан ўзлаштиради ва жадал суръатларда ривожланади. 1892 йилга келиб АҚШ ва Канаданинг йирик шаҳарларида 92 та хайрия ташкилоти ташкил этилади.

Ушбу ташкилотлар ёки ҳаракатлар қашшоқлар ва шўрпешона одамларнинг манфаатларида иш олиб борадилар. Улар ўз сафларига аҳолининг олий ва ўрта қатламларидан ўқимишли кишиларни жалб қиладилар. Ёш аёллар ижтимоий ишда ўз ижтимоий мақомини юксалтириш ва иқтисодий мустақилликни қўлга киритиш имкониятини кўрадилар. Ушбу ташкилотлар қашшоқлик сабабларини бартараф этиш йўлларини топишга ҳаракат қиладилар. Улар мазкур ижтимоий иллатни илмий усуллар ёрдамида бартараф этиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Улар аҳоли кам таъминланган қатламларининг инсоний ҳаёт кечириш, дам олиш ва қариликда ижтимоий таъминот олиб туриш ҳуқуқларини тан оладилар. Булар “илмий хайрия” ёки “илмий филантропия ғоялари” деган ном олади.

Ижтимоий иш Европада ҳам жадал суръатларда ривожланади. Лондондаги Уюшган хайрия жамияти 1903 йилда ижтимоий ходимлар тайёрлаш учун биринчи махсус ўқув юрти очади ва у “Социология мактаби” деган ном олади. 1912 йилда бу мактаб Лондон иқтисод мактабининг ижтимоий иш факультетига айлантирилади.

1908 йилда Европада хотин-қизлар ҳаракати асосчиси Алиса Соломон раҳбарлигида Германияда ижтимоий ходимлар учун аёллар мактаби очилади. 1910 йилга келиб Европанинг ривожланган

мамлакатлари ва АҚШда 14 ижтимоий иш мактаби фаолият кўрсатади. Илк ижтимоий ходимлар мактабларида тингловчилар, одатда, бир йиллик тайёргарликдан ўтадилар.

Аммо ижтимоий ходимлар учун биринчи ҳақиқий ўқув юрти – ижтимоий ходимоарни тайёрлаш институти 1899 йилда Голландиянинг Амстердам шаҳрида очилади. Бу ерда ижтимоий иш мутахассисларини тайёрлаш кундузги курсларда икки йил мобайнида амалга оширилади.

1920-йилларда Бельгия, Норвегия, Швеция, Италияда биринчи ижтимоий иш мактаблари очилади. Ижтимоий ходимларни тайёрловчи мактаб ҳатто Чилида ҳам ташкил этилади – унинг асосчиси таниқли жамоат арбоби Рене Сандра ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 30-йилларида ижтимоий ходимларни тайёрлашга киришган мамлакатлар сони кўпайиб боради: Испания, Исроил, Ирландия, Люксембург, Греция, Португалия, Дания, Ҳиндистон, Миср.

Ижтимоий иш мактабларида базавий таълим ва унинг амалиёт билан алоқаси, касб-хунар таълимининг зарурий даражаси, умумий тайёргарлик ва алоҳида ихтисослашув масалалари муҳокама қилинади.

70-йиллардан бошлаб ижтимоий ишга доир адабиётларда қуйидаги методлар умум эътироф этилади:

1. индивидуал иш методи;
2. группавий иш методи;
3. жамоатчилик иши;
4. ижтимоий бошқариш ва режалаштириш.

Кейинги даврда турли мамлакатларнинг тадқиқотчилари мазкур иш методларини бирлаштиришга, уларни ягона назарий асосга келтиришга ҳаракат қиладилар. Ижтимоий ходимдан тор ихтисослашув эмас, балки универсализм, турли иш методлари ва соҳаларини бириктириш кўникмаси талаб этилади. Зеро айнан комплекс ёндашув ижтимоий ходимларга жамият аъзоларининг кўпгина муаммоларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Ҳозирги вақтда ижтимоий ишда ягона назария мавжуд эмас. Унинг назарий билими ранг-баранг ижтимоий илмий мактаблар томонидан ифодаланган бўлиб, уларнинг доирасида асосий тадқиқот анъаналари ривожланади ва амалий ижтимоий ишга турли хил илмий ва илмий-амалий парадигмалар таклиф қилинади.

Турли мамлакатларда амалиёт мутахассислари мавжуд анъаналар ва ижтимоий эҳтиёжларга қараб ижтимоий ишнинг у ёки бу назарий

андозаларини танлайдилар. Масалан, АҚШда ижтимоий иш, одатда, психоанализга қараб мўлжал олади, чунки анъанага кўра асоси урғу индивидуал-шахсий даражага берилади.

Ижтимоий иш амалиётида тизимли моделларнинг бошқа вариантларидан ҳам фойдаланилади. Шулардан бири - тизимли-экологик модель. У ҳозирги вақтда кенг тарқалган бўлиб, машҳур “ҳаёт модели” концепциясининг асосига айланган. Ушбу моделга мувофиқ одамлар ўзларини қуршаган муҳитга бир-бирини ўзгартириш йўли билан тинимсиз мослашадилар: индивидлар муҳитни ўзгартирадилар ва ўз навбатида, унинг таъсирида ўзгарадилар. Таъсир кўрсатишнинг турли хил методларини ўзлаштириш қўйилган вазифаларни самарали ечишни таъминлайди. Аммо бунинг учун алоҳида маҳорат, синтез қилиш қобилияти ҳам талаб этиладики, улар фақат иш тажрибасига мувофиқ шаклланиши мумкин.

Чет элда ижтимоий ходимларнинг таълим тизимлари. Жаҳонда бир неча юз ижтимоий иш олий мактаблари ва университетларнинг ижтимоий ходимлар тайёрловчи факультетлари бор. Биргина Европада ижтимоий иш соҳасида маълумот берувчи 500 дан ортиқ ўқув муассасалари фаолият олиб боради. Кўпгина мамлакатларда ушбу таълим давлат томонидан молиялаштирилади, лекин айрим мамлакатларда хусусий ўқув юртлари ҳам бор (масалан, Италия, Францияда). Баъзи бир мамлакатларда мактабларнинг хусусийлиги уларнинг муайян диний конфессияга мансублиги билан белгиланади. Масалан, Португалия, Испанияда ва Лотин Америкаси мамлакатларида Рим католик черковига қарашли мактаблар сони дунёвий муассасалар сонидан анча кўп.

Кўпгина мактаблар ижтимоий иш айниқса жадал суръатларда ривожланган 60-йилларда очилади. Бу даврда ижтимоий ходимларни кўплаб миллий ва халқаро уюшмалари ташкил этилади, махсус журналлар, адабиётлар нашр қилинади, ижтимоий ходимнинг халқаро ахлоқий кодекси ишлаб чиқилади. Кўпгина олимлар фикрига кўра, ижтимоий иш мустақил касб ва академик фан сифатида айнан ўтган асрнинг 60-70-йилларида шаклланган.

Ижтимоий ходимлар таълимида миллий таълим тизимларининг хусусияти акс этади. Масалан, Японияда дастурларнинг кенг мажмуи таклиф қилинади: маҳаллий коллежда икки йил таҳсил олиш, коллеж ёки университетда тўрт йил шуғулланиш (айниқса кенг тарқалган

вариант) ва университетда икки йиллик аспирантура (уни битирганларга магистр унвони берилади). Икки университетда докторантура таклиф қилинади. Ижтимоий иш мактаблари бу ерда олий таълим дрирасида мавжуд бўлса-да, уларни университетлар билан тенглаштириш ярамайди. 3-4 йиллик таълим махсус техник, ихтисослаштирилган тайёргарлик сифатида қаралади. Университетларда кенг гуманитар таълим таклиф қилинади. Мактаб битирувчиси ижтимоий ходим дипломи ёки унвонини олади.

Бирлашган Қиролликда ҳам таълимнинг ягона андозаси мавжуд эмас. Ижтимоий иш мутахассисларини тайёрлаш университетлар, политехникумлар ва коллежларда амалга оширилади. Дастурлар ҳар хил: бакалавр унвонини олиш учун тўрт йиллик таълим; аспирантурада бир йиллик таълим; бошқа факультетларни битирганлар учун икки йиллик таълим; университет курсини тўлиқ битирмаган талабалар учун икки ёки уч йиллик таълим. Табиийки, битирувчилар малака даражалари, дипломлар ва сертификатлар оладилар.

АҚШда профессионал аттестация уч даражада амалга оширилади. Бакалавр унвони – биринчи профессионал даража. У тўрт йиллик таълимни тугатганларга берилади. Магистр унвони махсус ижтимоий иш мактабида икки йил таҳсил олгандан сўнг берилади. Докторлик унвонини олиш учун магистратурадан сўнг яна икки йиллик тайёргарликдан ўтиш талаб этилади. Бундан ташқари, турли ихтисосликлар бўйича “чуқурлаштирилган” курслар ва магистрлар учун таълимни давом эттириш дастурлари ҳам мавжуд. Курсни муваффақият билан тамомлаган талабаларга шаҳодатнома берилади. Бундан ташқари, маҳаллий коллежларда ижтимоий иш соҳасида техник (ёрдамчи) ходимлар тайёрлаш икки йиллик дастурлари амал қилади.

АҚШда касб-хунар таълими тизими беш ўқув дастурини назарда тутлади: инсон хулқ-атвори ва ижтимоий муҳит; ижтимоий таъминот сиёсати ва ижтимоий ёрдам хизматлари; ижтимоий иш амалиёти; илмий-тадқиқот фаолияти ва амалий фаолият.

Турли мамлакатларнинг ижтимоий ходимларини тайёрлаш ишида ўтган асрнинг 20-йилларида ташкил этилган Ижтимоий иш мактаблари халқаро уюшмаси (IASSW) муҳим роль ўйнайди. Унинг функцияларидан бири ижтимоий иш миллий таълим дастурларига баҳо бериш ҳисобланади. Унинг қошида ташкил этилган Ижтимоий иш

мактаблари халқаро кўмитаси (ICSSW) БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради.

Хорижий тажрибага бағишланган адабиётларда амалий ижтимоий иш умумий ва ихтисослашган фаолиятга ажратилади.

Умумий ижтимоий иш уч соҳани назарда тутди:

1. индивиднинг ижтимоий мослашуви ва уни реабилитация қилиш мақсадида индивидуал-шахсий ва оилавий даражадаги ижтимоий терапия;

2. ёш, жинс, қизиқишлар ёки ўхшаш муаммолар белгиларига кўра таснифланиши мумкин бўлган гуруҳлар билан ижтимоий иш олиб бориш;

3. яшаш жойи бўйича ижтимоий иш олиб бориш.

Барча мамлакатларда ихтисослашган ижтимоий иш ҳам ривожланган бўлиб, у билан аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, тиббиёт-реабилитация хизматларида, таълим муассасаларида, қариялар уйларида, пенитенциар муассасаларда, куролли кучларда шуғулланадилар.

Ижтимоий ходимларнинг иш ҳақига келсак (АҚШ), у ҳақда маълумотлар унча кўп эмас, лекин мавжудлари маошлар миқдорининг ранг-баранглигидан далолат беради. Бу ранг-баранглик одатда мутахассис ишлайдиган муассасанинг идоравий мансублиги билан белгиланади: хусусий ва ижтимоий агентлик, федерал ҳукумат, штатлар ҳукумати ёки маҳаллий ҳокимият органлари. Иш ҳақига географик омил ҳам таъсир кўрсатади: шаҳарда у қишлоқдагидан баландроқ. 80-йиллар бошида беқарор оилаларнинг яшаш шароитларини ўрганиш ва уларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ижтимоий иш бакалаврининг ўртача бошланғич иш ҳақи йилига 14,3 минг долларни ташкил этган. Хизматлар бўйича агентликлардаги назоратчилар учун – 18 минг. Магистр унвони ва бир йиллик стаж талаб этиладиган шифохоналар ва тиббиёт марказларидаги лавозимлар учун ўртача йиллик бошланғич маош 18 минг долларга тенг бўлган. Федерал ҳукуматга қарашли муассасаларда банд бўлганлар учун – 20 минг доллар. Хусусий амалиёт, маъмурий, ўқитувчилик ёки илмий-тадқиқот фаолиятини танлаган шахслар ўз ҳамкасбларидан кўпроқ маош оладилар.

Маълумки, ижтимоий иш психологик зўриқиш кучли бўлган фаолият турларидан бири сифатида тан олинган. Ижтимоий ходим ўз

фаолиятида стрессга сабаб бўлувчи кўп сонли профессионал рискларга дуч келади. Руҳий зўриқиш, фавқулодда вазиятда иш кўриш зарурияти, ўз ҳаракатларининг пировард натижасига ишончсизлик ва ҳоказолар ижтимоий ишда стресс омиллари ҳисобланади. Ушбу объектив омилларга ўзи ва бошқалар учун катта масъулият ҳисси каби субъектив омиллар ҳам кўшилиши мумкин.

Ижтимоий ишда ахлоқий принциплар ва муаммолар. Ижтимоий ишнинг самарадорлиги ижтимоий ходимга, унинг билими, тажрибаси ва шахсий фазилатларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Аммо мутахассиснинг профессионал масъулияти касбий ташкилотлар – Ижтимоий ходимлар уюшмалари томонидан қабул қилинган қадриятлар ва ахлоқий принциплар билан белгиланади. Ижтимоий ишнинг қадриятлари ва ахлоқий принциплари касб одоби кодексига акс эттирилган бўлиб, у амалий фаолиятда ўзига хос бир дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Кодекс касб эгалари ташкилотнинг муносиб аъзоси бўлиб қолиш учун амал қилишлари лозим бўлган хулқ-атвор қоидаларини белгилайди. Кўпгина касбларнинг одод кодекслари универсал қоидалар ва принципларга эга, лекин ҳар бир конкрет касбга алоҳида қоидалар ҳам хосдир.

Ижтимоий ходимларнинг касб одоби кодекси нималарни ўз ичига олади? Буни АҚШ ижтимоий ходимларнинг касб одоби кодекси мисолида кўриб чиқамиз.

АҚШ ижтимоий ходимларнинг касб одоби кодекси АҚШ Ижтимоий ходимлар миллий уюшмаси делегатлари Ассамблеясида 1979 йилда қабул қилинган. Кодексда баён этилган принциплар амр этувчи ва тақиқловчи хусусиятларга эга. Улар кодекснинг олти асосий қисмларида ифодаланган бўлиб, ижтимоий ходимларнинг бурчлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Кодекснинг биринчи қисми ижтимоий ходим хулқ-атворининг умумий масалалари ва унинг касбий вазифаларига бағишланган. Иккинчи қисмда ижтимоий ходимларнинг мижозлар олдидаги ахлоқий жавобгарлиги масалалари муҳокама қилинган. Учинчи қисм ижтимоий ходимларнинг ўз ҳамкасблари олдида жавобгарлигига бағишланган. Кодекснинг тўртинчи қисмида ижтимоий ходимларнинг иш берувчилар олдидаги ахлоқий масъулияти муаммолари муҳокама этилган. Кодекснинг бешинчи қисмида ижтимоий ходимларнинг ўз касби олдидаги ахлоқий масъулияти масалалари кўриб чиқилган. Ниҳоят,

кодекснинг олтинчи қисмида ижтимоий ходимларнинг жамият олдидаги мажбуриятлари белгиланган.

Лўнда қилиб айтганда, ижтимоий ходимларнинг касб одоби кодексига баён этилган принциплар ижтимоий ходимга ўз фаолиятида нимага интилиш лозимлигини кўрсатади. Айна вақтда улар ижтимоий ходим ўз вазифаларини бажариш жараёнида амал қилиши лозим бўлган алоҳида қоидаларни белгилайди. Мазкур қоидаларнинг бузилиши расман шикоят қилиш учун асос беради. Бундан ташқари, кодекс ижтимоий ходимларни улар амалда дуч келадиган ахлоқий муаммоларни ечишга ёрдам берувчи ахлоқий принциплар билан қуроллантиради. Сўнгги йилларда ижтимоий ходимлар бу муаммога жиддий эътибор бермоқдалар.

Ижтимоий ходимлар ўз фаолиятида уларнинг ишини оғирлаштирувчи турли хил ахлоқий муаммоларга дуч келадилар. Аксарият қийинчиликлар икки ёки ундан ортиқ қарама-қарши вазифалар ва мажбуриятлар ўртасида танлашни амалга ошириш зарурияти билан белгиланади. Масалан, АҚШ ижтимоий ходимларнинг касб одоби кодексига: “Ижтимоий ходим мижозларнинг фуқаролик ёки юридик ҳуқуқларини бузувчи ёки камситувчи ҳаракатларда иштирок этиши мумкин эмас”, дейилган. Аммо шу кодекснинг ўзида: “Ижтимоий ходим иш берувчи ташкилот олдида ўз мажбуриятларига риоя этиши лозим”, деб кўрсатилган. Ҳуқуқлар берилган муассаса сиёсати мижозларнинг фуқаролик ҳуқуқлари бузилишига олиб келса, мазкур икки принцип бир-бири билан қандай тўқнашишини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

Қуйида АҚШ ижтимоий ходимларнинг касб одоби кодексига белгиланган принципларнинг айримларига батафсилроқ тўхталамиз.

Махфийлик ва жамият манфаатлари. Ижтимоий ходимлар мижоздан олинган маълумотлар сир сақланиши лозим, деган қоидага риоя қилишлари шарт. Бироқ айрим ҳолларда, масалан, мижоз учинчи шахсга зиён етказиши хавфи мавжуд бўлган ҳолда ижтимоий ходимлар ахборотни ошкор этишга мажбур бўладилар. Бу ҳол кодексда эътиборга олинган: “енгиб бўлмас сабаблар”га кўра мутахассислар ахборотни ошкор этишлари мумкин.

Ҳақиқатни гапириш зарурилиги ва мижоз манфаатлари. Ижтимоий ишда мижознинг ўз ҳолати ва фаровонлиги билан боғлиқ ишлар ҳақида ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқи билан боғлиқ принцип бор. Аммо

айрим ижтимоий ходимлар фавқулодда ҳолларда ҳақиқатни яшириш ва ёлғон ахборот бериш мумкин ва ҳатто зарур деб ҳисоблайдилар. Масалан, миждани унга зиён етишидан сақлаш лозим. Шунга қарамай, аксарият ижтимоий ходимлар мижданинг ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқини камситиш мумкин эмас, деган фикрда собитлар.

Келтирилган мисоллар ижтимоий ходим ҳолатининг мураккаблигини кўрсатади. Ижтимоий иш касби ривожланиб боради ва унда юз берувчи ўзгаришлар янги ахлоқий муаммолар ва масалаларга сабаб бўлиши шубҳасиздир. Масалан, компьютер технологиясининг ривожланиши хабарларнинг шахсий ва махфийлигига доир масалаларни кун тартибига қўйишда давом этмоқда. Тиббиёт ривожланиши билан яшаш ҳуқуқи ва ўлиш ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар пайдо бўлмоқда.

Бундан ташқари, янги фаолият соҳалари яратилмоқда ва улар ҳам янги ахлоқий масалалар ва қадриятларга доир муаммолар туғилишига олиб келмоқда. Масалан, ихтисослашган хусусий амалиёт сезиларли даражада кенгайиши натижасида реклама қилиш одоби, нотўғри амалиёт, гонорарлар ва компетенциянинг мувофиқ эмаслиги муаммолари пайдо бўлмоқда.

Ижтимоий иш келажагини аниқ башорат қилиш мумкин эмас, лекин шу нарса аниқ ва равшанки, бу касбда қадриятларга доир ва ахлоқий муаммолар бундан буён ҳам муҳим роль ўйнашда давом этади.

ҲОЗИРГИ ДУНЁДА АҲОЛИГА ИЖТИМОЙ МАДАД КЎРСАТИШНИНГ АСОСИЙ МОДЕЛЛАРИ

Асосий масалалар:

1. Ҳозирги дунёда аҳолига ижтимоий мадад кўрсатишнинг асосий моделлари.
2. Европа мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.
3. АҚШда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими.

Ҳозирги дунёда аҳолига ижтимоий мадад кўрсатишнинг асосий моделлари. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ижтимоий барқарорликни ва жамиятнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш институтларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун меҳнатга қобилиятли аҳолини ижтимоий рисклардан ҳимоя қилишнинг самарали механизми зарур. Қуйидагилар ижтимоий рисклар ҳисобланади: касаллик, ногиронлик, боқувчисини йўқотиш, жароҳатланиш, ишсизлик, миграция, турар жойсиз қолиш, қарилик, қашшоқлик. Мазкур рискларга ҳар қандай одам ўз умри мобайнида дуч келиши мумкин.

Ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш деганда аҳоли турли қатламларининг, энг аввало ижтимоий ночор аҳолининг ҳаётини қувватлашга қаратилган, қонун йўли билан белгиланган иқтисодий, ижтимоий ва юридик кафолатлар ҳамда уларни амалга оширишни таъминловчи ижтимоий институтлар ва муассасалар мажмуи тушунилади.

Ижтимоий ҳимоя объекти – аҳолининг барча гуруҳлари. Аммо бунда аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий ночор қатламлари, чунончи: кам даромадли оилалар, ногиронлар, қариялар, етим болалар, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар, экологик ҳалокатлардан жабрланганларга алоҳида эътибор қаратилади.

Жаҳон амалиётида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг икки типи – фаол ва пасив ижтимоий ҳимоя фарқланади. Фаол ижтимоий ҳимоя жамиятнинг меҳнатга қобилиятли аъзоларига қараб мўлжал олади ва кишилар ўз-ўзини ҳимоя қилишлари учун шарт-шароитлар

яратишни назарда тутади. Бу энг аввало меҳнат бозоридаги фаол ҳаракатлар ва ижтимоий суғурталашда уларнинг фаол иштироки орқали амалга оширилади. Пассив ижтимоий ҳимоя аҳолининг меҳнатга қобилиятсиз ва ижтимоий ночор қатламларига қараб мўлжал олади ва энг аввало бевосита моддий мадад кўрсатишга асосланади.

Шу туфайли ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг моҳиятини тушунишга нисбатан икки хил ёндашув мавжуд:

1. ижтимоий ҳимоя – фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини янги ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб ижтимоий таъминлаш;

2. аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш – айрим тоифадаги кишиларга кўрсатиладиган адресли ижтимоий ёрдам (ижтимоий тўловлар, натурал ёрдам, ижтимоий хизматлар).

Халқаро меҳнат ташкилоти ижтимоий ҳимояга ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдамни киритади. Мазкур ташкилот конвенцияларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий принциплари таърифланган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий тизимлари айна шу конвенцияларга мувофиқ конкрет мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таркиб топтирилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ва профессионал ижтимоий иш бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Профессional фаолият тури сифатида ижтимоий иш зарурий қонунчилик ва норматив база, ривожланган инфратузилма, тайёрланган кадрлар мавжудлигини назарда тутади. Ҳозирги вақтда иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ранг-баранг ташкилий-ҳуқуқий шакллари қўлланилади. Ҳозирги вақтда ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг айниқса кенг тарқалган шакллари ҳисобланади.

Европа қитъасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ривожланиши узок тарихга эга. 1607 йилда қиролича Елизавета барча қонунлар ва фармонларни битта “Қашшоқлар тўғрисида қонун”га бирлаштиради. Бу қонун узок вақт амал қилади, кўп карра қайта кўрилади, вақт ўтиши билан унга кўп сонли ўзгартиришлар киритилади. Бу ўзгартиришлар ижтимоий ёрдамга янада инсонийроқ тус беради. Масалан, XIX аср ўрталаридаёқ Англияда конкрет ижтимоий гуруҳларга ёрдам кўрсатиш адресли дастурлари мавжуд

бўлган. Ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси тобора кенгайиб борган.

1909 йилдан Буюк Британияда кўп сонли янги қонунлар қабул қилинади ва уларда оммавий онг ва ижтимоий сиёсатда юз берган ўзгаришлар акс этади. 1911 йилда касаллик ва ишсизлик ҳолати учун эҳтиёт шарт мажбурий суғуртани жорий этувчи миллий суғурта тўғрисида қонун қабул қилинади. 1925 йилда қарилик пенсияси тўғрисида ва бевалар ва етимларга нафақалар тўғрисида қонунлар қабул қилинади. 1929 йилда қабул қилинган маҳаллий маъмурият тўғрисидаги қонунга мувофиқ ижтимоий ёрдам кўмиталари ташкил этилади. Улар маҳаллий маъмуриятга (графлик кенгашига) бўйсунди ва жойларда ижтимоий ишни амалга оширади. 1934 йилда ишсизлар тўғрисида қонун қабул қилинади ва унга мувофиқ суғурталанмаган шахсларга ёрдам кўрсатилади, пенсионерлар ва беваларга қўшимча нафақалар тўланади. Шундай қилиб, XX асрнинг 30-йилларида Буюк Британияда ишсизлар, бевалар, етимлар ва уруш ногиронлари марказлаштирилган ёрдам олиб турадилар.

Европанинг бошқа мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимлари бу қадар узоқ тарихга эга эмас. Аммо Германия, Швеция, Дания, Финляндия каби мамлакатларда ижтимоий ҳимоя аҳолининг барча гуруҳлари учун қонунчилик, иқтисодий ва ижтимоий кафолатлар тизими сифатида тахминан бир вақтда – XIX аср охирида шакллана бошлаган.

АҚШда федерал ҳукумат шифохоналар, агентликлар ташкил этган бўлса-да, лекин аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини узоқ вақтгача белгиламаган. Тадқиқотчилар бунини АҚШ давлатининг вужудга келиш хусусиятлари билан боғлайдилар. Қўшма Штатларда ҳар бир инсон ўз бахтини ўз қўли билан яратади ва давлат унинг ҳаётига аралашмаслиги керак, чунки ҳар бир одамнинг тақдири тангри томонидан белгиланади, деб ҳисобланган. 1935 йилда президент Рузвельт ижтимоий суғурта тўғрисида қонун қабул қилади. Бу қонунда қарилик бўйича суғурта ва ишсизлик бўйича нафақалар тўлаш назарда тутилади. Тадқиқотчилар мазкур қонуннинг қабул қилиши билан АҚШда замонавий ижтимоий таъминот тизими асос солинган деб ҳисоблайдилар.

Чет эл мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимларининг ривожланишига “умумий фаровонлик давлати”

концепцияси кучли таъсир кўрсатган. Ушбу концепциянинг асосий принципларини илк бор 1942 йилда таниқли инглиз иқтисодчиси У.Бевеиж таърифлаб берган. Мазкур концепциянинг асосий ғояси шу билан белгиланадики, умумий фаровонлик давлати шундай бир давлатки, у барча фуқароларга муайян турмуш даражасини қувватлаш, соғлиқни сақлаш ва маълумот олиш ҳуқуқларини кафолатлаши, мазкур дастурларни молиялаштиришда мамлакат аҳолиси иштирок этиши учун имконият яратиши лозим.

70-йилларнинг ўрталарини тадқиқотчилар ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг ривожланишида бурилиш ясаган давр деб ҳисоблайдилар. Иқтисодий инқироз Ғарбнинг кўпгина мамлакатлари консерватив сиёсатга қайтишига сабаб бўлди. Иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиши натижасида бюджетга солиқ тушумлари қисқара бошлади, бу эса ижтимоий дастурларни молиялаштириш имкониятини торайтирди. Турли мамлакатларнинг ҳукуматлари кўраётган чоралар ижтимоий таъминотга давлат маблағлари сарфланиши устидан янада қаттиқроқ назорат ўрнатишга қаратилди. Нодавлат пенсия жамғармалари ташкил этилишини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари берилди. Илгари текинга кўрсатилган айрим ижтимоий хизматлар пуллик тус олди. Кўпгина мамлакатларда пенсия ёшини ошириш тўғрисидаги масала муҳокама қилина бошлади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ўн йилликлар мобайнида тўпланган тажриба бозор иқтисодиёти мамлакатларининг ижтимоий фаолият амалиётида умумий ва хусусий жиҳатларни аниқлаш имкониятини беради. Чунончи, деярли барча мамлакатлар қариллик, касаллик, ногиронлик, ишсизлик ҳолатлари учун эҳтиёт шарт ижтимоий суғурталашдан фойдаланадилар ва аҳолининг иқтисодий ночор қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатадилар.

Европа мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш. Ғарбий Европанинг деярли барча мамлакатларида ижтимоий хавф ҳолати учун эҳтиёт шарт ижтимоий суғуртадан фойдаланилади ва аҳолининг иқтисодий ночор қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Аммо бу мамлакатларда ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам тизимлари ҳар хил хусусиятларга эга. Умуман олганда бундай мамлакатларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1. суғурта принциплари етакчилик қиладиган, тўловлар ва нафақаларнинг миқдорлари индивидуал суғурта бадаллари билан боғланган мамлакатлар;

2. суғурта принциплари иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган, нафақалар ва тўловларнинг миқдорлари индивидуал эҳтиёжларга кўпроқ мувофиқ келадиган, молиялаштириш эса асосан солиқ фондларидан амалга ошириладиган мамлакатлар;

3. дастлабки икки сиёсат ўртасида оралиқ ўринни эгалловчи мамлакатлар;

4. аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимлари эндигина шаклланаётган мамлакатлар.

Европанинг барча мамлакатларида ижтимоий ҳимоя кўп функцияли хусусиятга эга. Одатда, у инсон ўз умри мобайнида дуч келиши мумкин бўлган асосий ижтимоий рискларга мувофиқ келувчи 11 функцияни бажаради.

Касаллик rischi: тўловлар меҳнат қила олмаслик натижасида бой бериладиган даромадларни тўлиқ ёки қисман қоплашга мувофиқ келади; тиббий хизматлар ҳақи тўлиқ ёки қисман қопланади.

Ногиронлик rischi: меҳнат қобилиятини тўла йўқотган шахсларга пенсия ва нафақалар тўлаш; ногиронлик билан боғлиқ тиббий хизматлар кўрсатиш; реабилитация бўйича харажатлар.

Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбий касалликка йўлиқиш rischi: пенсия ва нафақалар, компенсациялар тўлаш ва тўғридан-тўғри тўловларнинг бошқа шакллари; реабилитация харажатлари ва ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг бошқа шакллари.

Боқувчисини йўқотиш rischi: тегишли пенсия ва нафақалар, ўлимидан кейинги нафақа, дафн этиш хизматлари.

Ишсизлик rischi: тўлиқ ёки қисман ишсизлик билан боғлиқ нафақа; ҳокимият органлари ташкил этган вақтинчалик ёки эпизодик меҳнатга ҳақ тўлаш.

Миграция rischi: меҳнат ресурсларининг бир жойдан бошқа жойга кўчиши, уларни ўқитиш, малакасини ўзгартириш билан боғлиқ харажатлар; собиқ ишсизлар янги яшаш жойига кўчиши билан боғлиқ нафақалар.

Яшаш жойини йўқотиш rischi: аҳолининг айрим тоифаларига турар жой ва коммунал хизматларга ҳақ тўлаш учун субсидиялар.

Оналик риски: ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақалар тўлаш; она ва болага тиббий хизматлар кўрсатиш ҳамда ҳомиладор ва туққан аёлларни таъминлашнинг бошқача шакллари.

Оилавий нафақалар: қарамоқдаги болаларга нафақалар, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатидаги натурал ёрдам, йўлланмаларга ҳақ тўлаш, уйда ёрдам кўрсатиш ва ш.к.

Бошқа турдаги ижтимоий ёрдам: камбағалларга кўшимча хизматлар кўрсатиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш харажатлари, ҳарбий ҳаракатлар ва табиий офатлардан жабрланганларга нафақалар ва ш.к.

Турли мамлакатларда нафақаларга харажатлар ҳам бир хил эмас. Буни оилага ёрдам кўрсатиш мисолида кўриб чиқамиз. Туғилишнинг қисқариши аксарият мамлакатларни ташвишга солмоқда. Шу туфайли ҳам кўпгина мамлакатлар оилага ёрдам кўрсатиш сиёсатига жиддий ўзгартиришлар киритганлар. Масалан, Францияда 80-йилларнинг бошларида кўп болали оилалар фойдасига қонунлар қабул қилинган. Хусусан, уч ва ундан ортиқ болали оилалар ўртача иш ҳақининг учдан бири миқдорида нафақа ола бошлаганлар.

Барча мамлакатларда болаларга тўланадиган нафақаларнинг миқдорлари ҳар бир янги бола туғилиши билан ошиб боради. Ирландия, Нидерландия, Португалия ва Буюк Британия бундан мустасно бўлиб, бу ерда нафақа миқдори иккинчи ва учинчи бола туғилганида ўзгармайди. Бельгия, Германия, Италия ва Францияда нафақалар миқдори иккинчи боладан эътиборан сезиларли даражада ошади.

Европада тўлиқ бўлмаган оилалар муаммоси ҳам кескин бўлиб турибди. Деярли барча мамлакатларда бундай оилалар учун махсус нафақалар бор, лекин тўлов шартлари бир хил эмас. Масалан, Грецияда фақат ёлғиз она нафақа олиши мумкин. Испания ва Португалияда айрим вилоятлардагина маҳаллий ҳокимиятлар бундай нафақа тўлайдилар. Францияда нафақа суммаси бола 3 ёшга тўлгунга қадар ўртача иш ҳақи миқдорининг 50% ни ташкил этади. Бошқа мамлакатларда бу сумма анча кам.

Сўнгги йилларда юз берган демографик ўзгаришлар кўпгина мамлакатларни кекса фуқароларга ёрдам кўрсатиш тизимини қайта кўришга мажбур қилди. Энг аввало муаммолар пенсия хизматлари кўрсатиш соҳасида юзага келди, чунки қарилик пенсияси олувчилар

сони сезиларли даражада кўпайди. Ишсизлик даражасининг баланддиги бу муаммони янада кучайтирди. Айти ҳол кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматларини ишга лаёқатли ёшларга иш жойларини бўшатиш учун пенсияга барвақт чиқишни ташкиллаштириш имкониятларини излашга мажбур қилди. Масалан, Бельгияда 50 ёшдаёқ пенсияга чиқиш мумкин. Агар ишдан бўшаш фирма эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлса, қариялар иш ҳақининг 80% миқдорида пенсия оладилар. Тўлов маблағларининг асосий қисми ишсизлик бўйича суғурта ҳисобидан тушади, лекин муайян улушни иш берувчи таъминлаши ҳам мумкин. Францияда кекса ишловчилар ишдан бўшатиладиганда, агар уларнинг иш берувчиси уларнинг ўрнига 26 ёшга тўлмаган ишсизларни ёлласа, олдинги иш ҳақининг 70% миқдорида барвақт пенсияга чиқиш нафақасини олишлари мумкин. Бу нафақа ишсизлик бўйича суғурта жамғармаси ва ҳукумат фондидан молиялаштирилади.

Шунга қарамай, сўнгги йилларда амалга оширилган пенсия ислохотлари айрим мамлакатларда пенсия ёшини аста-секин оширишни назарда тутди.

АҚШда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими. АҚШда ижтимоий таъминот тизими мураккаб ва ранг-барангдир. Ягона умуммиллий марказлаштирилган ижтимоий таъминот тизими АҚШда мавжуд эмас. У ё федерал қонунчилик, ё штат қонунчилиги, ё федерал органлар ва штатларнинг ҳокимият органлари ҳамкорликда тартибга солувчи турли дастурлардан таркиб топади.

Айрим дастурларни маҳаллий ҳокимиятлар ҳам қабул қиладилар.

АҚШда давлат ижтимоий таъминот тизимининг икки йўналиши фарқланади: ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам. Улар молиялаштириш манбаларига кўра бир-биридан ажралиб туради. Ижтимоий суғурта тўловлари ижтимоий суғурта солиғи ҳисобидан таркиб топтирадиган суғурта жамғармаларидан амалга оширилади. Давлат ёрдами бюджет маблағларидан: федерал бюджет, штатларнинг бюджетлари ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилади.

1935 йил 14 августда қабул қилинган фуқаролик қонуни ижтимоий суғурта тўғрисидаги биринчи қонун ҳисобланади. Вақт ўтиши билан унга кўп сонли тузатишлар киритилди ва улар билан ижтимоий суғуртанинг янги шакллари жорий этилди.

1935 йил қонунида ижтимоий суғуртанинг икки тури: қариллик бўйича (пенсия) ва ишсизлик бўйича (нафақа) белгиланган. Қонунда ногиронлар ва етимларга ёрдам кўрсатиш имконияти ҳам назарда тутилган. Пенсиялар илк бор 1937 йилда тўланган. 1939 йилда қонунга оила боқувчисини йўқотганлик учун нафақат тўлашни назарда тутувчи тузатиш киритилган.

Қариллик бўйича давлат пенсиясини тўла ҳажмда 65 ёшга тўлган эркаклар ва аёллар олишлари мумкин. Тўлиқ пенсия олиш учун зарур меҳнат стажи – 35 йил. Агар стаж камроқ бўлса, пенсия ҳам камайтиради. 62 ёшда пенсия тўлаш имконияти назарда тутилган, лекин бу ҳолда пенсия нафақаси 20% га камаяди.

Медикэр – пенсионерларга тиббий хизматлар кўрсатиш дастури. У 1965 йилда ташкил этилган. Унинг шартларига кўра суғурталаш асосий ва қўшимча қисмларга ажратилади. Асосий қисм ижтимоий суғурта солиши ҳисобидан молиялаштирилади. Бу пуллар стационарда даволашга йўналтирилади. Қўшимча суғурталаш ихтиёрий ҳисобланади ва федерал бюджетдан ва иштирокчиларнинг бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади. У амбулаторияда даволаш ва шифокорларнинг маслаҳат хизматлари учун ҳақ тўлашга йўналтирилади.

АҚШ давлат ижтимоий таъминот тизимининг бошқа бир қисми қашшоқларга ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бу тизим ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб нисбатан кенг ривожланган. Ижтимоий суғурта тизимидан фарқли ўлароқ, бу ерда ёрдам олиш учун олдиндан махсус бадаллар киритиш талаб этилмайди. Ёрдам кўрсатиш учун мезон бўлиб айнан муҳтожлик хизмат қилади. Муҳтожлик даражасини аниқлаш учун 1964 йилда “қашшоқлик чегараси” тушунчаси муомалага киритилган. Мамлакатда қашшоқликнинг расмий мезонини ишлаб чиққан муаллифлар ўз ҳисоб-китобларида тўрт кишидан иборат оила учун минимал парҳез қийматига таянганлар. Улар қашшоқ оила овқатланишга ўз даромадларининг учдан бир қисмини сарфлайди, деган хулосага келганлар ва оила учун минимал зарурий даромад суммасини унинг учун минимал даражада етарли бўлган овқатланиш қийматини белгилаш йўли билан аниқлашни таклиф қилганлар. Айни шу сумма “қашшоқлик чегараси” деган ном олган. 1989 йилда 14 минг доллардан иборат йиллик даромад “қашшоқлик чегараси” ҳисобланган (Чорбинский). Шу даврда АҚШ оиласи учун ўртача йиллик даромад тахминан 29 минг долларни ташкил қилган.

Амалда қашшоқларга ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган дастурлар анчагина. Адабиётларда 70 га яқин майда ва бир неча йирик дастурлар қайд этилади. Энг муҳим дастурлар қуйидагилардир: кафолатланган даромадни таъминлаш дастури, муҳтож болали оилаларга ёрдам дастури, озик-овқат дастури, турар жой субсидиялари дастури ва тиббий ёрдам дастури (Медикейд).

ҲОЗИРГИ ШАРОИТЛАРДА БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Асосий масалалар:

1. Тарбияси оғир ўсмирлар, уларнинг хусусиятлари, хулқ-атворидаги турли оғишлар.
2. Болалар хулқ-атворида агрессивликнинг сабаблари.
3. Қайта тарбиялаш усуллари.

Тарбияси оғир ўсмирлар, уларнинг хусусиятлари, хулқ-атворидаги турли оғишлар. 11-16 яшар ўғил болалар ва қиз болаларни биз ўсмирлар деб атаймиз. Бу шахснинг болалиқдан етуклик сари ривожланиш давридир. Бу давр хусусиятлари ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Аммо бу жисмоний етилишгина эмас, балки шахснинг маънавий камол топиш даври ҳамдир.

Жисмоний ривожланиш жадал суръатларда ўсиш, вазннинг ортиши, мускуллар тизими, мия ва нерв системасининг ривожланиши билан тавсифланади. Шу даврда маънавий ўсиш ҳам юз беради, ўсмирнинг эътиқодлари шаклланади ва улар жамоатчилик фикри билан доим ҳам мувофиқ келмайдими. Бу даврда бола ўзини шахс сифатида англай бошлайди ва айна ҳол ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига олиб келади. Бу даврда ўсмирнинг характери шакллана бошлайди, у ўзини атрофдаги тенгдошлари билан таққослайди.

Тарбияси оғир ўсмирлар – бу педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган болалар. Улар жисмонан соғлом, лекин таълим ва тарбия кўрмаган. Улар ўқишда ўз тенгдошларидан оқсайдилар, чунки уларнинг хотираси, зеҳни ва тафаккури ривожланмаган. Улар меҳнат қилишни ёқтирмайдилар, бир иш билан сурункали шуғуллана олмайдилар, фақат ўзларига қизиқарли бўлган машғулот билан шуғулланадилар. Тарбияси оғир ўсмирлар интизом ва тартибни бузадилар, ўқишни истамайдилар, ўқитувчилари, тенгдошлари ва ота-онаси билан конфликтлашадилар. Улар кўпина уйдан қочиб кетадилар, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қиладилар, қонунларни бузадилар.

Ўсмирлик даврида боланинг ўз тенгдошлари ва катталар билан ўзаро муносабатлари тизимлари шакллана бошлайди. Ўсмир катталар даврасига қўшилишга, уларнинг суҳбатларида иштирок этишга ҳаракат

қилади. Ўсмирдан ниманидир яширсалар, унинг гапига кулоқ солмасалар, бу унга оғир ботади. Ўсмирнинг шахсий ва ёшга доир хусусиятларини тушунмаслик туфайли юзага келувчи конфликтли вазиятлар боланинг кайфиятини бузиши мумкин. Натижада у тарбияси оғир ўқувчилар қаторига тушиб қолади.

Ҳаёт учун хавфли бўлган меъёрдан оғишлар ўз жонига суиқасд қилишга уринишга айланади. Ўсмирлар ўз келажаги ҳақида ўйламасдан ўқишни ташлайдилар. Қочоқлар орасида ўсмирлар кўпроқ қайд этилган. Асосий сабаб – оиладаги ёмон муомала. Қочоқ ўсмирларнинг бир қисми эркинликка, мустақилликка интилиш таъсирида оилани тарк этади.

Психологлар томонидан тарбияси оғир болаларнинг типлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар катталарнинг турли хил ёндашувини талаб этади. Масалан, бир бола мустақил шахс сифатида камол топиши учун унга ижтимоий педагогнинг аралашуви талаб этилади; бошқа бир ўсмирни у лидерга айланиши учун жамоатчилик ишига жалб қилиш ёки у ўзини ижобий томондан намоён этиши мумкин бўлган бошқа хил фаолиятга жалб этиш талаб қилинади. Одамови ўсмирларда мулоқот маданиятини шакллантириш зарур.

Ижтимоий педагог ўз ишида тез толиқадиган, жиззаки, депрессияга мойил, ёмон кайфият устунлик қилувчи ўсмирларга дуч келади. Ижтимоий педагог ишда тарбияси оғир болалар ва ўсмирларнинг барча хусусиятларини эътиборга олиши лозим.

Болалар хулқ-атворида агрессивликнинг сабаблари. Боланинг агрессив ҳаракатларини илк болалик давридан бошлаб кузатиш мумкин. Ҳаётнинг дастлабки йилларида улар импульсив тарзда намоён бўлади. Бола ўсиши билан ҳаётнинг иккинчи йилидаёқ унинг хулқ-атворида мустақиллик ортади. Уч ёшга тўлганда бола кўпроқ ўжарлик қила бошлайди ва бу ҳол ота-она шикоятларига сабаб бўлади. Бу ерда ота-онанинг жавоб реакцияси тарзида жиддий ҳолат кузатилади. Илгари боланинг ўжарлиги, эркаликлари ота-онада ён бериш тарзида жавоб реакциясини уйғотган бўлса, энди бола тақиққа дуч келади. Унинг қизиқишлари ва ота-онанинг тақиқи конфликтли вазиятга сабаб бўлади. Катталарнинг бола хулқ-атворини “тўғри йўлга солиш” борасидаги ҳаракатлари болада ўта салбий муносабат уйғотади.

Америкалик психолог Карен Хорни фикрига кўра, ота-она билан муносабатларда болада хавфсизлик ҳиссини бузувчи барча омиллар

амалда базал таҳликага олиб келади. *Базал таҳлика* – дунёда ўзини ёлғиз ҳис қилиш, умуман дунёга душманлик кўзи билан қараш. Болаликка икки хил эҳтиёж хос: ўз эҳтиёжлари қондирилишига бўлган эҳтиёж ва хавфсизликка бўлган эҳтиёж. Биринчи эҳтиёж барча биологик омиллар – овқатланиш, иссиқлик ва уйқуга бўлган эҳтиёжларни қамраб олади. Аммо биринчи ўринда хавфсизликка бўлган эҳтиёж туради. Лўнда қилиб айтганда, бола ўзини яхши кўришларини ва ҳимоя қилишларини истайди. Бу ерда бола тўлалигича ота-онасига қараб бўлади. Агар улар болага меҳр-муҳаббат кўрсатсалар, пировардида соғлом шахс шаклланади. Акс ҳолда шахснинг патологик ривожланиши юз бериши мумкин. *Базал душманлик* – болада ўзини рад этувчиларга, ўзи билан ёмон муомалада бўлувчиларга (шу жумладан ота-онасига) нисбатан душманлик ҳисси. Бу ҳолда боланинг хатти-ҳаракатлари кўрқув, ожизлик ҳислари билан белгиланади. Кейинчалик базал душманлик ва таҳлика негизида неврозлар пайдо бўлиши мумкин.

Социологик тадқиқотлар ўсмирларнинг девиант хулқ-атвори сабаблари кўп сонли эканлигини кўрсатади. Сўровдан ўтказилган ўсмирларнинг 25% ўзаро жанжаллар учун жиддий сабаб сифатида ҳасад, хусумат, дарғазаблик, хиёнат, сурбетлик, кўрсликни кўрсатганлар. Ўсмирларнинг 29% бирон-бир сабаб туфайли эмас, балки бекорчиликдан жанжаллашишларини тан олганлар. Ўсмирларнинг 19% ўз кучини кўрсатиш, обрў-эътибор орттириш учун жанжаллашади.

Тадқиқотлар ўсмирларнинг аксарияти (51%) ўзи қизиққан иш билан шуғулланиш имкониятига эга эмасликларини кўрсатади. Болалар ўз бўш вақтларини кўпинча телевизор кўриб, компьютер ўйнаб, кўчада тенгдошлари билан сайр қилиб, мусиқа эшитиб ўтказадилар. Камдан-кам ҳолларда ўсмирлар бадий адабиётлар мутолаа қиладилар (18%), спорт билан шуғулланадилар (24%). Ўсмирларнинг кўпчилиги (30%) концертлар, кўرғазмаларга ҳеч қачон бормаганлар.

Сўров натижаларининг таҳлили аксарият ўсмирлар (60%)нинг шахслараро мулоқот доираси анча кенг деган хулосага келиш имкониятини беради. Ўсмирларнинг оз қисми (тахминан 20%) дўстлари озлиги ёки битталигини тан оладилар. Бундан ташқари, ўсмирларнинг 14% дўстлари эмас, балки танишлари, ошна-оғайнилари борлигини қайд этадилар. Айрим ўсмирлар ўзларини ёлғиз ҳис қиладилар. Дўст топишга интилиш ўсмир доим ҳам ижобий йўналишда

бўлавермайдиган ноформал гуруҳга қўшилишига туртки берувчи омиллардан бирига айланиши мумкин.

Шундай қилиб, тарбияси оғир ўсмирлар пайдо бўлишининг бош сабабларидан бири – болага психологик мададнинг етишмаслигидир.

Қайта тарбиялаш усуллари. Тарбияси оғир болалар ёки ўсмирлар билан ишлаш албатта қайта тарбиялаш педагогик жараёнини назарда тутди. Қайта тарбиялаш – бу бола ёки ўсмир хулқ-атворида турли хил оғишларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш.

Қайта тарбиялаш – тарбияланувчи учун ҳам, тарбиячи учун ҳам оғир жараён. Тарбияланувчини янги ҳаёт йўлининг истиқболлари қизиқтириши лозим. Тарбиячи инсонга ишонч билдириши, унинг келажагини тасаввур қилиши даркор. Ижтимоий-педагогик фаолиятда меъёрдан оғувчи хулқ-атвори бартараф этишнинг етакчи усули сифатида реабилитация ва коррекция жараёнидан фойдаланилади.

Қайта ижтимоийлашув – ижтимоий мақомни тиклаш, бой берилган ёки шаклланмаган ижтимоий кўникмаларни шакллантириш, вояге етмаганларнинг ижтимоий мўлжалларини ўзгартириш ташкиллаштирилган ижтимоий-педагогик жараёни. Қайта ижтимоийлашув – индивидуал жараён. Ижтимоий педагог ўсмирлар билан ишлаш учун асосий гуруҳларни ажрата олиши лозим.

1-гуруҳ – фаол қўшилувчи ўсмирлар. Уларда мослашув даври тез ўтади. Одатда бу ўсмирлар серғайратлиги, қизиқувчанлиги ва лидерликка мойиллиги билан ажралиб туради.

2-гуруҳ – фаол қаршилик кўрсатишга мойил бўлган, интизом талабларига бўйсунмасликка ҳаракат қилувчи ўсмирлар. Бундай болаларга нисбатан ижтимоий педагог дастлаб сабр-тоқатли бўлиши, улар билан муносабатларни кескинлаштирмаслиги, лекин айна вақтда мажбуриятларни бажариш зарурлигини уларга тушунтириши лозим.

3-гуруҳ – пассив, иродаси бўш, барқарор қизиқиш ва майлларга эга бўлмаган ўсмирлар. Бу ҳол уларнинг мослашувини қийинлаштиради, индивидуал назоратни талаб қилади.

4-гуруҳ – акселижтимоий майллари ва мўлжаллари мустаҳкам бўлган ўсмирлар. Улар ўз тенгдошлари учун жиддий хавф туғдиради. Уларни аниқлаш, алоҳида назорат остига олиш ва уларнинг таъсирини тўхтатиш лозим.

Коррекция – қайта тарбиялаш жараёнининг шахс ривожланишини ўзгартирувчи таъсирлар билан бирикмаси. Коррекция куйидаги функцияларни бажаради:

- *тиклаш функциясини*, у ўсмирда илгари бўртиб намоён бўлган ижобий фазилатларни тиклашни назарда тутлади;
- *рағбатлантириш функциясини*, у ўсмирнинг ижобий жамоатчилик фаолиятини фаоллаштиришга қаратилади, маъқуллаш ёки қоралаш воситалари ёрдамида амалга оширилади;
- *ахлоқ тузатиш функциясини*, у ўсмирнинг салбий хоссаларини тузатиш билан боғлиқ.

Реабилитация – бузилган функцияларни тиклашга қаратилган тиббий, ижтимоий-иқтисодий, педагогик, профессионал чоратadbирлар мажмуи. Реабилитация стихияли ва ташкиллаштирилган бўлади. Стихияли реабилитацияда шахс ўзини қуршаган муҳит билан муносабатларни ўзи учун мақбул бўлган даражада ўзи йўлга қўяди. Ижтимоий реабилитация жараёни давомли хусусият касб этади. Ташкиллаштирилган реабилитация тиклаш муддатларини қисқартириш, профессионал ёрдам ҳисобига сифатни ошириш мақсадини кўзлайди.

Ижтимоий педагог тарбияси оғир болалар билан ишлар экан, юзага келган инқироздан чиқиш ва ўз ҳаётини мустақил ўзгартиришда уларга ёрдам бериш мақсадини кўзлайди. Бу жараёнда тарбияланувчи ўз хатти-ҳаракатларига ўзи баҳо беришни, уларнинг ижобий ва салбий томонларини аниқлашни, бўлғуси хулқ-атвор йўллариини мустақил топишни ўрганиши муҳимдир.

Ижтимоий педагогнинг мактабда олиб борадиган асосий фаолияти тарбияси қийин ўспиринлар билан боғлиқ. Ўспиринлар – 12-16 ёшдагилар бўлиб, ривожланишнинг болаликдан ўсмирликка ўтиш даврини бошидан кечираётганлардир, бу давр шахснинг шаклланишида ўта муҳим, шу боис ҳам ўспиринлар ва тарбиячилар учун жуда қийин саналади.

Ўспиринлик ёшида яшаш ва фаолият шароитлари жиддий ўзгаради. Ўспирин психикасида қайта қуриш содир бўлади, тенгдошлари билан мулоқотнинг янги шакллари юзага келади. Бу босқич болалик ва катталиқ ўртасидаги чегара, яъни шахсни катта деб санаш учун етарлича ривожланмаган, айтини вақтда шунчалик ривожланганки, атрофдагилар билан муносабатларга онгли киришиши мумкин, ўз

хатти-ҳаракати ва хулқ-атворида ижтимоий меъёр қоидаларига амал қила олади.

Ўспириннинг жамоадаги ижтимоий мавқеида ўзгаришлар рўй беради, ота-оналар, ўқитувчиларнинг унга нисбатан талаблари ортиб бориши кузатилади.

Бу ёшда ўспириннинг оила ва мактабдан вақтинча психологик узоқлашуви рўй беради, уларнинг ўспирин шахси тикланишидаги аҳамияти пасаяди, тенгдошлар таъсири эса ортади. Кўпинча расмий ўспирин жамоа ва мулоқотнинг норасмий гуруҳини танлаши керак бўлади. Ўспирин ўзини қулай ҳис этган, унга ҳурмат билан муносабатда бўлган муҳит ва гуруҳни афзал билади. Бу спорт ё техника тўғараги, ёки ўспиринлар тўпланиб, мулоқот қиладиган, чекадиган, ичадиган уй ертўласи ва бошқалар бўлиши мумкин.

Одатда, бу ишда ўспиринлар билан катталар, жумладан, ота-она ўртасида муаммолар юзага келади. Ота-онаси уни ҳали ҳам кичик деб билади, у эса бундай васийликдан қутулишга ҳаракат қиладди. Шу сабабли катталар фикрига нисбатан танқидийлик кучаяди, тенгдошлар фикри кўпроқ аҳамиятли бўлиб боради, катталар билан муносабатлар характери ўзгаради, ўспирин бўйсунидан кўра тенглик ҳолатига ўтишга уринади, ўзлигини намоён этиш мақсадида мулоқотга эҳтиёж пайдо бўлади. Инсон ҳаётининг интим томонларига қизиқишнинг ортиши эса ўспириннинг жинсий ҳаётида асоциал бузилишларга, тарбиянинг оғишган хулқ шаклларига олиб келиши мумкин.

Ўспиринларда катталиқ ҳисси шаклланади, унинг мустақиллик ва эркинликка интилиши, катталарнинг уни «тарбиялаш» истагига қарши чиқишида намоён бўлади.

Ўспирин қизиқишлари кичик ёшдаги боланикига нисбатан сезиларли ўзгаради. Қизиқувчанлик ва ижодий фаолиятга интилиш билан бир қаторда, унда қизиқишлар беқарорлиги ҳам мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, ўспиринлик ёшининг характерли хусусиятларини қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин: ҳиссий етук эмаслик, ўз хулқини назорат қилиш, эҳтиёжларни қондиришда истаклар ва имкониятларни мувофиқлаштириш малакаларининг етарлича ривожланмаганлиги, ўта таъсирчанлик, ўзини кўрсатиш ва тезроқ катта бўлиш истаги.

Ўспирин ўйлаб қилган хатти-ҳаракатларига маънавий ва ҳуқуқий жавоб беришга қодир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўспирин ўз хатти-

ҳаракати учун ҳуқуқий жавобгарлик даврига қадам қўйган шахс. Гарчи қонун вояга етмаганларнинг ижтимоий-психологик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб, уларга чекланган жавобгарлик белгиласа-да, ўсмирлик ёшини шахсий жавобгарлик билан характерланадиган давр деб ҳисоблаш мумкин.

Тарбияси қийин ўспиринлар педагогик бўш қўйилган болалар бўлиб, улар жисмонан соғлом, бироқ етарли тарбияланмаган ва таълим берилмаган бўлади. Улар меҳнатни севмайди, ўзини бирор фаолият билан банд қилишга ёки мунтазам шуғулланишга мажбурлай олмайди. «Қийин» ўспирин мактабда тартиб-интизомни бузади, ўқишни истамайди, ўқитувчилар, ота-оналари, тенгдошлари билан низолашади, мактабни ташлаб, ўзини омадсиз ҳис қилади, дайдилик қилади, ичади, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилади, қонун бузишгача етиб боради. Ўспиринларнинг педагогик бўш қўйилганлиги ёмон турмуш шароитлари, оила ва мактаб тарбиясидаги камчиликлар, мактабдан ташқари тарбиявий ишлар қониқарсиз аҳволда эканлигининг натижасидир.

Амалиётдан маълумки, ўспиринни ўраб турган муҳитнинг ижтимоий педагогик даражаси йўналганлиги, ўспирин шахсига таъсири даражасига кўра турлича бўлади.

Оила, мактаб, мактабдан ташқари муассасаларда болани тарбияловчи омиллар асосан бошқариладиган бўлса, кўча, турар-жойларда тарбия кўпинча стихияли равишда амалга ошади. Бу эса тарбия жараёнига таъсир этмаслиги мумкин эмас, зеро, ўспирин бўш вақтининг катта қисмини айнан кўчада, ўтказади. У ерда уларнинг мулоқоти, яъни энг муҳим ижтимоий эҳтиёжларидан бири амалга ошади, ўз-ўзини намоён этиш эҳтиёжи қондирилади. Ўқувчи-ўспиринлар учун асосий фаолият ўқиш давомида синфдошлар ва ўқитувчилар ҳурмат-эътиборини қозонишга қаратилган фаолият эмас. Шу сабабли «Қийин» ўспиринлар ўзи учун аҳамиятли фаолиятни кўчадан, турар жойдаги мулоқотдан излайди. Айнан шу ерда, ўзига ўхшаганлар гуруҳида уларни ёмон баҳоси ва кўполлиги учун таъна қилишмайди, аксинча, бу камчиликларни уларнинг катта бўлганлигига исбот деб билишади.

Ҳозирги замонавий шароит бола билан мактабда, маҳаллада ижтимоий иш фаолиятини олиб бориш мумкинлигини кўрсатяпти. Мактаблардаги ягона тарбиявий ишлар режаси бўйича олиб

борилаётган фаолият барча ижтимоий хизматларни, болалар тарбияси ва ҳимоясининг умумий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилади. Ижтимоий педагог ягона режа бўйича мактаб жамоаси ишини тубдан ўзгартирмоқда. Ижтимоий педагоглар мактабдан ташқари муассасалар ишларига жалб этилмоқда, синф раҳбарлари ва куни узайтирилган гуруҳ тарбиячилари фаолияти ижтимоий педагог иши билан чамбарчас боғланмоқда. Педагогик жамоа иши мактаб деворлари ичида қолмайди, балки болага, унинг оиласига, болалар бирлашмаларига, тенгдошларига ёрдам беришга қаратилади.

Ижтимоий педагог мактаб ва мактабдан ташқари жамоада педагогик бўш қўйилган ўспиринлар билан ишлашда уларнинг хулқига ўз таъсирини ўтказди. Тарбиячи қийин ўспиринлар билан ишлаш самарали натижа бериши учун кўнгилдагидек мулоқот ўрнатиш, унинг фикрлари, интилишлари, қизиқишлари, келажак режаларини ўрганиш лозим.

Ю.Б.Василькова «қийин» ўспиринни тарбиялашга босқичли ёндашувни таклиф этади:

I босқич – ўспирин ва унинг атрофидагилар билан алоқа ва яхши муносабат ўрнатиш;

II босқич – ўспириннинг шахсий ҳужжатлари (тавсияномаси) билан танишиш;

III босқич – педагогик бўш қўйилиши сабабларини аниқлаш;

IV босқич – психологик ва ижтимоий-педагогик карта тузиш;

V босқич – ўспирин шахсида ижобий ўзгаришларга кўмаклашадиган фаолият турини танлаш;

VI босқич – тарбия ва ўз-ўзини тарбия жараёнини бирлаштириш, ўспиринни ўз-ўзини такомиллаштиришга йўллаш.

Тарбия жараёнига комплекс ёндашув ўспиринлар гуруҳларида юзага келган микромуҳитга фаол таъсир этишни кўзда тутди. Бу гуруҳлардаги психологик муҳит кўпинча унинг аъзоларида салбий одат ва кўникмалар шаклланишига таъсир этади.

Маълумотларга кўра, ўспиринлар кўплаб жинойтларни гуруҳ бўлиб содир этадилар. Бироқ, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича тавсиялар кўпроқ яқка тартибда берилади. Амалиёт кўрсатадики, ўспирин ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш учун яққалаб тарбиялаш ҳамма вақт ҳам қутилган натижани бермайди. Буни ҳуқуқбузар ўсмир, одатда, турар жойига кўра гуруҳ аъзоси экани, унинг

бошқа аъзолари, уларнинг яшаш тарзи, тафаккури, қарашлари, гуруҳ кайфиятига боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин. Якка тартибдаги тарбиявий ишлар аҳамиятини камситмаган ҳолда уларнинг атроф микромуҳити билан ўзаро муносабатларини ўрганиш заруриятини таъкидлаш жоиз. Таълим мазмуни, шакллари ва воситалари бирлигини англлатувчи педагогик таъсирларнинг комплекс тизими бу фаолият мақсадини, гуруҳга кирган ўспириннинг синфдошлари, ўқитувчилари билан муносабатни мувофиқлаштириш, қайта йўналтириш ёки тарқатиш керак, деб белгилайди. Бу муносабатларни нормаллаштириш ўспирин шахси шаклланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказди.

«Қийин» ўспиринлар билан иш бошлашдан олдин анкета ва оммавий сўров ўтказилади, улар педагогик бўш қўйилган ўспиринлар гуруҳлари мавжудлиги ва жойлашув ўрни ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бунинг учун номма-ном, аноним анкеталардан фойдаланилади.

«Қийин» ўспиринлар билан ишлашда ижтимоий педагог қуйидагиларни ҳисобга олиши зарур: гуруҳ сони, уларнинг ижтимоий таркиби, мулоқот жойи ва вақти, гуруҳлар фаолиятининг йўналиши ва мазмуни. Буларни билиш тарбиячига микроҳудуддаги ўспиринлар гуруҳлари билан тарбиявий ишларнинг янада самарали шакл ва воситаларини белгилаш имконини беради.

Бундай гуруҳларда мулоқот ва ўзаро ахборот бир хил ижтимоий таркибли гуруҳга кўра анча бой ва хилма-хил. Бироқ, бу гуруҳларда кўпинча ҳаёт ҳақида сохта тасаввурлар, нотўғри хулқ ва салбий одатларга кечиримли баҳо беришдан иборат ахборот алмашинуви рўй беради. Тарбиячининг вазифаси, биринчидан, гуруҳдаги мулоқот мазмунини билиш, иккинчидан, тарбиявий таъсирни тўғри йўлга қўйиб, ахборотни тўғри йўсинга йўллашга интилиш, яъни бўш қўйилган гуруҳ билан ишлашда ахборот мазмунини ўзгартириш. Шунингдек, гуруҳнинг машғулот турларини ҳам ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим. Уларни икки турга бўлиш мумкин: вақтига кўра-мунтазам ва мунтазам бўлмаган, йўналганлигига кўра – ижобий ва салбий. Мактабда тарбияси қийин ўспиринлар билан ишлашнинг тарбиявий таъсир этиш методикаси қуйидагича:

- мактаб ва мактабдан ташқари ўспиринлар жамоасининг турар-жойларда тарбиявий таъсири;

- яхши ўзлаштирувчи, интизомли ўқувчиларни педагогик бўш қўйилган болаларга таъсири. Бу мулоқот ўзаро дўстликка эҳтиёж, шахсий симпатиялар бўлганда тобора муваффақиятли амалга ошади;

- синф жамоасининг тарбияси қийин синфдошига таъсири. Тарбиявий таъсирнинг бу йўналиши, одатда, маълум фаолият турига, қизиқишлар синф жамоаси ва турар-жой гуруҳида мос келса, самарали бўлади. Бу каби ҳамкорликдаги фаолият жамоа кечинмалари билан боғлиқ, жамоа саъй ҳаракатларини талаб қилади. Синф билан ҳамкорликка жалб этилган “қийин” ўспиринлар фақат ўзи эмас, жамоа учун ҳам ишлаётгани, умумий иш муваффақияти уларга ҳам боғлиқлигини ҳис этади. Бу фаолиятда дўстона алоқалар бошқаларга нисбатан тўғри муносабат, ўзаро ёрдамга интилиш, масъулият ҳисси тарбияланади;

- мактаб жамоасининг бутун гуруҳга таъсири педагогик бўш қўйилган гуруҳ аъзолари бир мактаб ўқувчилари бўлганида қўл келади.

Юқорида санаб ўтилган тарбиявий таъсир йўналишлари микроҳудудда ўзаро боғлиқ ҳолда ва бир пайтда амалга оширилади.

Мактабдан ташқари жамоа ёрдамида турар жойдаги гуруҳларга тарбиявий таъсирни ташкил этишда қуйидагилар муҳим саналади:

Биринчидан, тўғарак, секция, клубларда ўспиринда аниқланган биргина қизиқиш (масалан, спорт ё санъат) билан чекланмай, меҳнат, турли ўйинлар, бадий ҳаваскорлик ва бошқалар орқали ўспиринни атрофдаги инсонлар билан нормал ўзаро муносабатларга тайёрлаш;

Иккинчидан, норасмий гуруҳнинг барча ёки кўпчилик аъзоларига таъсир этиб, уни расмий гуруҳга айлантириш мумкин. Бу жараён шартли равишда - «формаллаштириш», деб айтилади. Бу жараён норасмий гуруҳнинг ўспиринлар учун сезиларсиз тарзда тартибли, аниқ структурали, фойдали ва ижобий фаолиятга уюшган расмий гуруҳга айлантиришини кўзда тутаяди.

Педагогик гуруҳларда олиб бориладиган тарбиявий ишнинг ўзига хослиги ўспиринлар ўзлари ёқтирган фаолият тури билан шуғулланишда, бу фаолиятдан ўспирин қониқиши, у асосида ўзини намоён этишга имкон яратилиши лозим. Бу каби эҳтиёж қондирилиши, аста-секин ривожлантирилиши керак, кейин улар ўспиринда бурч ва масъулият ҳиссини уйғотадиган фаолият турлари билан тўлдирилади.

ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГНИНГ ҚОБИЛИЯТЛИ БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Асосий масалалар:

1. Ёшларда толерантлик тушунчасини шакллантириш.
2. Қобилиятлар ва уларни ривожлантириш.
3. Ижтимоий педагогнинг қобилиятли болалар билан ишлаш усуллари.

Ёшларда толерантлик тушунчасини шакллантириш. Бугунги кунда толерантлик, яъни “бағрикенглик” тушунчаси ўзига хос синонимларга эга бўлгани ҳолда, илмий ва оммабоп манбаларда турлича изоҳланмоқда.

Ижтимоий энциклопедик луғатда: “Толерантлик – ижтимоий ишнинг бошқарув тамойили, индивидлар, гуруҳлар ва ижтимоий ҳамжамиятлар ўртасидаги маданий ва бошқа тафовутларни тан олиш, одамларнинг ташқи қиёфаси, хатти–ҳаракати, қадриятлар йўналиши ва улардаги фарқларга нисбатан бағрикенгликдир,” – дейилган.

Толерантлик муаммосига катта аҳамият берилаётганини шундан ҳам билса бўладики, сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг бу ҳаётий муаммога эътиборини жалб қилувчи халқаро тадбирлар кўлами ортиб бормоқда. Жумладан, 1995 йил 16 ноябрда Париж шаҳрида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг йигирма саккизинчи сессиясида қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” алоҳида аҳамият касб этади. Бу тадбирларда толерантликни ривожлантиришга кўмаклашувчи шарт–шароитларни яратиш йўллари изланмоқда ҳамда муаммони ҳал этишга халақит бераётган омилларни бартараф этишга ҳаракат қилинмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамалакатларида маданиятшунослик, сиёсатшунослик, иқтисодиёт, тарих, педагогика, социология ва психология каби фанлар доирасида бу атаманинг предмети атрофлича ўрганилган.

Адабиётлар таҳлилига кўра, толерантлик тушунчасининг кўп маъноли ва турлича эканлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ҳар бир

маданиятга хос толерантликнинг бошқаларига ўхшаш бўлган таърифлари мавжуд бўлса—да, лекин ўзига хос ажралиб турувчи жиҳатлари ҳам бор. Қуйида дунё тилларида толерантликни таърифловчи баъзи атамаларининг луғавий маънолари очилган. Шунга кўра:

–*tolerance* (ингл.) – мурувватли, сабр–тоқатли бўлишга тайёрлик;

– *tolerance* (фр.) – бошқалар бизларга қараганда яхшироқ ва мукамалроқ фикрлашлари мумкинлигига бўлган қатъий ишонч;

–*tolerancia* (исп.) – ўз фикрлари ва ғояларидан ҳам мукамалроқлари борлигини тан олиш;

–*kuan rong* (хит.) – бошқаларни борича қабул қилиш ва бошқаларга бағрикенг муносабатда бўлиш;

–*tasamul* (араб.) – кўнгилчанлик, раҳм–шафқатлилик, кечиримлилик, бошқаларни борича қабул қилиш ва кечриш;

–*толерантность* (рус.) – сабрли бўлиш (ўзини тута билиш, тоқатли бўлиш, ҳар қандай шароитда мураса қила олиш), бошқаларнинг борлигини қабул қилиш ва тан олиш, бошқаларга ёки бирор нарсага муносиблигини англаш, тан олиш.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, **толерантлик** – а) бошқаларнинг фикрига, қарашлари ва ҳаракатларига ғайритабиий тарздаги пассив тобелик эмас; б) итоаткорона сабр–тоқат қилиш эмас, балки фаол маънавий позициядир; в) этнослар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик йўлида, ўзга маданий, миллий, диний ёки ижтимоий муҳит кишилари билан ижобий ўзаро муносабат йўлида бағрикенгликка руҳий тайёрликдир. Шу сабабли – толерантлик – ўзбекларга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири саналади. Уни миллий характернинг ўзаги деб аташ ҳам мумкин. Психологик нуқтаи назардан толерантлик (лотинча *tolerantia* – сабрлилик, чидам) – *инсоний бағрикенгликнинг бир кўриниши ёки ифодаси бўлиб, инсон учун ёқимсиз, нохуш бўлган бирор омилга нисбатан қатъий жавобнинг йўқлиги ёки унинг кучсизлигини билдиради. Ўша вазият ёки омил қанчалик шахсга ёқмаса—да, у бунга чидайди, босиқлик қилади, керак бўлса, мослашади. Бу жуда мураккаб, кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлиб, у ўзбекистонликлар характерида оилавий муносабатларнинг деярли барча кўринишида намоён бўлиб, муайян маънода асрлар*

давомида оила институтининг мустаҳкамлигида ўзининг ролини ўйнаган.

Қобилиятлар ва уларни ривожлантириш. Қобилиятлар ва уларни ривожлантириш ҳақида ўйламаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Масалан, муайян меҳнат турини ўзлаштиришда тезкорлик даражасига қараб биз одамлар ўз қобилиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қилишларига ишонч ҳосил қиламиз. Кадрларни жой-жойига қўйишда қобилиятларга баҳо бериш муҳим роль ўйнайди.

Қобилиятларни ўрганиш, уларни ривожлантириш билан психология фани шуғулланади. Муайян турдаги фаолиятни бажариш имкониятини белгиловчи руҳий хоссаларни *қобилиятлар* деб аташ одат тусини олган. Умумий ва махсус қобилиятлар фарқланади. Кўпгина фаолият турларида қўлланиладиган қобилиятлар умумий ҳисобланади (ақл сифати, зеҳн хусусиятлари), баъзи бир турдаги фаолиятлардагина намоён бўлувчи қобилиятлар махсус қобилиятларга киради (масалан, мусикий қобилиятлар). Ҳар бир фаолият умумий ва айрим махсус қобилиятлар бирикмасини талаб қилади. Қобилиятлар ривожланиши учун ҳаёт жараёнида шаклланган муайян кўникмалар ва билимларни ўзлаштириш талаб этилади. Айни вақтда шуни эътиборга олиш лозимки, барча руҳий хоссалар, шу жумладан инсон қобилиятлари ҳам ўз моддий, нервли асосига эга бўлади.

Ўтмишда инсоннинг ақлий қобилиятлари миянинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлса керак, деган фараз илгари сурилган. Олимлар қобилиятлироқ одамларнинг мияси ҳам каттароқ бўлиши лозим деб тахмин қилганлар. Дарҳақиқат, айрим машҳур кишиларнинг мияси анча катта. Масалан, Тургеневники – 2012 грамм, Байронники – 1800 грамм. Ваҳоланки, вояга етган одам миясининг ўртача оғирлиги 1400 граммга тенг. Бироқ айрим истеъдодли одамлар миясининг вазни ҳатто ўртача даражага ҳам етмаган. Масалан, машҳур француз ёзувчиси А.Франснинг мияси 1017 грамм бўлган. Ўз-ўзидан равшанки, миянинг катта-кичиклиги инсон қобилиятларини белгиламайди.

Ақлий қобилиятнинг асл асосларини мия ишининг теран хусусиятларидан излаш ўринли бўлса керак. Масалан, мия қон таъминотининг яхшиланиши, нерв хужайралари озиқланиш жараёнининг кучайиши зеҳннинг кучайишига таъсир кўрсатади ва шу тариқа ақлий иш қобилиятини кучайтиради. Шунингдек қобилиятларнинг шаклланиши ва ривожланишига инсоннинг ҳаёт

тажрибасидаги янгиликлар мияда мустаҳкамланиши таъсир кўрсатиши ҳам аниқланган. Бу қобилиятлар ривожланиши учун мия ўзини қуршаган дунё билан ўзаро алоқага киришиши лозимлигини англатади.

Муайян турдаги фаолиятни айниқса самарали бажариш имкониятини берувчи қобилиятларнинг юксак даражаси *истеъдод* деб аталади. Истеъдод инсон фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўлиши мумкин. Катта қобилият аломатлари болаликдаёқ кўзга ташланиши мумкин. Истеъдод санъат соҳасида, айниқса мусиқада эрта намоён бўлади. Масалан, Моцарт олти ёшдаёқ ўзининг композиторлик қобилиятларини намойиш этган. Шоирлик истеъдоди ҳам жуда эрта намоён бўлиши мумкин.

Илмий соҳада истеъдод санъатга қараганда кечроқ намоён бўлади. Математик истеъдод айниқса эрта кўзга ташланади. 20 ёшга қадар ўз истеъдодини намоёт этган олимларнинг барчаси математиклар бўлган (Паскаль, Лейбниц, Гаусс ва б.). Айни вақтда, болаликда намоён бўлган истеъдоднинг илк белгилари кейинчалик унинг раванг топишига олиб келмаслиги ҳам мумкин. Муҳими шуни унутмаслик керакки, болаликда ютуқларнинг йўқлиги қобилиятлар кейинчилик ривожланиши мумкин эмаслигини англатмайди. Баъзан истеъдод аста-секин ва кўпинча кутилмаган жойда шаклланади.

Қобилиятли болалар уйда ҳам, мактабда ҳам жиддий қийинчиликларга дуч келадилар. Иқтидорли бола катталар билан мулоқот қилиш йўллари излайди, чунки кўпинча тенгдошлари уларни тушунмайдилар ва уни мазах қиладилар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қарорига биноан истеъдодли болалар ақли заиф, тарбияси оғир болалар билан бир қаторда “риск гуруҳи”га киритилган. Уларга алоҳида тарбия, махсус индивидуал ўқув дастурлари, махсус тайёрланган ўқитувчилар зарур.

Ижтимоий педагогнинг қобилиятли болалар билан ишлаш усуллари. Ижтимоий педагог энг аввало шуни ёдда тутиши лозимки, бола қай даражада иқтидорли бўлмасин, унга таълим ва тарбия бериш зарур. Унга меҳнат қилиш, мустақил қарорлар қабул қилишни ўргатиш муҳимдир. Боланинг уни бошқалардан ажратиш имкониятини берувчи алоҳида жиҳатларини аниқлаш зарур. Оилада конфликтлар бундай болага босим ўтказилиши натижасида юзага келади. У ўзига босим ўтказишларини, бақир-чақирларни ёқтирмайди, ота-онаси эса буни унутиб қўяди ва натижада муаммо юзага келади.

Ижтимоий педагог ота-онага боланинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашади, уни мутахассисларга юборади, маслаҳатлар ташкил этади. Иқтидорли болаларнинг ностандарт хулқ-атвори шунда намоён бўладики, уларнинг кайфияти тез-тез ўзгаради, улар мулоқотда сабрсиз бўладилар, ўз суҳбатдошларининг гапини бўладилар, ўз билимларини намоёиш этадилар. Бу хусусиятлар энг аввало уларда сабр-тоқатлилиқни тарбиялашни талаб қилади.

Истеъдодли болалар меҳрибонлик, адолат ва эзгулик нима эканлигини яхши биладилар, лекин амалда улар бу ажойиб ғояларни ҳаётга татбиқ эта олмаслиқлари мумкин. Қизиқувчанлик ва ҳамма нарсани билишга интилиш, улкан ижодий салоҳият мавжуд хулқ-атвор ва атрофдагилар билан муомала қилиш меъёрлари бузилишига олиб келиши мумкин.

ТАЪЛИМНИ ТОИФАЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Асосий масалалар:

1. XXI асрда жаҳонда таълимнинг ривожланиш тенденциялари.
2. Таълимни тоифалаштириш (дифференциация).
3. Инклюзив таълим тушунчаси.

XXI асрда жаҳонда таълимнинг ривожланиш тенденциялари.

Конкрет педагогик технологияларни ўрганишга киришишдан олдин жаҳондаги таълим тизимлари ривожланишининг асосий тенденциялари билан танишиш талаб этилади, зеро бу таълим амалиётида янги технологиялар ролини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Бунда таълим амалиёти ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва маънавий камол топиш жараёни сифатида қаралиши лозим. “Ривожланиш” педагогик жараённинг таянч иборасига, “таълим” тушунчасининг муқобилига айланади.

Инсонни тўлақонли ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш учун XXI асрда таълим қандай бўлиши керак? Таълимга нисбатан мазкур ёндашувнинг муҳимлигини америкалик таниқли бизнесмен *Джон Грилос* жуда аниқ ифодалади. Унинг фикрича, ўқувчилар у ёки бу соҳада ўзлаштираётган билимларнинг мустақамлик даражаси унча муҳим эмас, чунки бу билимлар ҳар йили ўзгаради ва баъзан ўқувчилар уларни ўзлаштиришга улгурмасларидан эскиради. Бинобарин, иқтисодиётга ахборот билан ишлашни мустақил ўрганишга, турли соҳалардаги ўз билим ва кўникмаларини мустақил такомиллаштиришга, зарур ҳолда янги билимлар ва касбларни ўзлаштиришга қодир бўлган ёшлар келиши муҳимроқдир.

Ҳозирги замон ахборот жамияти барча турдаги ўқув юртлари олдида қуйидаги қобилиятларга эга бўлган битирувчиларни тайёрлаш вазифасини қўяди:

- ўзгарувчан ҳаёт шароитларига мослашиш, зарурий билимларни мустақил ўзлаштириш, турли-туман муаммоларни ечиш учун улардан моҳирона фойдаланиш, бутун умри мобайнида ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир бўлиш;

- мустақил танқидий фикрлаш, реал воқеликда юз бераётган муаммоларни кўра билиш ва уларни оқилона ечиш йўлларини замонавий технологиялар ёрдамида топиш; ўзи ўзлаштираётган билимлардан қаерда ва қай тарзда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш;

- ахборот билан моҳирона ишлай олиш: муайян муаммони ечиш учун зарур фактларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш, муаммони ечишга доир гипотезаларни илгари суриш, зарурий хулосалар чиқариш, қонуниятларни аниқлаш, далилланган хулосалар чиқариш, олинган хулосалардан янги муаммоларни аниқлаш ва ечишда фойдаланиш;

- турли ижтимоий гуруҳларда киришимли бўлиш, турли соҳаларда ва турли вазиятларда бошқалар билан баҳамжиҳат ишлай олиш, ҳар қандай конфликтли вазиятларнинг олдини олиш ёки улардан моҳирона чиқа билиш;

- ўз маънавияти, ақл-заковати ва маданий савиясини ривожлантириш устида мустақил ишлаш.

Шундай қилиб, ҳозирги замон жамиятида таълим тизимларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари қуйидагилардир: *инсонни билимнинг турли соҳаларида ранг-баранг мустақил фаолиятга жалб қилиш орқали унинг ақлий ва маънавий камол топишини таъминлаш.*

Бу ерда ҳозирги дунёнинг ҳар қандай мамлакати таълим соҳасида белгилаган умумий стратегияга таъсир кўрсатмай қолиши мумкин бўлмаган яна бир омилни эътиборга олиш муҳимдир. Ҳозирги саноат, экологик ва ахборот технологиялари тизимлари шу даражада мураккабки, бирон-бир минтақа ёки давлат улар билан боғлиқ муаммоларни мустақил ҳал қилишга қодир эмас. Бунинг учун турли давлатлар, минтақаларнинг чуқур интеграциялашуви талаб этилади. Айни шу сабабли давлатлар ҳамжамияти ҳар бир давлат ривожланишда юксак даражага эришишидан манфаатдордир. Агар ҳамжамият аъзоларидан бирида технологияларнинг ривожланиш даражаси паст бўлса, у бутун ҳамжамиятга таҳдид солади. Юксак технологиялар технологик жараёнда иштирок этувчи одамлардан юксак даражада касбий маҳоратга, танқидий ва таҳлилий фикрлаш қобилиятига, тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб қилади. Айни шу сабабли ўқув юртларининг битирувчилари шу жумладан глобал фикрлаш салоҳиятига эга бўлишлари, ўз минтақаси, мамлакатадагина эмас, балки бутун дунёда юз бераётган жараёнларни билишлари ва

тушунишлари лозим. Бу таълимнинг мазмун ва моҳиятига нисбатан бутунлай янгича ёндашувдир.

Таълимни тоифалаштириш (дифференциация) муаммолари ва махсус таълим муассасаларининг фаолияти. XX–XXI асрлар чегарасида таълимни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари орасида тадқиқотчилар таълимни тоифалаштиришнинг кенгайишини, таълимнинг кўп соҳалилиги ва вариативлигига қараб мўлжал олишни, таълим моделларини танлаш имкониятларини кенгайтиришни, жамиятнинг ўзгараётган талабларига мувофиқ таълим тизимининг барча босқичларини модернизация қилишни қайд этадилар.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда кузатилаётган таълимнинг ривожланиш тенденцияси таълим олувчиларни уларнинг майллари, қизиқишлари ва давоматига мувофиқ тайёрлашни тоифалаштиришга эътиборнинг кучайишида намоён бўлаяпти. Турли ўқув юртлари бўйича тақсимлаш тоифалаштиришнинг асосий шакллари ҳисобланади. Одатда, *тоифалаштириш* бошланғич мактабни тугаллаш босқичида юз беради, турли ўқув муассасаларида амалга оширилади ва таълим дастурларининг мазмуни уларнинг бош мезони бўлиб хизмат қилади. Бир ўқув юрти доирасида тоифалаштириш анча кенг тарқалган.

Тоифалаштиришни амалга ошириш жараёнида таълим олувчиларга йўл кўрсатиш – уларни умумий таълимнинг турли йўналишлари бўйича тақсимлаш (таълимга йўналтириш) ва муайян фаолиятга доир билимларни ўзлаштириш (касбга йўналтириш) биринчи даражали аҳамият касб этади. Кўпгина мамлакатларда таълим олувчиларга йўл кўрсатиш махсус систематик тадбирлар предмети ҳисобланади. Уларда янги ижтимоий воқеликни ва таълим олувчи шахсини ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олишга ҳаракат қиладилар.

Таълимнинг кўп соҳалилиги ва мувобиллигини ривожлантириш доирасида ўқув юртларининг янги типлари вужудга келади. Одатда, бу кўпроқ ўрта ва касб-ҳунар таълими соҳасига тегишли. Бу борада таълимни ривожлантириш йўлларида бири тўлиқ ўрта мактаб доирасида умумий ва ўрта таълимни бирлаштириш ҳисобланади (масалан, Англияда шаҳар технологик коллежини тамомлагандан сўнг дарҳол касбий фаолиятга киришиш ёки олий мактабга ўқишга кириш мумкин).

Ҳозирги дунёда таълим моделларини танлаш учун тобора кенг имкониятлар берилмоқда. Давлат ўқув юртларидан ташқари, таълим

амалиётида бир қанча хусусий ўқув юртлари ҳам мавжуд бўлиб, уларда таълим-тарбия жараёни анъанавий таълим-тарбия жараёнидан анча фарқ қилади. Сўнгги йилларда бундай мактаблар сони кўпайиб бормоқда. Хусусий ўқув юртлари таълим олувчиларнинг расмий таълим тизими доирасида ечиш мушкул бўлган муаммолари ечимларини топишлари мумкин. Юксак таълим стандартларига қараб мўлжал олувчи хусусий мактаблар алоҳида таълим ва тарбия муҳити ҳамда махсус таълим дастурига муҳтож бўлган иқтидорли болаларнинг қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам берадилар.

Таълимни ривожлантириш йўллари топиш борасидаги изланишлар экспериментал ўқув юртлари негизида амалга оширилмоқда. Бу мактаблар энг моҳир педагоглар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда асосий педагогик ғояларни эмпирик синовдан ўтказиш, уларни маромига етказиш ва асослаш учун мўлжалланган. Экспериментал ўқув юртлари тажрибаси таълимнинг ривожланишидаги бўлғуси тенденцияларни доим ҳам белгилайвермайди, лекин уларнинг фаолияти мактаб ишини янгилаш борасида анча муҳим воқеа ҳисобланади. Инсоннинг ўта сифатли таълимга бўлган эҳтиёжи ҳозирги замон таълимининг ривожланиш тенденциясини белгиловчи бош омилга айланади.

Психолого-педагогик ва услубий адабиётларда таълимнинг мазмунини тоифалаштиришнинг *икки асосий тури* фарқланади. Булар:

- даражавий тоифалаштириш;
- соҳавий тоифалаштириш.

Ҳозирги дунёда ахборот ҳажмининг жадал суръатларда кўпайиши, инсон фаолияти соҳасининг кенгайиши уни ҳар бир инсон тўлиқ ўзлаштиришига имкон бермайди. Бу муайян соҳада ихтисослашиш заруриятини келтириб чиқаради. Бинобарин, қўшимча таълим даражасида тайёргарликни ҳам ихтисослаштириш талаб этилади. Таълимни соҳавий тоифалаштириш айти шу вазифани ҳал қилишни назарда тутди. Ҳозирги замон педагогикасида таълимнинг мазмунини соҳавий тоифалаштириш мақсади “таълим олувчиларнинг барқарор қизиқишлари, майллари ва қобилиятлари соҳасининг изчил ихтисослашувига эришиш” сифатида тавсифланади.

Таълимнинг мазмунини соҳавий тоифалаштириш билан бола шахсиятининг ўзига хос жиҳатлари, ижодий қобилиятлари ва майллари амалда тўлақонли намоён этиш, уларни ўзлари танлаган

соҳада ўқишни давом эттиришга, мўлжалланаётган касбий фаолиятга янада самаралироқ ва изчилроқ тайёрлаш имкониятлари билан боғлайдилар.

Соҳавий тоифалаштириш болалар ўзларининг билим олишга бўлган эҳтиёжлари ҳамда қобилиятларини янада теранроқ англаб етишларини назарда тутди. У болаларнинг айрим гуруҳларига нисбатан индивидуал ёндашувни амалга ошириш билан узвий боғлиқ.

Барқарор махсус қизиқишларни шакллантириш болаларнинг қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу инсон фаолиятининг муайян соҳасига қизиқишлар бўлиб, улар кейинчалик мазкур фаолият тури билан касбий даражада шуғулланишга бўлган интилишга айланади.

Таълимни тоифалаштиришда инклюзив таълим жараёнлари айниқса ақлий ўсишда оқсаётган ва жисмоний нуқсони бўлган болалар сони 20% гача етувчи ва ундан ошувчи йирик шаҳарлар, мегаполисларда алоҳида ўрин эгаллай бошлайди. Бу ерда гап ирсий шикастланган ривожланаётган инсонга содда ва жамият учун зарур бўлган касбни ўргатиш, унга барқарор ахлоқий кўникмаларни сингдириш ҳақида боради.

Инклюзив таълим соҳада деярли янги атама. "Инклюзив" сўзи "ўз ичига олиш", "киритиш" маъноларини англатади. Шундан келиб чиқиб, инклюзив таълимнинг мазмуни имконияти чекланган болаларни умумтаълим мактабларида ўқитиш демакдир. Инклюзив таълим билан бирга бугунги кунда интеграциялашган таълим ҳам бор. Бу сўзнинг маъноси эса бирлашиш, кўшилиш, яхлитлик демакдир. Бу таълим диққат марказида махсус эҳтиёжли, ёрдамга муҳтож болаларнинг умумтаълим мактаб ўқувчилари билан биргаликда ўқитилиши туради. Энди савол туғилади: "махсус мактабларчи?".

Психолог Л.С.Виготский имкониятлари чекланган бола нормал ривожланаётган болалар даврасидан чиқарилмайдиган таълим тизимини яратиш зарурлигини таъкидлаган эди. Унинг фикрича, махсус мактаб ўзининг барча афзалликларидан қатъи назар, асосан бир камчилик билан ажралиб турадики, у ўз тарбияланувчиси – кўр, кар ёки ақли заиф болани тор жамоага киритади, ҳамма нарса боланинг нуқсонига мослаштирилган, унинг эътиборини ўз нуқсонига қаратадиган ва уни ҳақиқий ҳаётга киритмайдиган берк дунёни яратади. Лўнда қилиб айтганда, махсус мактаб болани алоҳида ажратилган

оламдан чиқариш ўрнига, унда ўз қобиғига янада кучлироқ ўралишга элтувчи кўникмаларни ривожлантиради. Шу туфайли ҳам Л.С.Виготский ривожланишда нуқсони бўлган болани тарбиялашнинг асосий вазифалари уни ҳаётга олиб кириш ва унинг нуқсони ўрнини бошқа бирон-бир йўл билан тўлдиришдан иборат, деб ҳисоблаган. Шундай қилиб, Л.С.Виготский бирлаштирилган таълим ғоясини биринчилардан бўлиб асослаган. Кейинчалик унинг ғояси Ғарбий Европа ва АҚШ мактабларининг иш амалиётида рўёбга чиқарилди.

Дунё мамлакатларининг ҳар бири махсус таълимни ўзининг алоҳида йўли билан интеграция қилиши зарурлигини англаб етди. XX аср охирига келиб жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари (АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Германия, Италия, Скандинавия мамлакатлари)да болаларни махсус (коррекцион) таълим муассасаларига жойлаштириш қолган барча имкониятлардан фойдаланилган ва улар қутулган натижани бермаган ҳолда кўриладиган энг сўнгги чора ҳисобланади. Бу мамлакатларнинг таълим амалиётида инклюзив ёндашув принципи қўлланилади, яъни ривожланишда нуқсони бўлган болаларга оммавий мактабда ҳамма қатори таълим олиш имконияти берилади.

Сўнгги йилларда чет эл мамлакатлари (АҚШ, Канада, Буюк Британия ва бошқалар)да “интеграция” тушунчасининг ўрнини “киритиш” (inclusion) тушунчаси эгалламоқда. Бунга ЮНЕСКОнинг “киритувчи таълим”га кўмаклашувчи ижтимоий сиёсат чоратадбирлари тўғрисидаги декларацияси (Испания, Саламанка шаҳри, 1994 йил) имконият яратди. Янги тушунчани ва тегишли ҳаракатлар тизимини амалга киритиш ташаббускорлари фикрига кўра, ривожланишида нуқсони бўлган болалар бундай нуқсонсиз болалар билан бир синфда бирлаштирилиши ўз-ўзича нуқсонли болалар синф ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини англамайди. Инглизча “includ” феъли “ўз ичига олиш, қамраб олиш, ўз таркибида эга бўлиш” деб ўгирилади. Шу туфайли ҳам “inclusion” сўзи нафақат таълимга, балки инсоннинг жамиятдаги ўрнига ҳам янгича нуқтаи назарни акс эттирувчи атама сифатида намоён бўлади.

Ҳамма болаларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган, ҳуқуқ ва қобилиятларини ҳурмат қиладиган, ижтимоий адолат ҳамда тенгликка эришишни мақсад қилиб олган таълим тизими инклюзив таълим дейилади. Инклюзив таълим ногирон болаларни таълим жараёнига интеграция қилиш ҳамда умумтаълим мактабларини ногирон болаларга

мослаштиришни кўзда тутадиган ижтимоий адолат ва тенгликни бош мақсад қилиб олган жараён дир. Инклюзив таълим ижтимоий моделга асосланади ва у муаммони болада эмас, балки дастур ва методологияда деб ҳисоблайди. Бундай таълим тизимини ҳаётга тадбиқ этиш бугунги таълим тизимига баъзи бир ўзгартиришлар киртишни тақозо этади. Бунда ҳар бир боланинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари тайёрланади, услубиётнинг психологик муаммолари билан боғлиқ томонлари тўғри йўлга қўйилади.

Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг таълим тизими давлатнинг кадриятларга муносабатини акс эттирувчи институт ҳисобланади. XX аср 90-йилларининг бошида кўпгина мамлакатларда эълон қилинган демократик, очиқ фуқаролик жамият қуришга, одамлар ўртасида умумий тенглик ғоясини рўёбга чиқаришга, инсонни энг олий кадрият деб эътироф этишга ўтиш ўз-ўзидан ривожланишида нуқсони бўлган болаларга ва уларнинг ҳуқуқларига давлатнинг муносабати ўзгаришига ҳам сабаб бўлди.

XXI аср махсус таълими – янгича типдаги тизим. У қуйидагиларни назарда тутаяди:

- ривожланишида нуқсони бўлган болалар ҳам, уларнинг нормал ривожланаётган тенгдошлари ҳам таълим оладиган янгича типдаги таълим муассасаларини яратишни;

- мавжуд махсус таълим муассасаларига янги функциялар – мазкур минтақанинг умумий таълим муассасаларига киритилган болалар ва уларнинг оилаларига, шунингдек ушбу муассасаларнинг мутахассисларига махсус консултив ёрдам кўрсатишни;

- таълим жараёнининг узлуксизлигини ва уни мактаб ёши чегарасидан чиқаришни.

Шундай қилиб, таълим соҳасида алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган болалар учун таълим муассасаларини ривожлантириш имкониятлари ҳам янги функция – ривожланишда нуқсони бўлган болаларга махсус психолого-педагогик ёрдам кўрсатиш функциясини жорий этиш, ҳам принципиал янги таълим муассасаларини яратиш билан боғлиқ.

Мамлакатимизда мактаб, лицей, гимназия, коллеж каби даргоҳлар билан биргаликда турли йўналишдаги махсус мактаб интернатлар, меҳрибонлик уйлари фаолият кўрсатади. Кўплаб давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам имконияти чекланган болалар учун махсус ташкил этилган мактаблар бор. Уларнинг вазифаси болаларни махсус

ўқув юртларига тайёрлаш ҳамда ижтимоий ҳаётга мослашувига шарт – шароит яратишдир. Бола ҳуқуқларини Ҳалқаро Конвенцияси ҳамма болаларнинг эҳтиёжини ҳисобга олган, ҳуқуқ ва қобилиятларини ҳурмат қиладиган таълим тизимини яратиш ғоясини илгари суради. Чунки ҳар бир болада – у соғломми ёки ногиронми – такрорланмайдиган характер, қизиқиш, имконият ва билимга эҳтиёж бор.

Осиё Тараққиёт банкининг молиявий кўмаги билан амалга оширилаётган ва республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Имконияти чекланган болалар учун умумтаълим гранти" лойиҳаси мақсади бундай болаларнинг ижтимоий интеграцияси, яъни уларнинг тенгдошлари ўртасида ижтимоийлашуви, мослашувига эришишдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда "Таълим ҳамма учун" миллий режаси ишлаб чиқилиб, инклюзив ресурс марказлари ташкил этилган. Янги имконият яратувчи «Имконияти чекланган болалар ва ўсимрлар инклюзив таълим ҳақида»ги низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Низомда таъкидлашича, таълим олишга лаёқати бўлган лекин имконияти чекланган ҳар бир болага ўз тенгқурлари қаторида таълим олиши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Бу борада Республикаимизда ХТВ нинг ҳалқаро ЮНЕСИФ ташкилоти билан ҳамкорликда «инклюзив» таълим орқали болага дўстона муносабат муҳитини шакллантириш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, 2007 йилда 11та туманда жами 110 та мактабда 210 нафар ногирон бола инклюзив тарзда таълим олиш ташкил этилди.

Бу таълим тизимини йўлга қўйиш учун аввало ёрдамчи ва махсус мактаб-интернатлар атрофидаги пилот мактаблари танлаб олинди. Лойиҳа вазифаларини амалга оширишни назорат қилиб бориш учун маҳаллий нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари жалб қилинди ва мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Шу билан бирга таълим жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида инклюзив синфлар керакли асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ўқитувчиларни ўқитиш, қўлланмалар яратишга киришилди. Яъни назорат синфларда дарс берувчи муаллимлар учун махсус тренинг модуллари ишлаб чиқилди ва имконияти чекланган болалар билан ишлашда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар нуқсон турлари ва уларнинг даражаларига қараб умумтаълим мактабларида ташкил этилган интеграция ва

инклюзив синфларга тортилди. Лойиҳанинг асосий мақсади ногирон болаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, таълимнинг самарадорлигини ошириш, уларни касб-ҳунарга йўллаш, жамиятнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли аъзоси этиб вояга етказишдир. Шу билан бирга иш жараёнида айрим психологик ва педагогик муаммоларни бартараф этиш, мактаб ўқувчилари билан бирга ногирон болалар ўртасида содир бўладиган баъзи ҳолатларни йўқотиш, синфда ва мактабда улар ўртасида соғлом муҳитни яратишдир.

Адабиётлар:

1. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида. ЎзР Президентининг қарори. Халқ сўзи, 2010 й.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. ЎзР Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. //Халқ сўзи газетаси. – 7.12.2010. – № 33-34 (4696-4697).
3. Каримов И.А. Барча режа ва дасурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий–иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР ВМнинг мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи., 21.02.2011.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. ВМ мажлисида қилган маъруза.
5. И.Каримов. Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир: 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи газетаси. – 30.01.2010.
7. Василькова Ю.В., Василькова Т.А. Социальная педагогика. – М.: 2008.
8. 19. Галагузова Н.А. История социальной педагогики. Хрестоматия. М.,2002.
9. Мардахаев Л.В. Социальная педагогика. Учебник. – М.: Гардарики, 2008. – 269 с.
10. Свенцицкий А.Л. Социальная психология: Учебник. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 336 с.

11. Трипольский В.С. Методическое пособие по контролю качества знаний по программе учебной дисциплины “Этика и психология делового общения”: Тестовые задания. Для студентов всех специальностей. Часть 1. – М.: Финансова академия, 2005. – 25 с.
12. М.В.Шакурова. Методика и технология работы социального педагога. М., Академия, 2007.
13. Психология менеджмента: Учебник. / Под ред. Г.С.Никифорова. – 2-е изд. доп. и перераб. – СПб.: Питер, 2004. – 693 с.
14. Психология. Учебник. / Отв. ред. проф. А.А.Крылов. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд-во: ПРОСПЕКТ (ТК Велби). 2004. – 752 с.
15. Ложкин Г.В. Повякель Н.И. Практическая психология в системах “человек-техника”: Учеб. пособие. – К.: МАУП, 2003. – 296 с.
16. Мудрик А.В. Социальная педагогика. Учебник. – М.: 1999.
17. Платонова Н.М. Основы социальной педагогики. – СПб.: 1997.
18. Педагогика. (Т.А. Ильина тахрири остида). М.:”Владос”, 2004.
19. Педагогика. ўқув қўлланма. Т. 2006.
20. Машков В.Н. Психология управления: Учебное пособие. – СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2000. – 208 с.
21. Социальная психология экономического поведения. – М.: Наука, 1999. – 237 с.
22. Прикладная социальная психология. / Под. ред. А.Н.Сухова и А.А.Деркача. – М.: Изд-во “Институт практической психологии”; Воронеж: Изд-во НПО “МОДЭК”, 1998. – С. 554-555.
23. Кузнецова П.В. Методика и технология социальной педагогики. М.: 2007.
24. Куронов М. Ижтимоий педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: 2006.
25. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. 2007.

МУНДАРИЖА

1	Боб. Ижтимоий педагогика ўқув фани сифатида.....	3
1.1.	Ижтимоий педагогика, унинг предмети ва вазифалари.....	
1.2.	Ижтимоий педагогиканинг назария ва амалиёт сифатидаги моҳияти ва мазмуни.....	
1.3.	Ижтимоий педагогиканинг асосий категориялари, функциялари ва вазифалари.....	
2	Боб. Ижтимоий педагогиканинг принциплари.....	11
2.1.	Ижтимоий педагогика билимларнинг интегратив тармоғи сифатида.....	
2.2.	Педагогика фанлари тизимида ижтимоий педагогиканинг ўрни.....	
2.3.	Ижтимоий педагогиканинг асосий принциплари.....	
2.4.	Ижтимоий педагогиканинг фалсафий, ахлоқий ва тарихий-маданий асослари.....	
3	Боб. Ҳозирги жамиятда шахснинг ижтимоий камол топишини белгиловчи асосий омиллар.....	23
3.1.	Ҳозирги дунё муаммоларининг глобаллашуви, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш муаммолари.....	
3.2.	Шахснинг ўсиши ва камол топиши.....	
3.3.	Шахснинг ёшга доир ижтимоийлашуви хусусиятлари.....	
4	Боб. Ижтимоийлашув педагогик ходиса сифатида.	32
4.1.	Ижтимоийлашув жараёнининг моҳияти.....	
4.2.	Ижтимоийлашув механизмлари.....	
4.3.	Ижтимоийлашувнинг асосий элементлари.....	
4.4.	Ижтимоийлашув жараёнида инсон.....	
5	Боб. Ҳозирги жамиятда шахснинг ижтимоий шаклланиши.	43
5.1.	Жамиятнинг ривожланиши ва ижтимоийлашув жараёнлари.....	
5.2.	Ижтимоийлашувнинг мегаомиллари ва макроомиллари.....	
5.3.	Ижтимоийлашувнинг мезоомиллари.....	
6	Боб. Ижтимоийлашувнинг микроомиллари.....	58
6.1.	Оила ва оилавий тарбия.....	
6.2.	Ҳозирги оила типлари, оила демографияси.....	
6.3.	Оиланинг ижтимоийлаштирувчи функциялари.....	
6.4.	Ижтимоий муҳит тарбия микроомили сифатида.....	
7	Боб. Ижтимоий педагогик фаолият жараён сифатида.....	66

7.1.	Ижтимоий педагог фаолиятининг мазмуни.....	
7.2.	Ижтимоий педагогнинг умумий ва махсус функциялари.....	
7.3.	Шахс билан ижтимоий-педагогик иш олиб бориш методикаси ва технологияси.....	
8	Боб. Марказий Осиё ва Ғарб тарихида ижтимоий тарбия амалиёти	75
9	Боб. Жамоада ижтимоий тарбия тажрибаси.....	79
9.1.	Шахснинг ижтимоийлашув жараёнига жамоанинг таъсири.	
9.2.	Жамоадаги психологик муҳит.....	
9.3.	Жамоада конфликтларни бошқариш.	
10	Боб. Ижтимоий фаолият халқаро тажрибаси.....	88
10.1.	Ижтимоий ишнинг касб сифатида вужудга келиши.	
10.2.	Чет элда ижтимоий ходимларнинг таълим тизимлари.....	
10.3.	Ижтимоий ишда ахлоқий принциплар ва муаммолар.....	
11	Боб. Ҳозирги дунёда аҳолига ижтимоий мадад кўрсатишнинг асосий моделлари.....	95
11.1.	Ҳозирги дунёда аҳолига ижтимоий мадад кўрсатишнинг асосий моделлари.....	
11.2.	Европа мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.....	
11.3.	АҚШда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими.....	
12	Боб. Ҳозирги шароитларда болаларни ҳимоя қилиш.....	103
12.1.	Тарбияси оғир ўсмирлар, уларнинг хусусиятлари, хулқ- атворидаги турли оғишлар.....	
12.2.	Болалар хулқ-атворида агрессивликнинг сабаблари.....	
12.3.	Қайта тарбиялаш усуллари.....	
13	Боб. Ижтимоий педагогнинг қобилиятли болалар билан ишлаш.....	111
13.1.	Қобилиятлар ва уларни ривожлантириш.	
13.2.	Ижтимоий педагогнинг қобилиятли болалар билан ишлаш усуллари.	
14	Боб. Таълимни тоифалаштириш муаммолари ва махсус таълим муассасаларининг фаолияти.	
14.1.	XXI асрда жаҳонда таълимнинг ривожланиш тенденциялари.	
14.2.	Таълимни тоифалаштириш (дифференциация).	
14.3.	Инклюзив таълим тушунчаси.	
	Тавсия этилган адабиётлар.....	

